



APM

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№2. 2023

ISSN 2181-502X

Берлинда нуфузли
84-Халқаро озиқ-
овқат кўргазмаси –
"Green week 2023"
бўлиб ўтди.



НУФУЗЛИ КЎРГАЗМАЛАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАЛАР

“Green week 2023” – 84-Халқаро озиқ-овқат кўргазмасида бутун дунёдан 1 700 дан ортиқ экспонентлар дунё миқёсида шуҳрат қозонган энг хилма-хил маҳсулотларнинг 100 миннга яқин турини намойиш этишди.



Берлиндаги кўргазма доирасида озиқ-овқат билан боғлиқ 300 дан ортиқ турли форумлар, семинарлар, конгресслар ва учрашувлар ўтказилди.

Мазкур нуфузли қишлоқ хўжалиги кўргазмасида мамлакатимиз ҳам иштирок этди. 240 квадрат метр майдонга эга бўлган Ўзбекистон стендида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 60 дан ортиқ тадбиркорнинг миллий маҳсулотлари намойиш этилди. Жумладан: 227 турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари – янги ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, сут ва гўшт маҳсулотлари, ёғ ва ёғ маҳсулотлари, салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари.

Маълумот учун: Германия Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги федерал вазири Жем Үзедемир, Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги бўйича комиссари Януш Войтсховски, Берлин мери Франсиска Гиффи ва бошқа хурматли меҳмонлар кўргазма бўйлаб саёҳатни Ўзбекистон стендидан бошладилар.

Кўргазма доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бўйича ХВ Бутунжоҳон форуми, шунингдек, қишлоқ хўжалиги вазирларининг Берлин конференцияси бўлиб ўтди, унда 71 нафар вазир ва 15 нафар халқаро ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибида инклюзив ҳамда инқирозга чидамли озиқ-овқат тизимларини ривожлантириш ва илгари суриш, барқарор озиқ-овқат занжирларини рағбатлантириш қоидалари асосида савдони кўллаб-куватлаш масалалари муҳокама қилинди. БМТнинг 2030 йилги кун тартибидаги “Нол оч - лиқка” эришиш мақсадига барча учун озиқ-овқат

маҳсулотларининг мавжудлиги ва хавфисизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов ўз нутқида конференция мазмунидан келиб чиқиб таъкидлади:

“Янги сиёсатнинг асосини тартибга солиш, инклюзивлик, экологик барқарорлик ва самара-дорлик ўсишини рағбатлантириш ташкил этади. Мамлакатимизда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси”, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларининг озиқ-овқат тизими билан боғлиқ барча асосий кўрсаткичларини такомилластиришга хизмат қилувчи қатор давлат тармоқ дастурлари қабул қилинган. Бу борада сув ресурслари, энергия, озиқ-овқат ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган “Яшил иқтисодиёт”га ўтишимиз ҳам бирдек муҳим”.

“Green week 2023” доирасида Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Германия, Франция, Грузия, Туркия, Латвия, Канада, Мўгулистан, Полша, Венгрия, Нидерландия Қозогистон қишлоқ хўжалиги, Бавария Федерал Давлати вазирлари, шунингдек, ФАО, ИФАД, Жаҳон банки раҳбарлари билан бир қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

Умумий қиймати 575 миллион доллардан ортиқ бўлган 12 та лойиҳа ҳамда 154 миллион долларлик савдо шартномаларини икки томонлама амалга оширишга келишилди.

**Кишлоқ хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**



ФАЛЛАКОР ОМИЛКОР БҮЛСА:

Аномал совуқдан кейин бошоқлы дон экинларини парваришлашнинг қуиндаги энг муҳим агротехник чора-тадбирларини амалга оширади

Дунё миқёсидаги глобал иқлимининг ўзгариб бораётгани турли экологик муаммолар сабабли бошоқлы дон экинлари навларининг морфо-физиологик ҳолатлари ҳамда уларда кечадиган ирсият қонунлари, чангланиш, уруғланиш ҳолатларига таъсир этиб, дон ҳосили ва унинг сифат кўрсаткичлари пасайиши ёки навнинг айrim хусусиятларини бироз ўзgartириб юбормоқда.

Республикамизда об-ҳаво олдинги йилларга нисбатан бутунлай ўзгарувчан келди. Сентябрь ва октябрь ойлари қуруқ, ёғингарчиликсиз келиши ғаллачилиқда бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган бўлса-да, режадаги белгиланган асосий майдонларда ғалла ўз вақтида экишга эришилди. Октябрь ойининг охири ва ноябрь ойи тўлиқ ёғингарчилик билан ўтди. Ёғин миқдори юқори бўлғанлигидан тупроқнинг намлиги 30-35 см қатламга тушди. Ҳозирги кунда ғалла майдонларидағи намлик захираси етарли миқдорда бўлмоқда. Бирок айrim сабабларга кўра, кўшимча экилган ёки тақорий экинлардан бўшаган майдонларга экилган ғаллаларнинг ривожи бироз кечикмоқда. Кеч экилган ниҳоллари энди униб чиқаётган майдонларга алоҳида кўшимча ишловлар беришни талаб қиласди.

Республикада 2023 йилнинг январ ойида кузатилаётган аномал совуқда кеч экилган, тақорий экин, айниқса, сабзавот экинлари ўрнига экилган бошоқли дон экинлари майдонларини алоҳида назоратга олиб, ғалла ниҳоллари ривожи паст бўлган майдонларга кўшимча агротехник чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.



Республикамизда бу йилги об-ҳавонинг ҳар йилгига нисбатан мураккаб келиши, январ ойида қор ёғиши ҳамда совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида шимолий минтақаларимизда 27-29°C, жанубий ва марказий минтақаларда 25-27°C, Фарғона водийси вилоятларида 20-25°C совуқ ҳарорат кузатилганлиги ҳамда ғалла майдонларида тупроқнинг 15-20 см. қатламигача шимолда эса 30-35 см.гача музлаш ҳолатлари юзага келди.

Республикамизда сўнгги 10-15 йил давомида қиши ойларини қуруқ ва илиқ келиши кузатилган. Лекин бу йил ёғингарчиликни кўп бўлиши, январ ойида ҳавонинг кескин аномал совиб кетиши натижасида экилган ғалла ниҳоллари ўсиш ва ривожланиш фазаларини бироз ўзгартирган ҳолатда қишлоғни ўтказиши кутилмоқда.

Республикамиз вилоятларида январь ойида кузатилаётган об-ҳаво шароитида кеч экилган, ривожланишдан орқада бўлган, кузда озиқлантирилмаган ғалла майдонларини азотли ўғитлар билан озиқлантириш ҳамда суғориш ишларини амалга ошириш тавсия этилмайди.



Бу йилги аномал совуқ об-ҳаво шароитида ғалла ниҳолларининг тиним даври узоқ бўлиши кутилмоқда, ўртача суткалик ҳаво ҳарорати +5°C бўлгунга қадар ғалла тиним даврида бўлиб, бу даврда сув ва озуқани ўзлаштирамайди.

Бугунги кундаги ғалла парваришида навларни биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, яъни эрта, ўрта, кечпишарлигига ҳамда ўсимликларнинг туплаш даражасига ҳамда тўла униб чиқсан ва чиқмаган майдонларга қараб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ғалла парваришига киришиш лозим.

Озиқлантирилмаган ва суғорилмаган, тупроқда намлик етарли бўлмаган ғалла майдонларидаги ниҳоллар совуқка, бошқа стресс

омилларга берилувчан ҳамда касаллик ва зааркунандаларга тез чалинувчан бўлиши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган. Эрта баҳорда ҳаво ҳароратининг тез кўтарилиб кетиши ғалла ниҳолларини қўшимча тупланмасдан найчашаш фазасига ўтиб кетиши натижасида ғалла ҳосилдорлиги пасайиб кетишига сабаб булади.

Республикамизнинг айрим вилоятлари дала-ларида ғалла ривожи орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривожи паст бўлган яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зааркунандаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган.

Шунинг учун кеч экилган, ривождан орқада қолган ҳамда ривожи яхши ғалла майдонларда феврал ойидаги об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, азотли минерал ўғитлар ва мавжуд биоўғитлар билан озиқлантириш ва суғориш ишларини шарбат усулида амалга ошириш керак. Ҳозирги кунларда ғалла парваришига ҳар бир вилоят, туманнинг ўзига хос шароитидан келиб чиқиб ёндашиб зарур.

Ғалла майдонлари-нинг қор билан қопланган қорнинг қатламидан келиб чиқиб иш ташкил этиш зарур.

Сувга танқис бўлган ҳудудлар ёки сувнинг ке-лиши қийин бўлган майдонларга алоҳида эъти-бор бериш зарур.

Жанубий минтақаларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида феврал ойининг бошида ҳаво ҳароратига қараб қор қатламининг эрий бошлашида ғалланинг ҳолатига қараб азотли ўғитларни бериш лозим. Бунда ўғит қорнинг эриши билан бирга ғалла майдонига сингиб боради. Бу ғаллага бир сув бериш билан тенг бўлади. Энг асосийси, азотли ўғит эриб, ҳавога кўтарилмайди. Ўғитнинг сама-радорлиги юқори бўлади.

Республикамизнинг шимолий ҳудудлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида эса ғалла майдонлари қор қоплами билан ёпилмади. Қор кам ёққани сабабли ғалла қор остида қолмади. Натижада, қуруқ совуқ, яъни ҳаво ҳарорати 25-30°C гача қуруқ совуқда қолди. Бундай ҳолатларда ер устидаги ғалла майсалари

бутунлай совуқда нобуд бўлди. Бу миңтақаларда совуққа чидамли ғалла навларининг ерости туплаш бўгинлари ва илдизлари соғлом.

Ташхис учун олинган монолитлар ўрганилганда барча намунадаги навларнинг туплаш бўғини ва илдизлари соғлом ҳолатда.

Ушбу майдонларга 5-10 тоннадан чириган гўнг сепиш иложи бўлса, кўпроқ маҳаллий ўйтлар сепилиши лозим.

Маҳаллий ўйтларни сепиш имконияти бўлмаган ғалла майдонларига эса об-ҳаво илиши ёки ($0 +5^{\circ}\text{C}$) градус бўлганда таркибида органик ва макро-микроэлементларни сақлаган моддалар билан Гумат, Гио-гумат, Агрозим, Байкал-М

ва бошқа препаратлар билан кетма-кет ҳар 10 кунда бир маротаба суспензия сепиш тавсия этилади.

Ғалла майсалари қайта ўсиб тиклангандан сунг бошқа навбатдаги ишловлар ўтказилиши керак.

Ғалла етиштириш кластер усулида ташкил этилган туманларда бугунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, кластер хўжаликлари раҳбарлари ғалла майдонларида ниҳолларни ривожланишини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гурухини шакллантириб, ҳар 2-3 кунда кузатув натижалари таҳлилларини қилиб бориш зарур.

Умуман олганда, ғалланинг тиним даврида бепарво бўлиш асло мумкин эмас. Қишилари ғаллакорлар учун ўта маъсулитли давр бўлиб, феврал ойида қўйидаги кечикириб бўлмайдиган агротехник ишларни амалга ошириш зарур:

1. Экилган ғалла майдонларига ҳар 5 гектар ҳисобига шарбат ўраларни ковлаш, мавжудларини таъмирлаш, 5-10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш, ривожи жуда орқада бўлган майдонлар учун 20-30 тоннадан чириган гўнг чиқарип сепишни ташкил этиш.

2. Суғориш тармоклари, яъни ариқ, потокларни ва сув қулоқларини таъмирлаш, зовурларни тозалаш ишларини амалга ошириш.

3. Ғалла ниҳоллари ривожи паст бўлган 1-2, 3-4 баргли ғалла майдонларига гектарига 150 кг. меъёрда азотли минерал ўйтлар билан озиқлантириши ҳар бир миңтақада табиий иқлим шароитини ҳисобга олган, айниқса, сувга муаммоси бор, сув танқис майдонларга қор эриши арафасида амалга ошириш тавсия этилади.

Ушбу майдонларга тўла туплагунга қадар биостимуляторлардан Гео-Гумат, УзГуми, Гумимакс, Байкал-М каби кимёвий воситалар билан 1-марта ҳамда тўла туплагандан кейин эса карбамид азотли ўғити билан гектарига 10-12 кг. меъёрда суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

4. Ғалла ниҳоллари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 150 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса, гектарига 200-250 кг дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

5. Республикализ жанубий миңтақалари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида феврал ойининг биринчи ўн кунлигига, шимолий Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳамда барча вилоятларда феврал ойининг иккинчи ўн кунлигига, сув танқис ҳамда суғориш қийин бўлган ғалла майдонларига қор эриши арафасида гектарига 100-150 кг. меъёрда азотли ўғит бериш сувни тежайди ҳамда ғалла ривожини тезлаштиради.

6. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида тиним давридан чиқсан тўла туплаган, ривожи яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга биостимуляторлардан Гео-Гумат, УзГуми, Гумимакс, Байкал-М каби кимёвий воситалар ва карбамид, азотли ўғити билан гектарига 10-12 кг. меъёрда суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

7. Гўза қатор орасига экилган ғалла майдонларини гўзапоя ва хас хашаклардан зудлик билан гўзапоясини ўриб олиш ёки техника ёрдамида майдалаш ишларини ташкил этиш;

8. Ғаллазорлардаги бегона ўтларга, касаллик ва зарапкунандаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишга зарур бўлган кимёвий воситалар захирасини тўлдириш ва уларни қўллашга зарур бўлган ОВХ-05, штангали пуркагичларни тўла таъмирдан чиқариш.

9. Буғунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, ғалла майдонларида ниҳолларни ривожланишини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гурухини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу ишлар амалга оширилганда:

Биринчидан: об-ҳаво серёғин ва аномал совуқ келгандага ўсимлик ҳолатини инобатга олиб ғаллани суғориш ва озиқлантириш ғалла ривожини тезлаштиради.



Иккинчидан: белгиланган муддатларда берилган сув ғалланинг ниҳоллари жойлашган тупроқ қатламидаги ишқорли мұхитни ўзgartыради. Чучук сув илдиз жойлашган тупроқдаги шүрни ювиши ҳисобига ғалланинг илдиз системаси яхши ривожланади ва туплаш жараёнини тезлаштириб, март ойининг ўрталарига 3-4 тадан туп ҳосил қилишини таъминлайди.

Учинчидан: ғалла экилган майдонларнинг тупроқ қатламидаги намлік 35-40 см.дан пастроққа тушади. Натижада, ғалланинг құрғоқчилікка чидамлилиги ортиб апрел ва май ойларидаги құрғоқчилік ҳамда сув танқислигі вақтіда ҳам ғалла ҳосили камайишининг олдини олади.



Тұртингидан: май ойларыда об-ҳавонинг бирдан күтарилиши +35-40°C ли иссиқ бұлғанда ҳам ғалла майдонларидаги тупроқнинг 35-40 см чуқурлғида намлікнинг сақланиши, ўсимліктарни минерал озиқлантириш, суспензия билан ишлов бериліши натижасыда ғалланинг муддатидан олдин пишишининг олдини олади. Доннинг тұлық бұлишини таъминлайды ва бошоқнинг пуч бұліб қолиши ёки ингичка дон ҳамда зираш бошоқтар пайдо бұлишининг олди олинади.

Бешинчидан: ғалла ниҳоллари ривождан орқада қолган 1-2, 3-4 барг ғалла майдонларга ҳар бир минтақа ікlim шароитларини инобатта олиб, гектарига 150 кг. меъёрда азотли минерал үгітілар билан озиқлантиришни ҳамда суғориш ишларини күллатмасдан шарбат усулида амалга оширилса, ўсимлікнинг генератив органларининг шакллашишы, тупланиш жараёнига, ўсимлік тупланиш бўғинининг бақувват бўлишига, ниҳолларнинг қышга, совуққа чидамлилигини оширади.



Олтингидан: ғалла ниҳоллари тұла туплаган майдонларга карбамид үгітидан гектарига 150 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний үгітидан бериладиган бўлса, гектарига 200-250 кг дан берилиб, суғоришнинг шарбат билан ўтказилиши ғалладан юқори ва сифатли ҳосил олинишини таъминлайди.

Юқоридаги берилған тавсияларнинг бүйилги об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши юзасидан барча тумандаги 4 та сектор раҳбарларига ҳамда тегишли соҳа раҳбарларига кўрсатмалар бериліши ғалладан 2023 йилда ҳар гектар ҳисобидан 70-80 цент-

нер ва ундан юқори ҳосил олинишига замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор,
Россия ва Турон ФА академиги.

КИШ - ИШ ФАСЛИ

Эртаги муддатда совуққа чидамли сабзавотларни экиш ва иссиқсевар сабзавот экинлари күчатларни етишиши

Эртаги совуққа нисбатан чидамли оқбаш карам, гулкарам, сабзи, редис, ош павлаги, укроп, кашнич, петрушка, салат каби сабзавот экинларини экиш үчун режалаштирилган майдонлар күзда тайёрлаб қўйилиши лозим. Ўйрим сабабларга кўра экин майдонлари тайёр бўлмаса, ёғингарчилик кам бўлиб, ерга ишлав бериш мумкин бўлган кунлардан үнумли фойдаланилиб, маҳсус тежникалар ёрдамида 70 ёки 90 см оралиқда сугориш эгаплари олиб қўйиш лозим.

Оқбаш карам - совуққа нисбатан чидамли бўлиб, эртаги навлар күчатларни очиқ майдонларга экиш марказий вилоятларда феврал ойининг 2-3-йун кунларига, жанубда жойлашган вилоятларда 15-18 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 18-20 кун кечроқ амалга оширилади.

Эртаги муддатда экиш учун оқбаш карамнинг – “Июнь”, “Номер-1”, Назоми F, Парел F₁, Фарао F₁, Моррис F₁ каби эртапишар, серҳосил нав ва дурагайлари тавсия этилади. Эртаги карам 70x25 (30) см схемада этилади. Экиш даврида күчатнинг ёши 40-45 кунлик, бўйи 14-16 см ва барглар сони 6-7 та бўлиши лозим.



Гулкарам экинининг ўсиши, ривожланиши ва боз ҳосил қилиши учун мақбул ҳарорат +18...+20°C ҳисобланади. Гулкарам совуққа чидамли, лекин сезувчанлиги юқоридир. Унинг ювуси чидамлилиги вегетация даврида турлича бўлади. Күчатлар плёнка остида етиширилганда тақдист ҳароратга ўта сезувчан бўлади ва, аксинча, очик майдонларда етиширилганда ўсимликлар -5...-6°C га ҳам бардош беради.

Марказий минтақада пленкали қопламалар остида етишиши учун күчатлар 20-22 февральга ўтказилади. Күчатлар март ойининг охирига-

ча плёнка остида сақлаб турилади. Гулкарам күчатларининг ёши 45-60 кун ва баландлиги ўртача 14-16 см ва барглар сони 6-7 та бўлганда 70x30, 70x25 см схемада экиш тавсия этилади. Эртаги муддатда “Батсман”, “Гудман”, “Ферстман” дурагайлари экиш учун тавсия этилади.




Сабзи совуққа чидамли экин. Унинг уруғлари +4+5°C да униб чиқа бошлайди, шу билан бирга, униб чиқиш даври 15-20 кунгача узайтирилади, ундан юқори ҳароратларда 8-10 кунгача камаяди. Сабзининг ниҳоллари -2-3°C даража ҳароратга, етук ўсимликлари эса -4°C гача чидайди. Илдизмевалар +20+22°C даража ҳароратда яхши ривожланади. Эрта маҳсулот олиш учун баҳорда далага тупроғи этилганда биринчи имконият бўлиши билан баҳорги муддатда сабзи уруги жа-



нубий ҳудудларда 15 февраль—1 март, марказий ҳудудларда 1-15 март ва шимолий минтақаларда мартнинг 3-үн кунлиги—апрелнинг биринчи ўн кунлигига сепилади. Экин майдонининг экишга тайёрланиши туғагдан сўнг сабзи уруғини экиш дарҳол амалга оширилади. Уруғ сарфи 4-6 кг/га. Сабзи уруғлари 1,5-2,0 см чукурликка экилади. Экиш учун сабзининг маҳаллий “Мшак”, “Нурли”, “Мирзойи сариқ”, “Мирзойи қизил”, “Зийнатли”, “Фаровон”, “Барака” ва чет элларнинг “Нантская”, “Шантане” навлари тавсия қилинади.

Редиска қисқа кунли, сояга чидамли ўсимлик, ёргулук етишмаса ҳам ўсаверади. Редиска ёзда экилмайди, чунки у ёз ойларида тез пишиб ўтиб кетади ва таъмини йўқотади. Уруғи экилиб, ниҳоллар пайдо бўлгандан жуда тез пишар навлари 25-30, ўртапишарлари 35-40 ва ўртача кечки навларининг илдизмевалари 40-45 кунда етилади. Редиска далага февраль охири-март ойида экилади. Экиш учун “Лола”, “Эртапишар”, “Майский”, Рудольф F₁, Сора F₁, Селеста F₁, нав ва дурагайлари тавсия этилади. Редиска уруғи кичик майдонларда кўл кучи ёрдамида, катта майдонларда сабзвот сеялкаси билан пушталарга икки қатор қилиб сепилади. Бунда пушталар ораси 50-70 см, пуштадаги йўллар ораси 8-10 см қилиниб, ҳар гектарга 14-18 кг уруғ экилади. Уруғ сепилгандан сўнг пушталарни чиринди билан мульчалаш самаралидир.



Редиска кўкариб, бир-иккитадан чинбарг чиқарганда яганаланади ва бирйўла ўтоқ қилинади. Бунда тезпишар илдизмеваси майда редиска навлари ҳар 3-4 см, кечпишарлари эса 5-6 см да бир тупдан қолдирилади.

Укроп уруғини экиш муддатлари маҳсулот чиқариш муддатларига қараб белгиланади. Укропнинг тезпишарлигидан фойдаланиб, уни иссиқхоналарда бир неча марта экиш мумкин.

Баҳорги иситилмайдиган иссиқхоналарда укроп февраль бошидан то март ўрталарагача асосий экинни экишдан олдин етиштирилади. Укроп уруғлари бир сутка давомида ивитилади, сўнг ундирилади, бўртиб чиқсан уруғлар бир оз куритилиб, кейин экилади. Куруқ уруғлар экилганда 10-12 кун ўтгач, ундирилганлари эса 3-5 кундан кейин униб чиқа бошлади. Укропни кўпқаторли лентасимон усулда, улар орасидаги масофа 10 см қилиб экилади. Уруғларни экиш чукурлиги 0,5-1 см., Сочма усулда 1 м²га 20-30 г уруғ сепилади. Зичловчи экин сифатида етиштирилганда 4-6 қатор ленталарга экилиб, 1 м² 10-15 г уруғ сарфланади. Экиш учун укропнинг “Анет”, “Голдкрон”, “Узбекский-243”, “Ором” ва “Харковская-85” навлари тавсия этилган.



Укроп уруғи экилгандан сўнг илиқ сув билан сугорилади. Шундан сўнг уруғ устидан 0,5 см қалинликда майда чиринди сепилади. Ниҳоллар 2-3 барг ҳосил қилганда, албатта, ягана қилиш керак, бунда ўсимликлар ораси 10-12 см қолдирилади. Бу тадбир ўтказилмаса, ўсимлик буйига чўзилиб кетади ва зич барглар шаклланмайди. Ўсиш даврида укроп 2-3 марта сугорилади, сугориш асносида азотли ўйтитлар билан (1 л сувга 3-4 г аммиакли селитра) озиқлантирилади. Ўсиш даврида зарур бўлса. ўтоқ қилинади.

Кашничнинг экиш муддати укропнинг экиш муддати билан бир хил. Уруғи ҳам ёппасига соч-



ма ёки кўп қаторли лентасимон усулда экилади. У ҳам асосий ёки зичловчи экин сифатида етишириллади. Кашнич уруғларининг унувчанлиги яхшироқ бўлганлиги учун бир сутка давомида ивтилилади. Уруғни экиш меъёри укропга нисбатан камроқ. Ўзи мустақил экилганда 1 м² га 12 г уруғ сарфланади. Ўзбекистондан кашничнинг маҳаллий “Орзу” ва Россиянинг “Янтарь” навлари экилади.

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари Давлат реестрига киритилган. Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепиллади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вактида суғоришдан иборат. Ўсиш даврида 4-6 марта гача суғориллади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 м³ сув сарфланади.



Пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, салат сингари сабзавот уруғлари ҳамда картошка туганклари Республиkanинг жанубий минтақасида 20 январдан 25 февралгача, марказий минтақада 5 февралдан 20 марта гача, шимолий минтақада эса 20 февралдан 25 марта гача экилади.

Эртаги муддатда экиш учун **ощ лавлаги**нинг маҳаллий “Диёра”, “Ягона”, “Бордо-237”, “Бикорес”, Боро F₁, Пабло F₁, Водан F₁ нав ва дургайлари каби серҳосил маҳаллий навлари тавсия этилади.

Майда ургули сабзавотлардан **пиёз ва сабзи** уруғларини катта майдонларда сабзавот уруғлари экиш сеялкасида лента шаклида, кўшқаторлаб (50+20 см оралиқда) кичик майдонларда кўлда сочма усулда экиш мумкин.

Сабзавот уруғларини эккандан сўнг кетма-кет ва тез орада ҳар бир эгат устига чириган гўнг ёки ёғоч қилиғидан сепиб, мулчалаш тадбирини амалга оширилиши уруғларнинг ердан қисқа фурсатда униб чиқиши учун кулай шароитларни


яратади.

Эртаги муддатда экиш учун пиёзнинг маҳаллий “Равнак”, “Истиқбол”, “Зафар”, “Алдова”, “Дайтона”, “Сибир”, “Манас”, “Радар” навлари тавсия этилади.

Ушбу экинлардан барвақт ҳосил олиш учун тупроқ устини мулчалаш билан бирга уларни шаффофф плёнка остида парваришилаш яхши самара беради. Кеч куз ойларида экилиб мулчаланган ва плёнка билан беркитилган майдонлардаги сабзи, пиёз, ош лавлаги ҳамда кўкат сабзавотлар уруғлари қишики ёғинлар, ҳаводаги намлик таъсири натижасида аста-секин бўртади ва совуққа чиниқади. Эрта баҳор ойлари ҳаво ҳароратининг нокулай, паст бўлишига қарамай уруғлардан униб чиқсан майсалар тез суръатлар билан жадал ўсиб ривожланади. Эрта кўкламдаги қисқа муддатли совуққа чидамли бўлиб ўсади ва ушбу экинларни эрта баҳор ойларида экишга қараганда ҳосили 20-25 кунгача эртароқ пишиб ётилади ва ҳосилдорлиги эса 15-20% га ошади.

Томатдош экинлардан помидор, бақлажон ва ширин қалампир каби иссиқсевар сабзавотлар кўчатларини кўчатхоналарда сифатли тайёрлаб олиш ўзига хос бир муҳим юмуш ҳисобланади.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини тайёрлаш ишлари учун энг кулай муддат Республикамизнинг марказий минтақадаги вилоятларда помидор учун 10-20 февраль, ширин қалампир в бақлажон учун 1-10 февраль, жанубий минтақадаги вилоятларда 15-20 кун олдинроқ, шимолий минтақада эса 15-20 кун кечроқ амалга оширилиши лозим.



Очиқ майдонда етишириш учун куйидаги маҳаллий навлар тавсия этилади: **помидорнинг “Барлос”, “Юлдуз”, “Дархон”, “Баҳодир”, “Ситора”, ТМК-22, “Авиценна”, “Сурхон-142”, ширин қалампирнинг “Маржона”, “Дар Ташкента”, “Заря Востока”, “Зумрад”, “Наргиза”, “Тонг”, “Сабо”, “Шодлик”, бақлажоннинг “Сурхон гўзали”, “Феруз”, “Аврора”, “Алмаз”** навлари.

Сабзавот уруғларни тұқ ва пучларини ажратында уруғлар ош тузининг 3-5% ли эритмасига 30 дақыла солинади. Бунда пуч уруғлар чүкмай ажралып қолади.

Күчат тайёрлашда уруғларни екишдан олдин турли зарарлы вирус касаллуклары қарши қыздыриб олиш тавсия этилади. Бунинг учун помидор, ширин қалампир, бақлажон уруғларини термостат ёки қуритиш шкафида иккى сутка 50-52 дараражада ва бир сутка 80 дараражада қыздырилади.

Сабзавот күчатларини етиштириш учун күчатхона тупроғи 20-25 см чүкүрликта юмшатылади ва 0,8-1,0 метр қилип пушта олинади. Пуштага уруғларнинг яхши униб ўсиши учун иккى қисм чириган гүнг, бир қисм тупроқ, бир қисм құм аралашмаси солиб, текисланади. Аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш учун 10-12 см дан, қүчириб екиладынан иссиқхоналарда эса 18-20 см. дан кам бұлмаслығы лозим.

Иссиқсөвар помидор уруғидан нам тупроққа ҳар 1 м² майдонга 8-10 г., күчирмай бир жойнинг ўзида етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 2,0-2,5 г ҳисобида уруғ сепилади.

Бақлажон ҳар 1 м² майдонға 8-10 г., күчирмай бир жойни ўзида етиштиришда ҳар 1 м² майдонға 3-4 г ҳисобида уруғлар сепилади. Ширин қалампир әкініда ҳар 1 м² майдонға 14-16 г., күчирмай бир жойнинг ўзида етиштиришда ҳар 1 м² майдонға 4-5 г ҳисобида уруғ сарфланади. Уруғлар сепилиб, устидан 1,0-1,5 см қалинлиқда әланған чириган гүнг ёки чириган қиңіп солинади, устидан сув сепилади.



Бир гектар майдонға етарлы миқдорда күчат тайёрлаш учун 800-1000 г ширин қалампир, 600 г бақлажон ва 350-400 г помидор, уруғлары сарф болади.

Сифатли күчат тайёрлашда күчатхона ҳарорати, тупроқ намлиги ва ниҳолларни

оziқлантириш мұхим ажамияттаға зерттеуде. Сепилған уруғлар тез униб чиқиши учун күчатхонадаги ҳарорат бир ҳаfta давомида күндүзи 20-25°, кечаси 10-14°, кейинги ҳаftадан күндүзи 20-22°, кечаси 14-15° булиши керак болади. Күчатхона тупроғи намлигига күра, күчатларның үсуv даврида хар 1 м² майдонға 6-7 литр сув меъерида сугорилади. Күчатлар 2-3 барг чиқарғанда орасыни 5x6 см қилип күчириб үтказилади. Күчириб үтказилған күчатларға 10-12 күндан сүнг бириңиң озиқа: 10 литр сувға 5 г аммоний суlfat ёки карбамид, 40 г суперфосфат ёки аммофос ва 10 г калий ўғитлари эритилиб барг устидан берилади. 6-7 күн үтказиб иккінчи маротаба юқоридаги миқдорни 2 марта күпайтириб оziқлантирилади. Учинчі озиқлантириш күчат далага екишдан 4-5 күн олдин амалға оширилади.

Етиштирилаётган күчатлар екиш учун тайёр бұлғач, очық далага олиб чиқищдан 6-8 күн олдин плёнкаларни очиб, күчатларни ташқы мұхитта шароитига мослаشتыриб чиниқтириш мұхим ажамияттаға зерттеуде.

Далага екиш олдидан күчатларға иссиқхонананған ўзида занг, ўргимчакканана ва шираптарға қарши ишлов бериліп әкілиши мақсадға мұвоғиқтады. Күчатларға ишлов берішінде әкишдан 1-2 күн олдин 2,5% ли Децис дорисидан 0,2 мл. 10 литр сувға аралаштырып 20 метр кв. майдондагы күчаттаға сепилади ёки тавсия этилған препаратлардан биронтасидан фойдаланиш мүмкін.

Ширин қалампир, бақлажон, ва помидорни 50-55 күнлик күчатлар 15-18 см узунлікта, 5-7 та барг чиқарғанда очық далага екиш учун тайёр болади.

Шу билан биргә, полиэтилен қопчаларда, кичик җажмалы стаканларда маңсус субстраттар асосида тайёрланған күчатларини екиш ҳам яхши самара беради. Ушбу усулда очық майдонға әкилған күчатларнинг ривожланиши яхши кечади, қаторда ўсимліклар хатоси камағады ҳамда ҳосилга әртаратын киради.

Тавсия этилған усул буғунғи кунда ишлаб чиқарылғанда кенг құлланилиб келинмоқда. Җажмалы 8x8 см бұлған стаканларға 40% гүнг + 40% тупроқ + 20% ёғоч, шоли қиңіп аралашмаси солинади ва стаканлар яхшилаб намлаб сугорилади ва олдиндан ишлов берилған, унұнчанлиғы юқори уруғлар ташланиб, устидан 2 см қалинлиқта чиринді солинади. Күчат етиштириш жараёни оддий усул ва тавсиялар асосида олиб борилади.

Ушбу ойининг мухим тадбирларидан яна бири союз ҳавога нисбатан чидамли бўлган оқбош гулкарар, пиёз, сабзи, редис, ошлавлаги, кашнич, петрушка ҳамда салат каби сабзавотлар экинларини экиш учун режалаштириб бўлган майдонлар экиштага кузда тайёрлаб бўлган бўлиши лозим.

Эртаги картошка етиштириш. Аҳолининг давомида картошка маҳсулотига бўлган таъминни қондиришда эртаги муддатда картошка етиштиришиниг аҳамиятли катта. Картошка дарборлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни аспайтишишнинг асосий омилларидан бири экинларини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик материалини экиш ҳисобланади.

Эртаги муддатда экиладиган картошка экиш асосан феврал-март ойларига тўғри келади. Эртаги сабзавотлар сингари эртаги картошка экиладиган майдонлар кузда тайёрлаб кўйилади. Тайёрланган бўлмаса, ерларни таъизаб. текислаб ҳар гектарига 25-30 тонна дарборлий ўғит, фосфорли ва калийли ўғитларни 20-25% солинади, чизел қилиниб культиватор ёрдамида 70 ёки 90 см оралиқда сугориш эгатлари солниб экишга тайёрлаб кўйилади.



Картошканинг ҳосилдорлигини ошириш, сабзавотни яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги солинада экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилни 12-15% ошириб, 10-15% зота лишишига имкон беради.

Туғлиқ картошкани ундиришга қўйиш опди-опди сараланиб, чириган, эзилган ҳамда касалга таъланаларидан холи қилиниб, соғлом, тоза туганаклар ундириш хоналарига кўйилади.

Махаллий шароитда тайёрланган уруғлар ҳоналарига экишдан 30-35 кун олдин, кечирилган уруғликлар 20-25 кун илгари

жарорат ҳонасида ёруғлик ва 18-22°C даражада яратилиши лозим. Уруғликлар

майдада- йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўччакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг яшикларга кўйиш лозим. Уларнинг яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см дан ошиқ ўсиб кетишига йўл кўйимаслик лозим, акс ҳолда, экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда кўйиб, кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см гача ўстириб экилса, ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликлар катта-кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларнинг ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г. дан катта туганаклар баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда, уларнинг униб чиқиши бироз кечикади.

Эрта баҳорда картошка экишнинг энг муқобил муддатлари: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий вилояти ва Фарғона водийси учун 25 феврал-10 март; Сурхондарё, Қашқадарё вилояти учун 15- феврал-1 март; Корақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 10-20 март ойлари ҳисобланади. Экиш схемаси 70x25-30 ёки 90x25 см, экиш чукурлиги 7-9 см ни ташкил этиши лозим.

Эрта баҳорда экиш учун картошканинг қисқа давр ичиди пишиб етиладиган маҳаллий “Тошкент эртагиси”, хорижнинг “Санте”, “Ред Скарлет”, “Альвара”, “Аринда”, “Латона”, “Марфона”, “Пикasso” ва бошقا навлари тавсия этилади.

Эртаги картошкадан ўртacha ҳисобда 20 тонна ҳосил олиш учун 25-30 тонна маҳаллий гўн, 200 кг азот, 170 кг фосфор, 100 кг ўғит соғ ҳолда солинади. Бунда органик ўғитнинг ҳаммаси ва фосфорли, калийли ўғитларнинг 70% ҳайдов даврида бериш ва қолган фосфор ва калий ўғитларининг 30% ҳамда азотнинг 50% картошка униб чиққандан сўнг биринчи ишловда, қолган азотнинг 50% гуллашдан олдин берилади.

Ўусв даврида сизот сувлари чукур жойлашган ерларда 7-8 марта сугорилади. Сугориш суви ҳар ҳафтада 1 марта, ҳосил туганаклари пайдо бўлиши билан 5-6 кунда гектарига 400-500 м³ ҳисобидан бериб турилади. Ҳар икки сугориш оралиғида қатор оралари 10-12 см чукурлиқда юмшатилади. Бу тадбир культиватор билан, ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.,
СПЭ ва КИТИ.

ТРАКТОР ТАЪМИРИ

Агрокластерлар ва фермер хўжалик-ларнда тракторлар, айниқса, тўрт гидиракли универсал чопиқ тракторлари йил давомида ишлатилади. Шу боис, улар доимо техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши керак. Бу талабга, энг аввало, трактор двигатели, муфта, узатмалар қутиси, юриш, бошқариш, тормоз, гидравлика тизимлари ҳамда электр асбобларини сифатли таъмирлаш орқали эришилади.

Тракторларни таъмирлашга топшириш. Устахонага келтирилган ҳар қандай трактор таъмирга топширишдан олдин мой, чанг ва зангдан қиргич, симли чутка ёрдамида яхшилаб тозаланади. Шундан сўнг бетонланган ёки асфалтланган, яъни қаттиқ юзали майдончада тўрт тарафидан юқори босимли сув сепиб ювилади. Ювиш қурилмаси бўлмаган тақдирда уни водопровод сувида ювса ҳам бўлади. Тракторнинг двигатели, картер, ёнилғи, мой ва гидравлика насослари, редукторлар, узатмалар қутиси, гидрокўтаргич каби суюқлик солинадиган узеллар маҳсус кимёвий эритмаларнинг бири билан ювилади.



қутиси, кетинги кўпrik ва охириги узатмаларнинг картерларидағи мой тўкиб юборилади, ўрнига дизел ёнилғиси қўйилади ва 5-10 дақиқа мобайнида трактор барча узатмаларда ҳайдалади. Ифлосланган ёнилғи тўкиб ташланади. Двигател картерини ювиш учун ундаги мой ўрнига дизел ёнилғиси солинади ва двигател 3-5 дақиқа салт ишлатиб қўйилади, кейин ифлос аралашма тўкиб ташланади.

Трактор қисмлари созлигини баҳолаш. Созлик шартлари: тўла жиҳозланган; ёнилғи, мой ва бошқа суюқликлар томчилмайди; ҳамма детал, узел ва агрегатлар пухта маҳкамланган; ўлчов, ёритиш ва электрон асбоблар яроқи; капотлар, ойналар ва кабина эшиклари шикастланмаган ва синмаган; ишқаланувчи жойлар ёғланган.

Двигател енгил ўт олади, барқарор ишлайди, бегона шовқин ёки товуш чиқмайди; ёнилғи ва мой сарфи меъёрда, ёнилғи билан таъминлаш ва газ тақсимлаш системасининг бирикмалари маҳкам; тирсакли вал барқарор айланади, двигателнинг қуввати номинал даражада.

Илашиш муфтаси узатмаларни эркин, қадалишларсиз қўшилишини таъминлайди, шатаксирамай ишлайди; карданли узатма бирикмаларида радиал ва бўйлама тирқишилар меъерида; орқа кўпrik ва бошқариш механизми тақиллаш, шовқиндан холи; равон ва кескин бурилишлар, катта тезлиқда ҳам ишончли тормозланиш таъминланади.

Занжирили тракторларда треклар бармоқлари, етакловчи ғидираклар тишлари чегарада едирилган, таянч катоклари ва йўналтирувчи ғидираклар лапангламай айланади; ғидиракли тракторларда рул чамбарагининг эркин йўли



Эритмалар таркиби: 1 литр сувга 100-150 грамм кальцийлаштирилган сода; 1 литр сувга хлорид кислотанинг 5 фоизли эритмасидан 100 грамм; 1 литр сувга 75-80 грамм каустик сода ва 25 грамм керосин. Тракторни таъмирлашга топширишдан олдин унинг электр жиҳозлари, ёнилғи насоси ва форсункалари, вентилятор тасмалари ечиб олинади ва омборга топширилади. Узатмалар

меъёрида, рул механизми ва ғилдиракларининг созланиши бузилмаган.

Гидравлик осиш системаси машиналарни равон кўтарида ва туширади, механизмлар ишончли, биримлардан суюқлик томчила-майди; электр қурилмаларидвигателни равон юргизишни ва кечалари йўлни яхши ёритишни таъминлайди.

Созлик шартлари бажарилмаган тақдирда қисм ва агрегатларнинг ишлаш ҳолатига қараб носозлик белгилари ҳамда сабаблари аниқланади.

Носозлик белгилари ва сабаблари. Дизель бехосдан тўхтади (шовқинсундиргичдан қора туутун, сапундан эса буф чиқмоқда) – тирсакливал бир ёки бир неча поршен цилиндр гильзалирида қисилиб қолган; дизель тақиллаб ишлапяти - поршен ва гильзалар ейилган; дизелдан қора туутун чиқмоқда - тақсимлаш шестернялари нотуғри ўрнатилган; дизель қизиб кетмоқда - со-витиш суюқлиги камайган, шамолпаррак тасмаси бўшашган, радиатор ифлосланган, совитиш ти-зимида чўкинди ва кўйка бор, термостат клапани бўй босими паст - монометр носоз, блок-картер бўйда мой меъёридан кам, қувурлардан мой ташнилаяти ёки насос трубкаси тикилиб қолган; мой босими умуман йўқ - монометр носоз; мой

рейкаси қисилиб қолган; дизель текис ва тўла қувват билан ишламаяти - таъминлаш тизимига ҳаво кирган; ёнилғи пуркагичнинг нинаси қисилиб қолган ёки тешикларини қурум босган; ёнилғи босими паст; насос бузилган; плунжер қисилиб қолган; плунжерлар жуфтлиги ейилган; насос ростланмаган; дизелдан қора туутун чиқмоқда - ҳаво билан кам таъминланмоқда; фильтр элементлари ифлосланган; ёнилғи пуркагичнинг нинаси қисилиб қолган; ёнилғи пуркашни илгарилиши бурчаги нотуғри ўрнатилган; дизелдан тақиллаган товуш чиқмоқда - ёнилғи пуркашни илгарилиши бурчаги олдинроққа ўрнатилган; форсункалардан бири ишламаяти; дизель бир маромда ишламаяти - ёнилғи насоси регуляторининг корпусида мой сатҳи баланд; ёнилғи насосини рейкаси ёки меъёрлагич юритмаси қисилиб қолган.

Тишлашиб муфтаси салт айланмоқда – сиқиши подшипники тираки ва қисиши ричаглари ҳалқаси оралиғида тирқиш йўқ; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси ейилган; сиқувчи пружиналар эскирган ёки синган; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси мойланиб қолган; сиқувчи диск қийшайган; муфта тўлиқ ажратмаяти - сиқиши подшипники тираки ва қисиши ричаглари ҳалқаси оралиғидаги тирқиш катта; оралиқ диск ўрта ҳолатта ўрнатилмаган; етакланувчи диск қийшайган; сиқувчи диск қийшиқ турипти; педалнинг эркин йўли йўқ; муфtaburovchi моментни тўлиқ узатмаяти - педалнинг эркин йўли йўқ; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси ейилган; етакланувчи диск мойланган;

Мой сизаяти - биримлардаги болт ва гайкалар тортилмаган; корпус ва қопқоқлар орасидаги қистирмалар мойни ўтказиб юбормоқда.

Узатма қийин кўшиляти - блокировка механизми ростланмаган; шлицалар урилган, ғилдираклар тишлари ейилган; узатма ўз-узидан ажралиб кетаяти - узатмаларни кўшиш вилкаси ва тишли ғилдираклар кареткасининг ҳалқасимон чуқурчалари ейилган; узатмаларни кўшиш вилкасини қотириш болтлари бўшаган;



нисосининг вали синган; насос юритмаси ше-стремаси штифти кесилган; центрафуганинг қалқаси жойидан қўзгалиб қолган; мойнинг босими юкори - центрафуганинг саклаш клапани ёки арлатда қисилиб қолган; мой сарфи юкори - поршен қалқалари ва ариқчалари ейилган; улар орасида «атта тирқиш пайдо бўлган; гильзаларнинг ғозмаси бузилган; дизель ўт олмаяти – билан таъминлаш тизимига ҳаво кирган; фильтрлар ифлосланган; ёнилғи насосининг

қайдлаш қурилмаси ейилган; трансмиссиядан ортиқча шовқин эшиитилмоқда - дифференциалдаги роликли подшипникларнинг бўйлама люфти катталашган; асосий узатма шестерняларининг тишлари кўп ейилиб, ён тирқиши 1,5 мм дан катталашган ёки дифференциалдаги роликли подшипниклар ортиқча ейилган.

Олдинги ғиддирак шиналари тез ейилмоқда ва қатламларга ажралиб кетмоқда - ғиддиракларнинг яқинлашуви бузилган; шиналардаги ҳаво босими мөъёлрарга мос келмайди; олдинги ғиддираклар текис ҳаракатланмаяпти - ғиддиракларнинг яқинлашуви бузилган; ғиддиракларнинг конусимон подшипникларида тирқиш катта; ўнг ва чап ғиддираклар шиналаридаги ҳавонинг босими ҳар хил; балон дисқда айланни, унинг ёнларида ёриқлар пайдо бўлмоқда - ғиддирак шиналаридаги ҳавонинг босими жуда кам.

Руль чамбарагини буриш қийин - гидрокучайтиргич тизимида мой етарли эмас ёки ҳаво кириб қолганлиги сабабли мой кўпикламоқда; насос дозаторнинг сақлаш клапани бузилган; насосдан мой сизиши оргтан; червияк-сектор илашмаси қадалган; салт бурилиши катта - червияк-сектор илашмасининг тирқиши оргтан; қарданли муфта юритмаси бирикмаларида тирқиш катта.

Тормозлар ёмон ишлайпти - тормозлар бошқаруви созланмаган; бириктирувчи дисклар қопламаси мойланган ёки ейилган.

Аккумулятор батареялари қайта зарядланмаяпти - қисқа туашув ёки конденсатор занжирида узилиш бор; ростланувчи қувват ортиб кетган; мавсумий ҳолатни ростловчи винт "З"-қишиш (белги)га ўрнатилган; аккумулятор батареялари зарядланмайди - ростланувчи қувват камайиб кетган; мавсумий ҳолатни ростловчи винт "Л"-ёз (белги)га ўрнатилган.

Гидравлика насоси мой бермаяпти ёки кам миқдорда ҳайдаяпти - бақда мой йўқ, мой сатҳи паст, зичловчи ҳалқалар йиртилган ёки ейилган; насос ишлаганда бакнинг бўғизидан кўпик сачрамоқда - насос етакчи шестерняси валининг зичлагичидан, сўрувчи қувурни насосга бириккан жойидан ёки бирлаштирувчи қувурлар орқали ҳаво сўрилмоқда; иш жараённида насос ва мой тез қизиб кетмоқда - золотник қадалиб қолган ва тақсимлагич клапани "осилиб" қолган; мой қувурларини беркитиш муфтасининг гайкаси бўшаб қолган; насос ишлаганда ортиқча шовқин эшиитилмоқда - бақдаги мой сатҳи жуда паст; мой

қувурларининг трактор деталларига тегиб турган жойлари тебранмоқда.

Трактор двигателини таъмирлаш: цилиндрлар блокларидағи тешиклар, подшипниклар уялари, резбаларнинг ейилишлари, дарзлар ва ёриқлар тузатилиши; носоз поршен, шатун бўйинлари ва шестернялар, тирсакли валларнинг маховик ва шкивлар ўрнатиладиган жойлардаги ейилган резбалар таъмирланиши; сув биљан синааб қўрилиши; мойлаш ва газ тақсимлаш механизмларидағи нуқсонлар бартараф этилиши; двигател тақилламасдан ва тутамасдан равон ишлаши; картер, редукторлар, қувурлар ва баклардан мой ва ёнилғи томчиламаслиги; двигателдаги мой микдори ва босими, радиатордаги суюқлик температураси мөъёрида (тирсакли вал деталлари ҳамда кривошип-шатун қисмлари тез едирилмайди, двигатель қизимасдан узоқ ишлайди) бўлиши мақсадга мувофиқ.



Таъмирланган двигател кичик юкланиш билан стендда чиниқтирилади, аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин тракторга ўрнатилади ва қайтадан ишлатиб қўрилади.

Трактор йил бўйи йигирмадан ортиқ машина ва механизмлар билан агрегатланиб, далачилик юмушларини адо этади. Уларнинг оптимал муддатларда бажарилиши трактор пухталигига тўғридан-тўғри боғлиқидир. Бас, шундай экан, агрокластер механизаторлари, фермерлар ва мұхандис-техник ходимлар юқоридаги тавсияларга амал қилиб, пухталик омили – таъмирлаш сифатига алоҳида эътибор қаратмоқлари зарур.

Мұхаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор,
(ҚХМИТИ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Сув кодекси лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Кодекс мамлакат сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишининг барча асосий масалаларини тартибга солувчи бевосита ҳаракатлар хужжати бўлиши кўзда тутилмоқда. Хужжатнинг энг муҳим таркибий қисми – унда қайд этилган сувдан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизмлари бўлиб, биринчи навбатда, сугориладиган дәхқончиликка (истеъмол қилинадиган чучук сувнинг қарийб 90 фоизига) алоқадор.

Бундай механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишининг долзарблигини ортиқча баҳолаш қиийн: бир томондан, сўнгги йилларда Ўзбекистон ихтиёридаги сувнинг үйллик ҳажми ўтган асрнинг 80-ийлларига нисбатан ўртacha 20% га кам (эриган музликлар туфайли), бошқа томондан, бу давр мобайнида мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси бир неча мартага ўсди.

Шу билан бирга:

- сув етказиб бериш инфратузил-маси эскиргани сабабли, сугориш тармоқларида сувнинг 35-40% и охирги фойдаланувчига етиб бормайди;
- сув етказиб бериш харажатларининг асосий қисми – маънан ва жисмонан эскирган насос ускуналари учун электр энергиясига харажатлар;
- сугориладиган ерларнинг жуда оз қисмигина сувни тежовчи технология ва сув ҳисоблагичлар билан жиҳозланган;

Шунингдек, сув хўжалиги ташкилотлари сувни истеъмолчига самарали (энг кам йўқотиш ва харажатлар билан) етказиб беришини таъминловчи имкониятлар ва раббатлантирувчи тижорий мустақилликка эга эмас. Суғориш тизимини зарур технологик модернизация қилишни мустақил амалга ошириш учун давлатда маблағ ҳам, бошқарув салоҳияти ҳам йўқ. Бизнес юритиш учун шаффоғ қоидаларнинг мавжуд эмаслиги ва давлат ҳукмронлиги сабабли, хусусий сектор мазкур соҳага сармоя киритишни истамайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувдан оқилона фойдаланишини рағбатлантириш билан боғлиқ вазият ҳам бундан кам ачинарли ҳолатда эмас. Фермерларнинг ерга эгалик ҳуқуқи суст ҳимояланган бўлиб, ер исталган вақтда олиб кўйилиши мумкин. Шунинг учун уларда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ва ернинг унумдорлигини ошириш учун ҳеч қандай рағбат йўқ. Боз устига, агар улар ерга ва сувни тежовчи технологияларга сармоя киритсалар, ернинг тортиб олиниши хавфи янада ортади.

Мажбурий давлат буюртмалари амалиёти фермерларни сувни күп талаб қиладиган экинлар етиширишга мажбур қилади ҳамда сувнинг танқислиги ва реал нархини ҳисобга олган ҳолда

кулай экинларни танлаш имконини бермайди. Сув учун тұлов миқдори уни истеъмол ҳажми билан заиф боғланған, истеъмолчига етказиб бериш нархига эса умуман боғлиқ эмас.

Шу муносабат билан Сув кодекси лойиҳасида:



1

Сув хўжалигидаги давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни қўллаш имкониятлари ва принциплари, аввало, сув инфратузилмасини эксплуатация қилиш, сув етказиб бериш ва сувдан фойдаланувчиларга бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларида белгилаб берилган. Бу сувдан самарали фойдаланиш, сув инфратузилмасини технологик модернизация қилиш, сув ва энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, сув етказиб бериш таннахини пасайтириш учун рағбат юратиш имконини беради.

Қўйидагиларни ўз ичига олган сувни тақсимлашнинг янги механизмлари таклиф қилинмоқда:

• Сувдан фойдаланувчининг сув олиш квотасини олиши. Суғориладиган деҳқончилик учун ажратиладиган квотанинг ҳажми бугунги кундаги каби фермер етиширирадиган ёки етишириш ниятида бўлган экинларга боғлиқ бўлмайди. Шу тарзда фермерлар сув олиш имконияти ва унинг нархини инобатга олган ҳолда экинни танлаш бўйича қарор қабул қиласидар. Бу эса сувни тежашга ёрдам беради (бу чора бугунги кунда мавжуд бўлган фермерлар учун экинларнинг мажбурий “жойлашувидан” воз кечиши/бекор қилишини на-зарда тутади).

• Сув мавжудлигининг жорий даражасини ҳисобга олган ҳолда мавсумий сув олиш лимитини аниқлаш. Якка тартибда сувдан фойдаланувчи учун сув олиш лимити ажратилган сув олиш квотасига нисбатан фоизда белгиланади.

• Бир хил гидографик зонадаги сувдан фойдаланувчига тежалган сувни ҳақ тўлаш асосида бериш, бу эса ундан самарали фойдаланиш учун кўшимча рағбат уйғотади.



2

Лимит

Рағбат



3

Сувни етказиб бериш ҳамда сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа хизматлар учун ҳақ тўлаш принциплари белгиланди. Олинганд маблағлар, шу жумладан, сув етказиб бериш инфратузилмасини модернизация қилишга ҳам йўналтирилиши керак.

Юлий ЮСУПОВ,
иқтисодчи.

ТОМЧИЛАРДАН УНАЁТГАН БАРАКА

Бугун инсоният олдидағи мураккаб ва оғриқли муаммолардан бири бу шубҳасиз сув танқислиги масаласидир. Бутун жаҳон зироатчиларининг маълум қилишича, соҳада сув истеъмоли сўнгти йиллар ичida бир неча баробарга ортган. 2050 йилга келиб бу миқдор яна икки баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш усулларидан бири эса томчилатиб суғориш тизимини қўллашдир. Томчилатиб суғориш усулининг эътирофли жиҳати, у сувнинг кам миқдорда ўсимликларнинг томир зонасига етиб боришига асосланган. Сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни исроф қиласмайдиган тарзда келиб туради. Бу усул мамлакатимиизда ҳам ердан фойдаланувчиларнинг катта эътиборига сабаб бўлиб, кенг жорий этилмоқда.

Бутун мамлакатимиизда бўлгани каби, суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Бухоро вилоятида ҳам шу мақсаддаги кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартағи «Қишлоқ ҳужалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий



Суратда: Когон туман ирригация бўлими бошлиғи Исмат Омонов

етишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда 2022 йилда 452 та фермер ҳўжаликларининг, 12 минг 354 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ишлари амалга оширилди. Таъқидлаш жоизки, бугун вилоятдаги кўплаб, дехқон ва фермерлар тежамкор суғориш усулларининг афзал жиҳатларини англаб етган ва шу

– Бугун туманимиздаги кўплаб фермерларимизнинг ўзи томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини англаб етган ва, шу боис, бу усул тобора оммалашмоқда. Дарҳақиқат, бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало, сув иктисад қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида буларкан ва жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўйтлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарап экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил туманимизда янада каттароқ экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, – дейди Когон туман ирригация бўлими бошлиғи Исмат Омонов.



Фиждувон туман ирригация бўлими ходимлари

боис бу усул тобора оммалашмоқда.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби ҳаёт тақчиллигининг олдини олади, – дейди «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Фиждувон туман ирригация бўлими бошлиғи Камолиддин Расулов. – Шу билан бирга, мавсум аввалида ёк суғориш тармоқларини ва сув иншоотларини сифатли таъмирлаш, ариқларни вақти-вақти билан лойқадан то-залаб туришга аҳамият қартишимиз керак. Ўтган йили туманимиздаги 45 та фермер ва 2 та кластер хўжаликларининг 1 минг 218 гектар майдонида ушбу технология жорий этилиб, ғўза майдонларида шу тарзда суғорилди. Натижа ёмон бўлмади.

Шунингдек, вилоятнинг яна бир тумани, сув тансиқлиги сезиларли ва ғўза ҳосилида ўзига яраша меҳнат талаб этадиган Когонда ҳам ўтган 2022 йилда 31 та фермер ва 2 та кластер хўжаликларининг жами 903 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Шу билан бирга, бугун вилоятда сувдан

тежамли фойдаланишнинг яна бир усули бўлган ёмғирлатиб суғориш технологиясидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. 2022 йилда вилоят бўйича жами 1 минг 231 гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилди. Бу каби ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиши кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, вилоятда пахта майдонларида сувтежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўзланган мақсад томчилатиб суғориш орқали, энг аввало, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали ва унумли амалга оширишга ёрдам беришдан иборат.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулiga амал қилиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ва даромадни оширишга хизмат қиласи.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ӯз мухбиримиз.

МЕҲНАТДАН ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАНЛАР

Юртимиз тараққиёти, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги дастурхонимиз файзу баракасида қишлоп хўжалигининг барча соҳа вакиллари қатори фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда дунёнинг тараққий топган давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати жорий қилингани ва қўллаб-кувватланаётгани бежиз эмас. Шу ўринда кейинги йилларда фермерлик истиқболига қаратилган ислоҳотлар туфайли, мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантириш мұхим ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Айниқса, тармоқларни кенгайтириш орқали маҳсулотни етишириш ва қайта ишлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш фермерларнинг асосий мақсадига айланди. Бунинг учун эса улар қўшимча тармоқлар сонини кўпайтиришга тинимсиз ҳаракат қилишмоқда.

Қизилтепа тумани Ванғози ҳудудидаги “Баширнинг баракали ҳосили” фермер хўжалиги раҳбари Жасурбек Абдуллаев ҳам ана шундай кишилардан. Фермер ўзи тиниб-тinchимайдиган, хўжалик аъзоларидан ҳам шундай ҳаракатни талаб қиласидиган одам. Шунинг учун ҳам барча экинлардан ҳамма далаларда мўл ҳосил етиширилади, режалар ортиги билан адo этилади. Шу боис, фермер 2020 йилда “Илғор фермер” кўкрак нишони билан тақдирланган. 2012 йилдан фермерлик соҳасида фаолият олиб бораётган Жасурбек Абдуллаев пилла, ғалла, пахтадан ташқари гўшт, асал маҳсулотлари етишириб келмоқда.

— Фермерликнинг нони жуда қаттиқ, — дейди Жасурбек Абдуллаев. — Фаолиятимизни бошлаганимизга 11 йил бўлди. Дастребки йилларда деҳқончиликни 30 гектар дала майдонида 4 киши билан бошлаган бўлсак, бугун 100 гектар майдонда, 30 нафар ишчиларимиз билан хизмат қилиб келмоқдамиз. Пахта, ғалла ва пилла етиширамиз. Ўтган йили ғалладан 70, пахтадан 40 центнердан ҳосил кўтардик. Олинаётган даромадларимиз ҳисобидан янгидан-янги техникалар харид қиласидигиз. Хўжалигимиз аъзолари билан рисқ-насибамиз шу заминга сочилганини, эштанги фаровон кунимиз бугунги меҳнатимизга тикиклигини яхши билган ҳолда меҳнат қиласидигиз, эришаётган ютуқларимизнинг бош омили ҳам шунда деб биламан.



Албатта, бугун Қизилтепа туманида фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар, ҳалқимиз дастурхонини тўкин этишига пухта замин ҳозирлангани, туманда қишлоп хўжалигининг ибратли мактаби яратилгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар қўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда. Тумандаги яна бир қишлоп мулкдори, 2022 йилда “Илғор фермер” кўкрак нишони соҳиби бўлган фермер Истам Аҳмедов ҳам ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган ва юқори ҳосилни кўзлайдиган миришкорлардан.

— Хўжалигимизнинг жами ер майдони 81 гектар бўлиб, шундан 48 гектар пахта, 33 гектар ғалла, — дейди “Зарафшон чорвадори фермер хўжалиги раҳбари И.Аҳмедов. — Ҳозирги кунда асосий мақсадимиз, хўжалигимизнинг тармоқларини кенгайтиришдир. Шу мақсадда пахта ва ғалладан ташқари, чорвачилик тармогини ҳам ривожлантиряпмиз. Мақсадимиз янги иш ўринлари яратиш, туманимиз иктисадиётига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Албатта, бугунги кунги фермер — чинакам мулкдор. Тармоқлар кўпайтириш, тадбиркорлик асносида астойдил меҳнат қиласа, албатта, роҳатини кўраяпти. Йилдан-йилга даромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Асосийси, бу ҳаракатлар бесамар эмас, бугунги ишонч, шижаот ва ташабbus, келгуси фаровонлик ва тараққиётга мұхим қадам бўлиб хизмат қилиш аниқ.

Ўз мухбиримиз.



Дон — халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омили. Нон эса, ўзбек дастурхонининг бош безагидир. Шу боис, февраль ойиданоқ жойларда дон етишириш, ғалла майдонларини озиқлантириш, бу борадаги агротехник тадбирларни кечикирмай олиб боришга катта эътибор қаратилган.

ҚИШДАГИ АМЯЛ – ЁЗГИ ҲОСИЛГА ТАМАЛ

2023 йил ҳосили учун Пахтаки туманида қарийб 7 минг гектар майдонга кузги бошоқли дон экилган. Бугун ғалла парваришини барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бораётган тумандаги “Маҳорат иштиёқ эзгулик” фермер хўжалиги аъзолари ҳам қорқировли кунларга қарамай, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ишларини бир зум кечикиргани йўқ. Таъкидлаш жоизки, ғалладан мўл ҳосил етиширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ғалла етишириувчи фермер хўжаликларига минерал ўғитлар, ёқилғимойлаш материаллари, касаллик ва зараркунданаларга қарши кимёвий препаратлар зарур. Экилган ғаллани қишлоғва ҳозирлаш учун куз ойлариданоқ майдонларга гектарига 100-150 килограммдан азотли минерал бериш, ўғитлар билан озиқлантириш тақозо этади. Бу борада ана шу машаққатли ишларни ўз вақтида бажа-ришга ўрганган шикоатли фермер, “Маҳорат, иштиёқ, эзгулик” фермер хўжалиги раҳбари

Хуршид Аллаёров туманда астойдил ишлайдиган, ўз вақтида ва унумли меҳнат қилаётган, шартнома режасини уddyалаб, даромадига даромад кўшаётган тантн фермерлардан. Фермер бетиним меҳнати ортидан йилдан-йилга ортаётган даромадлари ҳисобидан хўжалик қошида янги тармоқлар яратишни ва шу аснода қушимча иш ўринлари ташкил этишини мақсад қилмоқда.

Албатта, дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл булишида ўз ҳиссасини кўшаётган миришкор бободеҳқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эртага ўз самарасини беради ва улар ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади деб умид қилиб қоламиз.

Суратда: «Маҳорат иштиёқ эзгулик» фермер хўжалиги аъзолари

Ўз мухбиrimiz.

БАҲОР ОЛДИ ЮМУШЛАРИ

Барча соҳаларда юз берадиганидай, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Поп туманида ҳам қишки тадбирларни амалга ошириш билан биргаликда баҳорги мавсумга ҳам тайёргарлик аллақачон бошлаб юборилган.

Туманимиз ҳудуди вилоятнинг қарийб ярмини ташкил қиласди, - деб гап бошлади туман хокимининг Қишлоқ хўжалиги бўйича ўринbosари Исмоил ака Холбоев. – Шунингдек, қўшни Тожикистон, Қирғизистон республикалари ҳамда Фарғона ва Тошкент вилоятлари билан чегарадош. Туманимизнинг тортаётган юки ҳам шунга яраша. Туманимиз ММТП раҳбари Абдулатлиб Тўраев ва бош муҳандис Султонбой Абдуллаев билан биргаликда барча қишлоқ хўжалик техникаларимизни ММТП ҳудудига йиғиб, таъмирлаб

баҳорги мавсумга тайёрладик ва вилоятимизда биринчилардан бўлиб семинар ташкил қилдик. Семинарда қатнашган вилоятимиз раҳбарлари ва кўплаб туманлардан келган ҳамкасларимиз ўзларининг ижобий баҳоларини беришди.

– Туманимизда 14 та ишчи ҳудудлар ташкил қилинган, - дейди туман ММТП раҳбари Абдулатлиб ака. – Паркимизнинг маҳоратли механизаторлари ва слесарлари билан биргаликда 220 та чопик, 192 та культиватор, Туркиядан келтирилган 47 дона юқори унумли культиваторлари, 42 дона юқори унумли ҳайдов тракторлари, 32 дона ғалла ўрим комбайнлари, 102 дона чигит экиш сеялкалари (16 донаси юқори унумли сеялкалар), 25 дона пахта териш машиналари, 49 дона ОВХ тракторлари тўлиқ таъмирланиб, мавсумга шай ҳолга келтирилди.



Суратларда: чапдан ММТП раҳбари Абдулатлиб Тўраев, туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринbosари Исмоил ака Холбоев ва бош муҳандис Султонбой Абдуллаев.

Туманимизнинг 328 нафар фермер хўжаликлари 22963 гектар экин майдонида меҳнат қилишиади. Шундан 10302 гектар экин майдонида пахта ва 10570 гектарига эса ғалла етиширилади. Маълумки, туманимиз экин майдонларининг талайгина қисмини чўл ва дашт ҳудудлари ташкил қиласди. Айнан шу ҳудудларда фаолият олиб бориш дехқонларимиздан уддабуронлик ва тадбиркорликни талаб қиласди. Шунинг учун Тошкент-Намангандаги магистрал йўли атрофларидан ҳам экин майдони сифатида фойдаланилса-да, бу ҳудудларда сув муаммоси мавжуд. Шунинг учун янги инновацион лойиҳаларни амалга оширган ҳолда экинзорлар ташкил қилиниб, кам таъминланган оилаларга, Аёллар дафтари ва Темир дафтари ҳамда Ёшлар дафтарида турадиган аҳолига шартнома асосида ажратиб берилмоқда.

– Бизнинг экин майдонларимизда фаолият юритган кўплаб фермер хўжаликлари сув етиш маслиги натижасида фаолиятларини якунлашган, – дейди “Журобой, Эргашали, Мироншоҳ” фермер хўжалиги раҳбари Санжаржон Эргашев. – 2013 йил ҳаво-десант кўшинлари тактик қўмондони лавозимидан истеъфога чиққанимдан сўнг болаликдаги орзуим дехқончилик билан машгул бўлишга ният қилиб, туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Туман ҳокимлиги тош ва шағал аралаш экин майдонидан 48 гектар экин майдонини ажратиб бериши. 8 нафар доимий ишчиларимиз билан астойдил меҳнат қилдик. Экин майдонига келадиган ариқ ва зовурлар тозаланиб, экин майдонлари маҳаллий ўғит билан озиқлантирилди. Албатта, “Астойдил меҳнат қилинса, тошда гул битади” деб бежиз айтишмаган. Йиллар давомида пахта ва ғалладан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдик. 2015 йил 164 бош Швиц зотли қорамоллар харид қилдик ва хўжалигимизда чорвачиликни йўлга қўйдик. Ҳокимлик томонидан 19 гектар майдони озуқа учун ажратиб беришди. Кўшимча хўжалик фермерга мадор, деганларидаи фаолиятимизда ривожланиш кузатила бошлади. Зооветеринарияни изоҳи Одилжон ака Исоқов билан маслаҳатлашиб,



**Суратда: Мироншоҳ фермер хўжалиги раҳбари
Санжаржон Эргашев**

10 000 бош паррандачилик ва 10 000 бош қўёнчилик хўжаликларини ташкил қилиб, астойдил парваришилашга киришдик. Қишининг совуқ кунларида электр энергиясида рўй берадиган узилишлар сабабли етилган паррандаларимизни гўштга топширдик. Хукал, Гибрид ва Великан наслии қўёнларини парваришилашда давом этяпмиз. Бундан ташқари, 15 гектарда сабзавотчилик ва 20 гектар экин майдонида боғдорчиликни йўлга қўйганимиз. Боғимизда парваришиланадиган ёнгоқларимиз ҳосилга киришни бошлади. Насиб қиласа, жорий йил мўл ҳосил олиши режалаштирганимиз. Айни кунларда 372 гектар экин майдонида меҳнат қилияпмиз. 85 гектар экин майдонига ғалланинг “Алексеевич” навини эдик. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилиб, озуқалар берилди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 70-75 центнердан ҳосил кўтарган эдик, жорий йил ҳам ушбу маррани забт этишини ният қилганимиз. 75 гектар экин майдонини зарурий чуқурлиқда ҳайдов қилиб, пахта экиши учун ажратдик. Бунинг учун сувчиларимиз Акмалжон, Иномбой ва Атхамбой Сотволдиевлар ҳамда Узоқвой ва Зоиржон Умрзақовлар астойдил меҳнат қилишмоқда. Мақсадимиз ҳар гектар экин майдонидан 45 центнердан ҳосил кўтариш.

Астойдил қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради. Биз ҳам Поплик миришкорларнинг келгуси ишларига ривожлар тилаб хайрлашдик.

**Каримжон ҲАЙИТБОЕВ,
ӯз мухбиришимиз.**

КЛАСТЕР: ИСТИҚБОЛЛИ ВА МАНФААТЛИ ТИЗИМИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш баробарида соҳага бозор механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада янги хўжалик юритиш шаклларидан бўлган агрокластерлар, ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва фермерларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги юзага келмоқда. Туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган лойиҳалардандир.

Самарқанд вилоятида ҳам ғалла этиширувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, дон этиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон этиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ғаллачилик кластерлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шұхрат Кенжәевич» ғаллачилик кластери ҳам ташкил этилганига кўп бўлмаган бўлса-да, истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шиҷоатли тадбиркор, фермер Шавкат Мирзаев раҳбарлигидаги кластер бугун тумандаги 225 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолаб, ҳамкорлиқда 6 минг 254 гектар майдонда ғалла этиштирмоқда. Айни кунларда кластер хўжалиги далаларида баравж ўсаётган ғалла бўлғуси мўл ҳосилдан бўй кўрсатиб туриди.

– 2021 йилда ғаллачилик кластери ташкил этиб, Туркия технологияси асосида кунлик куввати 120 тонна бўлган ун заводини ишга туширидик ва шу билан туманимиздаги 220 на-



фар аҳолимизни янги иш ўринлари билан таъминлашга эришдик. Жорий йилда эса қўшимча тармоқ сифатида чорва моллари учун омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шу аснода яна 30 нафар янги иш ўрни яратдик. Бугунги долзарб вазифамиз ғалла парваришининг агротехник тадбирларини оби-тобида олиб бориш бўлса, яқин келажақда бошоқли дон экиладиган майдонларимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиб, кластер хўжалигимизда ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни оширишни мақсад қилганимиз, – дейди Шавкат Мирзаев.

Дарҳақиқат, бу каби ғаллачилик кластерларининг ташкил этилиши ва уларнинг фермер хўжаликлари билан ҳамкорлиги қўшимча агротехник тадбирларини ўтказиша талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш орқали қўшимча иш ўринлари яратлишига ва экспорт орқали эса нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўз мухбиришимиз.

Чорвадор – элга мадақор

Унда нега Поп туманида чорвадорларга зътибор йўқ?



Кейинги йилларда пандемия, жорий йилда эса аномал совуқ ҳаво оқимининг юртимиз бўйлаб узоқ муддат сақланиб қолиши, сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, улар нархининг муттасил ўсиб бориши соҳада янада самарали фаолият юритиш заруратини юзага келтирмоқда. Айни аномал совуқ кунларида Поп туманида чорвачилик соҳасида фаолият юритаётган Жамшиджон Норкўзиев билан соҳадаги қўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ва ечилиши керак бўлган масалалар ҳақида сұхбатлашдик.

— Жамшиджон, аввало, ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз?

— 1985 йил Тепакўргон қишлоғида таваллуд топганман. 2007 йил Наманган Муҳандислик ва иқтисодиёт институтини тамомлаб, Фаргона вилоятининг Данғара туманида иш фаолиятимини бошлаганман. Ҳозирда туман ХТБ ишлаб келмоқдаман.

Ҳар бир соҳанинг ўз сеҳри, таровати бўлади. Чорвачилик билан иқтисодчиликнинг ўртасида катта фарқ бор.

Тўғри, мен иқтисод соҳасида фаолият юритаётган бўлсам-да, болалигимдан Сирдарё бўйларида хонадонимиз чорваларини боқиб катта бўлганман. Оиласиздаги чорвага бўлган меҳр ҳануз мени тарқ этмаган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 январдаги қароридан руҳланган ҳолда 12 бош наслли гольштин бузоқларини харид қилиб, парваришлай бошладик. Бу йўлда отам Мухаммадали Норкўзиев, онам Қорияхон Абдуллаева менга яқиндан кўмак беришиди. Сигирларимиз бош сони ҳам қисқа вақт оралиғида 32 тага кўпайди. Қишлоғимиздан тўрт нафар ёшни доимий ишчи сифатида қабул қилдик. Зооветеринаримиз Аҳаджон Имомовқорамолларга ўз вақтида вакцинация ишларини олиб бора бошлади.

— Жамшиджон, сизнинг ўтган замонда сўзлашингиз мени бироз ўйлантириб қўйди.

— Чорва озуқа билан унинг туёғи тошдан. “Бугун дам олиш куни, демак озуқа емасам ҳам бўлаверади”, демайди. Шунинг учун 2017 йил 21 январдаёқ туман ҳокимлигига озуқа етиштириш учун экин майдони сўраб, ариза билан

мурожаат қилган эдим. Орадан шунча йил ўтди, бирорта туман ҳокимлиги ходими “ҳолинг қандай?” деб сўраб келгани йўқ. Бир неча бор сектор раҳбари ва туман ҳокимига оғзаки мурожаатимдан сўнг Тошкент – Наманган магистрал йўли атрофидаги тош ва шағалдан иборат гиёҳ унмайдиган жойларни тавсия қилишиди. У жойлар, биринчидан, узоқ, иккинчидан, сув муаммо. Демак, қилинган харажат ўзини қопламайди. Буни ҳокимликдагилар жуда яхши билишади. Омиҳта ем сотиб олиш учун кўплаб қорамолларни сотишимиизга тўғри келди. Айни кунларда 18 бош қорамолимиз қолди. Аслида, бир қишлоғ учун 100 тонна силос, шунча донли экинлар ғамлашимиз лозим эди. Афсуски, 50 тонна силос йиғишига муваффақ бўлдик, холос. Бу чорва молларимизнинг янада камайишига сабаб бўлади деб кўрқаман. Агар иш шу зайлда давом этадиган бўлса, кунига иккита мактабгача таълим муассасасига етказиб берадиган 70 литр сут маҳсулотимиз ҳам камайиб боради. Қисқаси, таназзулга юз тутамиз.

Жамшиджоннинг сўзларини тинглаб, у билан хайрлашар эканман, Озиқ-овқат дастури ижроси йўлида Президентимиз жон куйдириб сўзлаётган бир вақтдапоп туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар ёш тадбиркорни кўплаб-куватлашларини ҳамда журналинизга ёзма жавоб тарзida муносабат билдиришларини сураймиз.

Суратда: Жамшиджон Норкўзиев қорамолларини кўздан кечирмоқда.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбириимиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ:

Салоҳият, устувор вазифалар ва келажак учун режалар

Замонавий аграр таълимнинг мақсад ва вазифалари тубдан ўзгармоқда. Концептуал ўзгаришлар нафақат академик соҳани қамраб олмоқда, балки одатий таълим жараёни ўрнини таълимга бўлган инновацион ёндашув эгалламоқда.

Аграр соҳанинг устувор вазифаларидан бири бу ресурслардан самарали фойдаланишdir. Бунинг учун салоҳиятли кадрлар зарур бўлиб, уларни тайёрлаш билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ОТМлар шугулланади.

Меҳнат бозори долзарб муаммоларни “ностандарт” усуллар ёрдамида ҳал эта оладиган, вазиятга тез мослашувчан ва самарали қарорлар қабул қила оладиган мутахассисларга мухтоҷ.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида аграр йўналишда бешта ОТМлар ва битта Халқаро қишлоқ хўжалиги университети фаолият юритмоқда.

2022 йил якунiga кўра, университетларнинг ҳар бири муайян натижаларга эришди. Мазкур ўқув муассасалари бўйича таҳлилий маълумотларни тақдим этамиз.

Тошкент давлат аграр университети (ТДАУ)



Тошкент давлат аграр университети ташкилий-бошқарув ва илмий фаолиятга, шунингдек, молиявий мустақилликка эришди.

Университет «QS Asia University Rankings-2023» рейтингида Осиё-Тинч океани минтақаси ОТМлари рўйхатига кирди. Умумий рейтингда 601-ўрин, Марказий Осиё ОТМлари ўртасида 38-ўрин, Ўзбекистон олий таълим

муассасалари ўртасида 6-ўринни эгаллади.

2022 йилда Тошкент давлат аграр университети докторантлари, магистрантлари ва бакалаврлари орасидан 8 нафар истеъододли ёшлар, жумладан, 3 нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби, бир нафар “Ислом Каримов” номидаги стипендия соҳиби, бир нафар “Навоий” номидаги сти-

пендия соҳиби, уч нафар “Беруний” номидаги стипендия соҳиби бўлишиди.

Университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан 120 та ўкув кўлланмаси яратилди. 1-3-курслар ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўкув жараёнининг кредит-модул таълим тизими асосида олиб борилмоқда.

2022/2023-ўкув йилида университетнинг 15 та бакалавриат йўналиши курслари ва 32 та магистратура мутахассислиги аттестациядан муваффақиятли ўтказилди.

Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, уларга шартнома маблагларини тўлаш ва талabalар ётоқхоналари учун тўловларини тўлашдан озод этиш учун 2022 йилда 420 нафар талаба учун 809,1 млн. сўм ажратилди.

571 нафар профессор-ўқитувчилар штати мавжуд. Улардан 378 нафари профессор ва иммий даражага эга ўқитувчилардир. Илмий салоҳият 66,2 фоизни ташкил этади.

2022 йилда улардан 31 нафари (28 нафар фан номзоди ва 3 нафар фан доктори) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишиди.

Хусусан, 8 нафари (7 нафар фан номзоди ва 1 нафар фан доктори) ҳимояси муддатидан аввал ўтказилди.

Университет худудини тунги вақтда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда ёритиш мақсадида ҳар бири 300 Вт кувватга эга 46 та замонавий қуёш панеллари ўрнатилди.

Жорий ўкув йилида 52 нафар талаба Германия Федератив Республикасига профессионал амалиёт ўташ учун юборилди. Халқаро ҳамкорликни йўлга кўйиш мақсадида 28 нафар профессор ва ўқитувчиларимиз 15 дан ортиқ давлатга ўқиш ва малака ошириш учун жўнатилди.

2022/2023-йилдан бакалаврларни 8 йўналиш бўйича тайёрлаш ҳамда 2 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш тизими ишга туширилди.

Профессорлар ва ўқитувчилар томонидан 21 та монография чоп этилди, кашфиёт учун 8 та патент, 15 та дастурга патент бўйича электрон гувоҳнома, 5 та ишланма бўйича гувоҳнома олинди. 5 та халқаро ва 5 та миллий конференция ўтказилди.

2023 йил учун устувор вазифалар:

- 1** Таълим сифатини ошириш, таълим жараёни, таълим йўналишларига рақамили технологияларни жорий этиш ва мутахассисликларни оптимизациялаш.
- 2** Масофавий ва дуал таълим учун электрон ахборот манбаларини тақдим этиш мақсадида “Медиа-марказ” ташкил этиш.
- 3** Ахборот-ресурс марказидаги ўкув адабиётларини тўлиқ рақамлаштириш ва Виртуал агороахборот-ресурс тармогини яратиш.
- 4** Университет бош режасини тайёрлашни якунлаш ва кадастрга ҳужжатларини расмийлаштириш.
- 5** 2023-йилда 400 ўринли талabalар туаржойини қуриш.
- 6** Жаҳон банкининг 2,6 млн. доллар маблағи ҳисобидан «Экофизиологик тадқиқотлар» иммий лабораториясини ташкил қилиш.
- 7** Миллий ва халқаро рейтингларда ОТМ ўринини мустаҳкамлаш.

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти



Айни пайтда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида 3 та факультет, жумладан, агробиология, агрологистика ва бизнес, бөгдорчилек ва технология факультети ҳамда 10 та кафедра мавжуд.

Бугунги кунда институтда 24 та бакалавриат мутахассислиги ва 10 та магистратура йўналишида 3230 нафар талаба таҳсил олмоқда. Жумладан, бакалавриатда 3124 нафар талаба (шундан кундузги бўлимда 2081 нафар, сиртқи бўлимда 1012 нафар, кечки бўлимда 31 нафар) 106 нафар талаба докторантурада таҳсил олмоқда.



2022/2023-үкӯв йилида 5 та янги йўналиш ва магистратуранинг 2 та йўналиши бўйича ишга қабул қилиш амалга оширилиб, ўкӯв жараёни бошланди.

Институтда 149 нафар профессор-ўқитувчилар ишлайди. Улардан 45 нафари илмий дараҷага эга бўлган профессор-ўқитувчилар, жумладан, 10 нафар фан доктори, профессорлар, 35 нафар фан номзоди, доцентлардир. Ҳозирги кунда институтнинг илмий салоҳияти 30,2 фойзи ташкил этади.

Институтда 3 та қишлоқ хўжалиги технологиялари техникумлари фаолият кўрсатмоқда, жумладан, Бандиҳон, Кўмкўрғон, Денов-Ҳазорбоғ.

Бундан ташқари, 4 та марказ: "Рақамли таълим технологиялари маркази", "Ахборот-ресурс маркази", "Ахборот-маслаҳат маркази" (Extension Centre) ва "Илмий-инновацион ИТ-марказ" ташкил этилди.

Институтда ўкув жараёни олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими – HEMIS орқали тўлиқ амалга оширилган бўлиб, 1, 2, 3-курс талабалари учун (84 фоиз) кредит-модулли ўқитиш тизими жорий этилган.

Бакалавриат ёки ўқишига кўйиладиган малака талаблари, базавий ва магистратура мутахассисликлари бўйича илмий дастурлар Австрия, Германия ва Россия каби мамлакатларнинг нуфузли қишлоқ хўжалиги университетлари, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари: асосий кадрлар истеъмолчилари билан келишилган, таҳлил қилинган ва тасдиқланган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, жорий ўкув иилидан бошлаб ўкув режасига ҳар бир семестр учун 2 та фан блоки ((мажбурий фанлар 25-27 (75%), ихтиёрий фанлар 10-12 (25%), 35-37 та ёки 7-8 та фанлар киритилган.

Худудларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, 2022/2023-үкӯв йилидан бошлаб институтда кечки бакалавриат йўналиши йўлга қўйилди.

Илмий, инновацион ва халқаро фаолиятни ривожлантириш учун:

– 2022-йилда илмий салоҳиятни ошириш мақсадида биринчи марта аспирантурага (докторантураси) асосий докторантураси (PhD) ва стажировка-тадқиқотчи йўналишлари бўйича қабул амалга оширилди:

– 2022-йилда институтда жами 3 та диссертация иши ҳимоя қилинган бўлиб, шундан 2 таси

фалсафа докторлик (PhD) ва 1 таси докторлик (DSc) диссертацияларидир.

– Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 4 та амалий лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 164 млн 43 минг сўм ажратилган. Шундан анор етиширишнинг янги самарали агротехнологияларини ишлаб чиқишига 295 миллион 816 минг сўм, лимон етиширишнинг янги самарали агротехнологияларини яратишга 347 миллион 755 минг сўм, карамнинг янги навларини яратишга 223 миллион 48 минг сўм ва 297 миллион 424 минг сўм хурмо, сабзавот (оқ колраби, Брюссел карами, руккола, кўк пиёз ва мирон, мелиssa) етишириш учун ажратилди.

2022 йилда институтга инновацион ишланмалар, технологиялар ва лойиҳалар, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги топшириқлар доирасидаги

ишларни бажариш учун хўжалик шартномалари бўйича олинган маблағлар 168 миллион сўмни ташкил этди.

– Умуман олганда, 2022/2023-ўқув йилида институтни 17 та таълим йўналиши бўйича 506 нафар мутахассис тамомлади.

Шунингдек, ҳамкорлар билан биргаликда талабаларни ўз мутахассислиги бўйича бўлажак иш ўринларига индивидуал тақсимлаш асосида амалиёт ўташини таъминлаш, көлгусида битирувчиларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш масалаларига багишланган “Меҳнат ярмаркаси” ва “Каръера куни” тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

– “Яшил макон” Миллий лойиҳаси доирасида 2022-йилда 5790 туп (мева, анор, узум, олма)

– 1498 дона манзарали (тут, қарағай, гужум) кўчатлари экилди.

Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали



Филиалда ўқув жараёнлари кредит-модул тизими асосида ташкил этилган бўлиб, талабалар ҳафтада беш кун таълим олади, шанба эса мустақил таълим куни сифатида белгиланган.

Филиалда талабалар сони 1322 нафарни, шундан бакалаврлар сони 1153 нафарни (935 нафари кундузги, 218 нафари сиртқи таълим), 169 нафари магистрантларни ташкил этади.

Фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг умумий сони 81 нафар бўлиб, шундан 7 нафари фан доктори, 7 нафари профессор, 31 нафари фан номзоди, доцент, илмий салоҳият 47,0 фойиздан иборат. Шунингдек, филиалда 84 нафар талабалардан 32 нафари илмий лойиҳаларда, 44 нафари кафедраларда, 8 нафари филиалнинг қурилиш бригадасида меҳнат қиласи.

Айни пайтда, бакалавр босқичининг 31 нафар 3-курс талабалари 2022 йилнинг 24 ноябридан бошлаб, Германиянинг етакчи қишлоқ хўжалиги компаниялари ва фермер хўжаликларида пулли амалиётни ўташмоқда.

Илмий ва инновацион фаолияти. 2022 йилда филиал томонидан “Самарқанд вилояти ёшларининг инновацион ғоялари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастури”нинг 6 та лойиҳаси жами 719 миллион сўмга молијалаштирилди.

Шунингдек, 2021-2023-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон-Хиндиистон ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштириладиган 750 млн сўм, “Тупроқка мос техник каннабиснинг навларини танлаш”

мавзусида 2,3 млрд сўм, "Республикамиз иқлим шароити ва улар асосида янги навлар яратиш" мавзусида ва "Самарқанд ўлмас ўсимлиги (Хеличрийсум марасандисум Попов эҳ Кирп) ургидан кўпайтириш ва кўчат экиш" мавзусида қиймати 1,2 млрд сўмлик амалий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида қиймати 70,2 минг евро (2022-йил учун) "Ўзбекистонда биоиктисодиётни барқарор ривожлантириш бўйича янги магистратура дастури (БиоЕсУз)" лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Халқаро ҳамкорлик бўйича. Жорий йилда филиал томонидан 17 та хорижий олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар билан таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Огаё штати университети, Теннесси штат университети, Кореянинг Канғвон

миллий университети, Италиянинг Пиза университети, Португалиянинг Порту университети, Хиросаки университети ва Япониянинг Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети, Эстония табиий фанлар университети ва Тарту, Клуж-Напока шаҳридаги Руминия қишлоқ хўжалиги фанлари ва ветеринария университетлари билан олий таълим тизими билан боғлиқ ҳалқаро лойиҳаларни амалга ошириш, ўқитувчилар ва талабалар учун мобил дастурини жорий этиш бўйича музокаралар ва келишувлар амалга оширилмоқда.

Моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича. 2022 йилда филиалнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 300 млн сўмлик 350 ўринли мажлислар зали таъмирланди, ҳомийлар ҳисобидан 200 м² ҳамда 500 м² йўлакларга асфалт ётқизилди.

Филиални ичимлик суви билан таъминлаш учун 1,2 млрд, бино сув таъминоти тармоқларини реконструкция қилишга 2,1 млрд сўм ажратилган.

Филиални ривожлантириш учун 83 миллион сўм маблағ эвазига 1 та компьютер, 12 та видео-проектор, 1 та интерфаол доска, 2 та принтер харид қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлигининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан ташкил этилган СТАРТАП лойиҳалари ҳисобидан 256,1 млн ажратилди.

2023 йил учун устувор вазифалар:

1 | Раҳбар ва профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг КПИ тизимини жорий этиш.

2 | Ахборот-ресурс марказидаги ўкув ва илмий адабиётлар фондини кўпайтириш ва уларни рақамлаштириш.

3 | Илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш, шунингдек, стартаплар учун инкубация марказларини яратиш.

4 | Жанубий Корея Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги (МАФРА) маблағлари ҳисобидан картошка уруғчилиги тизимини ривожлантириш ва умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг Картошкачилик илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш.

5 | Иқтидорли талабалар гуруҳидан иборат медиа-марказ фаолиятини ташкил этиш.

6 | 2023-ўкув йилида филиал профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини 47,0 фоиздан 50,0 фоизга ошириш.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти



Институтда 32 та мутахассислик бўйича 7694 нафар (шундан 2159 нафари қизлар) талабалар таҳсил олмоқда. Жумладан, бакалавр босқичида 7 366 нафар (3 506 нафари кундузги, 3860 нафари сиртқи бўлимда) ва 315 нафар магистратура босқичида илм олмоқда. Шунингдек, институтда бакалавриатнинг 3 та йўналиши бўйича қўшма таълим дастурлари бўйича 13 нафар талаба таҳсил олмоқда.

2022-2023-йук илида институтда 14 та янги бакалавриат йўналишлари ва 12 та магистратура мутахассислари очилди. 2022-йилги миллий рейтингда институт 31-уринни эгаллади. Вилоятда илмий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ўйлга қўйиш мақсадида, қишлоқ хўжалигига оид 15 та ихтинослаштирилган бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг 42 та филиал ва ўкув марказлари, кластерлар билан ҳамкорлик ташкил этилди. Институтнинг ахборот-ресурс маркази янги дарсликлар, ўкув-услубий қўлланмалар ва адабиётлар билан мунтазам тўлдириб борилмоқда.

Айни пайтда, АРМда 10 минг 86 номдаги, 148 минг 606 нусха дарслик ва адабиётлар мавжуд. Институтда жами профессор-ўқитувчилар сони 310 нафар булиб, шундан 297 нафари асосий таркибга тўғри келади.

Ўқитувчиларнинг 15 нафари фан доктори, профессор, 119 нафари

фан номзоди, доцент, 163 нафари катта ўқитувчи ва ассистентлар бўлиб, илмий салоҳияти 45,1 фоизни, институтда илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар сони 134 нафарни ташкил этади. Институтда фаолият юритаётган кафедра профессор-ўқитувчилари 2022 йилда 20 та патент ва 21 та муаллифлик гувоҳномасига эга бўлдилар.

Шунингдек, институт олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг гўзанинг “Андижон-зиё”, соянинг “Мустақиллик-30” ва “Истиқпол-30” мosh навлари яратилиб, синов марказига топширилди. 2022 йил давомида институт профессор-ўқитувчилари томонидан республика илмий журналларида 532 та, халқаро илмий журналларда 421 та, “Скопус” маълумотлар базасидаги журналларда мақолалар чоп этилди.



2023 йил учун устувор вазифалар:

- 1** Мамлакатимизнинг нуфузли олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларидан тажрибали профессор-ўқитувчиларни ўкув жараёнига жалб этиш.
- 2** Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, малака талаблари, ўкув режалари ва фан дастурларини жаҳон андозалари асосида, буюртмачиларнинг кадрлар талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш.
- 3** Институтда бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларни шартнома асосида Европа давлатларининг олий таълим муассасалари ва халқаро молия ташкилотлари орқали хорижий давлатларга амалий машгулотларга юбориши.
- 4** Кадрлар истеъмолчилари ва иш берувчилар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш орқали битирувчиларни иш билан таъминлаш.
- 5** 2023 ўкув йилида институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини 45,1 фоиздан 46,0 фоизга ошириш.

Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги "Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 275-сонли қарори асосида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали негизида Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида битта академик лицей, битта техникум, магистратура, экстернатура, тўртта факултет ва 16 кафедра мавжуд.

Институтда 3452 нафар талаба таҳсил олмоқда, улардан 2 372 нафари кундузги бўлимда, 885 нафари сиртқи бўлимда, 195 нафари магистратурада таҳсил олмоқда.

Шунингдек, институт таркибида “Мойли экинлар селексияси, ургучилиги ва етиштириш агро-технологиялари” ўкув-илмий маркази (давлат муассасаси шаклида) ва “Геоахборот тизимлари” марказлари мавжуд.

ОТБ “Агробанк” ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигига қишлоқ ёшлигини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларнинг савиясини ошириш мақсадида 2 ойлик (1 ой назарий ва 1 ой амалий билим) “Фермерлар мактаби” ўкув курси ташкил этилди.

Бунинг учун институтнинг 6 нафар малакали профессор-ўқитувчилари жалб этилди.

2022-2023-ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-279-сонли қарори асосида бакалавриат таълим йўналишига 28 та, магистратура таълим йўналишига 23 та, сиртқи бўлимга 7 та қабул режалаштирилган.

2022/2023-ўкув йилидан бошлаб бакалавриатнинг 6 та таълим йўналиши ва магистратуранинг 6 та мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлга кўйилди. Қабул қилиш квотаси ўтган ўкув йилига нисбатан 39 фоизга ёки 334 тага ошган.

Шунингдек, Вьетнам давлат аграр университети

тети билан шоли етиштириш йўналишида қўшма факультет ташкил этиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди, 2023-2024-ўкув йилидан бошлаб якуний шартнома имзолаш ва уни очиш учун Вьетнам Республикасига ташриф режалаштирилган.

2022-2023-ўкув йилида институтнинг 3 та ўкув биносида ўкув машғулотлари олиб борилади. Жумладан, 6 та маъruzalар зали, 22 та лаборатория ва 76 та амалий кабинетлар, жами аудиториялар сони –104 та.

Институтда таълим сифатини таъминлаш мақсадида асосий таркибида 164 нафар профессор ва ўқитувчилар малака ошириди.

Таълим сифати самарадорлигини ошириш мақсадида 2021/2022- ўкув йилида хорижий олий таълим муассасаларининг 8 нафар профессор-ўқитувчилари ўкув жараёнига жалб этилган бўлса, 2022-2023-ўкув йилида 12 нафар профессор-ўқитувчилар жалб этилиши режалаштирилган.

Институтда бир қатор ахборот-коммуникатсия технологиялари, жумладан, 358 та компьютер, 44 та видео проектор, 4 та смарт телевизор, 74 та ўкув хоналари институтнинг 3 та ўкув биноси кузатув камералари билан жиҳозланди, дарсларни тўлиқ назорат қилиш ва таҳлил қилиш бошланди.

2023 йил учун устувор вазифалар:

- 1** Институтимизда асосий муаммолардан бири бўлган ўкув хоналари етишмаслиги сабабли 2023 йилда янги ўкув биноси, катта сигимли (150-200 ўринли) аудиториялар қуриш мўлжалланмоқда.
- 2** Эскирганини алмаштириш учун янги лаборатория жиҳозларини олиш.
- 3** Профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражасини ошириш курсларини ташкил этиш.
- 4** Илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги лаборатория ва марказлар ташкил этиш, техник жиҳозлар билан таъминлаш масалаларида ҳомий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш.
- 5** Институт ҳудудида ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ахборот-ресурс марказини ташкил этиш.
- 6** Барча қуий университетларда 20 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади.
- 7** Агросаноат олий ўкув юртларида кадрлар тайёрлаш йўналишлари хилма-хилдир.
- 8** Таълимнинг барча таклиф этилган йўналишлари табиий фанлар ва техник мухит билан боғлиқ.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ — КАФОЛАТЛИ МУТАХАССИС



Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимиши модернизация қилиш, илм-фани ривожлантириш, ўқитишининг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқот ишларини самараали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий қилиш, таълим-фан-ишлаб чикаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кўпроқ жалб этиш ва уларни ҳар томонлама кўплаб-қувватлашга катта аҳамият берилалепти. Бундан кўзланган мақсад нафақат бўлажак юқори малака кадрларни тайёрлаш, балки умуман таълим масканларида илм-фани ривожлантиришдир.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети жамоаси учун 2022 йил яхши натижаларга, унтуилмас воқеаларга бой бўлди. Жумладан, ўкув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик, ижобий ютуқларга эришилди. Қувонарлиси, жамоанинг янги илмий тадқиқотлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди.

Университетимизда 14 та бакалавр таълим йўналишларининг сони 21 тага, 14 та магистратура мутахассисликлари сони 32 тага етди, талабалар сони 3,5 мингдан 6,5 мингта ортди.

Шунингдек, университет таркибида янги 10 та замонавий ўкув лабораториялари ишга туширилди

Жорий йилда замонавий ўкув ва илмий лабораториялар ягона тизимга бирлаштирилиб, минтақавий диагностика марказини ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

Таълим жараёнларининг бевосита амалиёт билан уйғунликда ташкил этилишини, илм-фани ва технологиялар интеграциясини таъминлаш мақсадида Университет ҳузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи Ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки ташкил этилади.

Технопарк таркибида қуйидаги таркибий бўлинмаларни ташкил этиш назарда тутилган:

Ветеринария лаборатория-диагностика ва профилактика-даволаш клиникаси;

Сунъий уруғлантириш ва наслчилк-селекция маркази;

чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонида парваришиланаётган ҳайвонлар учун озуқа ётишириш, жамғариш ва тайёрлаш бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатадиган маслаҳат маркази.

Университетда профессор-ўқитувчилар сони 347 нафардан 381 га ошди. Хорижий давлатлардан 23 нафар профессор-ўқитувчи университетга оффлайн ва онлайн тарзда ўкув жараёнига жалб этилди.

2022-2023 ўкув йилидан бошлаб ўкув жараёни халқаро талабларга жавоб берадиган такомиллаштирилган ўкув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилган бўлиб, илк бор "Ветеринария медицинаси" таълим йўналиши ўқиш мuddати 5 йил қилиб белгиланди. Университетнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларида ўкув жараёни кредит-модул тизими асосида ташкил этилган ва HEMIS платформасида жараён юритилмоқда. Ўкув жараёнида янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан йўналишлар ва мутахассисликларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўкув семинар-тренинглар, маҳорат дарслари, очиқ маъруза ва амалиёт, лаборатория машгулотлари ташкил этилиб, ёш, иқтидорли ва қобилиятли ўқитувчиларда педагогик маҳорат шакллантирилиб борилмоқда.

Академик лицейда иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва таълим сифатини ошириш бўйича йўл ҳаритаси ишлаб чиқилди. Лицейнинг 20 нафар юқори кўрсаткичларга эришган ўқитувчи ва ходимларига устама ҳақи белгиланди, 10 нафар аълочи ва жамоатчи ўкувчи Университет

ректорининг стипендияси билан тақдирланди.

Университетимизда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида 2022 йилда профессор-ўқитувчилардан жами 25 нафари фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 1 нафар фан доктори (DSc) илмий дарражаси учун тайёрлаган диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шунингдек, йил бошидан буён 2 нафар профессор, 8 нафар доцент илмий унвони олинди.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида йил бошидан 14 та дарслик, 16 та ўкув кўлланмаси, 23 та монография, 3 та ихтирова фойдали моделларга патент, 2 та электрон дастурларга патент гувоҳномалари, 38 та ишланманинг амалиётга татбиқи бўйича далолатнома олинди.

Олимларимиз томонидан иш берувчи корхона ва ташкилотлар муаммоларини ҳал этиш учун тузилган хўжалик шартномалари доирасида 135 млн. сўмдан ортиқ маблағ ва хорижий грантлар ҳисобидан 70 минг еврода яқин маблағ университет ҳисоб рақамига туширилди.

Замон шиддат билан ўзгаришларга юз тутаётган даврда чет тилини билиш давръинг энг муҳим талабига айланди. Бу борада иқтидорли талабалар учун чет тилларни чукурлаштириб ўргатиш мақсадида “Хорижий тиллар” кафедрасидан малакали ўқитувчилар ажратилиб, алоҳида дастур асосида мунтазам равишда машғулотлар олиб бориш ҳам йўлга қўйилди.

Университетда ташкил этилган IT-park да иқтидорли талабалар ҳамда дастурлаш тилларига қизиқадиган бир қатор ёшларга компьютер саводхонлиги, график дастурлар, Web дастурлаш, инглиз тили маҳсус курслари машғулотлари ҳам мунтазам олиб борилмоқда.

Талаба ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рӯёбга чиқариш борасида профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар томонидан 41 та амалий, инновацион ва стартап лойиҳалар тайёрланиб, мазкур соҳалардаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, талабаларимиз юксак мэрраларни эгаллаяпти. Жумладан, Биотехнология факультети талабаси Умиджон Файзуллаев Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, Агротехнология факультети талабаси Мустофоқулова Ферузабону, Ветеринария диагностикаси ва озиқ-овқат

хавфзислиги факультети талабаси Хушназарова Моҳигул Беруний Давлат стипендияси, Ветеринария профилактикаси ва даволаш факультети талабаси Шомуродов Мансур Ислом Каримов номли давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Университетда ҳозирда бир қатор лойиха ва грантлар амалга оширилмоқда. Масалан, “Чорва моллари ва паррандалар иммун тизимини мустаҳкамловчи, касалликлардан ҳимояловчи ҳамда репродуктив фаоллиги ва маҳсулдорлигини оширувчи оддий хлорепла (Члорепла вулгарис) ўсимлигидан табиий доривор биологик фаол моддалар олиш технологиясини яратиш” номли амалий ва ПЗ-2020123121 рақамли “Парранда ва қўёнлар касалликларининг олдини олувчи ва даволовчи экологик тоза маҳаллий пробиотиклар яратиш” инновацион лойиҳалари мавжуд.

Университетнинг ҳалқаро нуфузини ошириш, хорижий фуқароларни ўзимизда ўқишига жалб қилиш, дунёнинг топ 1000 талик рўйхатидаги ўкув даргоҳлари билан ўзаро ўкув, илмий ҳамда ўқитувчи ва талаба алмашинуви дастурларини жорий этиш орқали университетда таълим сифатини ошириш каби масалалар ҳалқаро ҳамкорлик доирасида жорий йил давомида диққат марказимизда бўлади. Хорижий университетларнинг тажрибасини ўрганиб, уларни ўкув жараёнларига татбиқ этишга интилмоқдамиз. Зоро, хорижий тажриба сифатли таълимнинг асосий омилларидан биридир. Шу муносабат билан университетимизга топ мингталик университетларининг 23 нафар етук малакали профессор-ўқитувчилари илим даргоҳимизда дарс беришга жалб этилиб, талабаларга замонавий, инновацияларга асосланган билимлар бериш йўлга қўйилди.

Ўтган йилда университетнинг 58 нафар бақалавр ва магистратура талабалари Германия, Руминия, Туркия ва Қозоғистоннинг нуфузли университетлар, агросаноат мажмуаларида мутахассислик бўйича амалиёт ўташ ва тажриба алмashiш учун юборилди. 22 нафар профессор-ўқитувчilarimiz АҚШ, Швеция, Польша, Латвия, Беларуссия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга стажировкаларга юборилиб, таълим сифатини ҳалқаро даражага кўтариш, илмий тадқиқот ва ўкув-услубий соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўкув жараёнларини ташкил этишда замонавий усуғ ва воситаларни қўллаш бўйича ҳалқаро тажр. бага эга бўлдилар. Йил давомида

ўқув, илмий соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш, англашинув меморандумларини имзолаш, дарс бериш ва бошқа мақсадларда университетга ҳукумат ва давлат вакиллари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва профессор-ўқитувчилари, хусусий компаниялар ва ҳалқаро ташкилотлар вакилларидан иборат 100 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар ташриф буюрди.

АҚШнинг Миннесота университети билан ҳамкорликда Твиннинг лойиҳаси доираси 5 нафар ўқитувчиларимиз 2 ҳафталик хизмат сафарида бўлиб қайтдилар, 20 нафар профессор-ўқитувчилар 3 ойлик онлайн малака ошириш курсларида муваффақиятли иштирок этдилар. Профессор-ўқитувчиларимиз ва хорижий мутахassisлар ҳамкорлигига 5 та дарслик ва 6 та ўқув кўлланмалари чоп этилиб, ўқув жараёнига жалб этилди.

Ўтган 2022 йилнинг 14-15 октябрь кунлари “Ветеринария ва ҷорвачиликда инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этишнинг истиқболдаги вазифалари” номли ҳалқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Икки кун давомида ўтказилган ҳалқаро илмий-амалий конференцияда жами 127 нафар қатнашувчилар иштирок этган бўлса, шундан 6 та хорижий мамлакатлар 8 та олий таълим муассасаларининг ректор ва профессор-ўқитувчиларидан 35 нафар хорижий иштирокчилари қатнашдилар.

2022 йил давомида ветеринария, қишлоқ ҳўжалиги, ҷорвачилик, биотехнология каби соҳаларда талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви ва икки томонлама ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича 10 та шартнома ва меморандумлар имзоланди. Бу шартномаларда дунёнинг топ 1000 талик рўйхатига кирувчи университетлар: Португалияning Порту университети, Италияning Пиза ва Падуа университетлари, АҚШнинг Миннесота университети ҳамда Россия Федерациясининг бир қатор университетлари билан келгуси яқин 5 йиллика ўқув жараёнларини ташкил этиш, ҳамкорликда янги тур ўқув адабиётларни чоп этиш, маҳаллий ва ҳалқаро илмий ва таълимни ривожлантиришга қаратилган грантларида ҳамкорликда иштирок этиш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, талабаларнинг академик алмашинувини йўлга қўйиш бўйича аниқ, стратегик режаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Латвиянинг табиий фанлар ва технологиялар университети билан бакалавриат “1+3” магистратурада “0,5+1,5”, Белорус давлатининг Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси, Гродно давлат аграр университетлари билан имзоланган меморандумга асосан ҳамкорлика “2+2” кўшма таълим дастурлари асосида талабалар қабули йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида “Барқарор қишлоқ ҳўжалиги” ва “Рақамли иқтисодиёт” таълим йўналишлари бўйича “2+2” форматида бакалавр талабалар учун кўшма дастурларни ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Учинчи Узбекистон-Россия таълим форуми” доирасида Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда Қозон Федерал университети билан ҳамкорлик келишувлари имзолашга эришилди.

Университет Германиянинг “GIZ”, Япониянинг JICA, АҚШнинг USAID ҳалқаро ташкилотларига аъзо бўлиб, уларнинг таълим ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бағишлиланган грантлар танловларида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимизда ҷорвачилик ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган грантлarda ҳам иштирок этиб келмоқда.

Мухтасар айтганда, таълимни ривожлантириш учун яратилаётган барча шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, ҷорвачилик ва биотехнологиялар университети республикамизнинг ягона ва етакчи олий ўқув юртларидан бирига айланди. Эндиликда ҳам бу кўрсаткичларни мустаҳкамлаш, юқори погоналарни эгаллаш учун бор имкониятлар ишга солинади. Зоро, 2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида кўзлаган мэрраларимиз улкан. Уларга тинимсиз изланиш орқалигина эришилади.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси ҷорвачилик ва
биотехнологиялар университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор.

KAMOLOTGA INTILIB

2022/2023-o'quv yili uchun respublika oliy ta'lim muassasalari bakalavriat va magistratura bosqichlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va bir necha davlat stipendiylari g'oliblari aniqlandi. Ular orasida agrar soha va uning tarmoqlari oliy o'quv yurtlarining yoshlari ham bor.

Tahririyatimiz nomidan g'oliblarni muborakbos etamiz va ularga yanada yuksak parvozlarni tilab qolamiz.

Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotehnologiyalar instituti

"Beruniy" nomli Davlat stipendiyasi



Tilepov Damir

**5410700 –
"Yer kadastri
va yerdan
foydanlanish"
yo'nalishi**

4-kurs

Rus va ingliz tilida erkin so'zlasha oladi. Respublika V xalqaro "Лучшие молодые ученые" tanlovi hamda talabalar orasida o'tkazilgan "O'zbekistonning umidli yoshlari" seminari ishtiroychisi.

"To'lepbergen Qayipbergenov" nomli Davlat stipendiyasi



**Kerimbaeva
Azada
Alimbaevna**

**5410300-
"O'simliklarni
himoya qilish
(ekin turlari
bo'yicha)**

4-kurs

2020-2021-o'quv yilida «Hayal qizlardiň sociyalliq-siyasiy belseñdiligin asiriwda hayal qizlar mäselesi boyinsha baslangan shölkemler täjiriybesi» nomli qizlar forumida faol qatnashganligi uchun faxriy diplom bilan taqdirlandi. 2021-yili oliy talim muassasalari o'rtaasida o'tkaziladigan fan olimpiyadasida Respublika bosqichida faol ishtiroy etib sertifikat bilan taqdirlandi. 2022-yili A.Kerimbaeva «Всероссийская олимпиада по дисциплине» xalqaro olimpiyadasida «Экология» fanidan qatnashib I-darajali diplom bilan mukofotlandi. Hozirda u bir qancha tanlov va forumlarda qatnashib, yoshlar orasida faoliik ko'rsatmoqda. Masalan, Respublika miqyosida tashkil etilgan iBook.uz stependiyasi tanlovida faol ishtiroy etganligi hamda Mirzo Ulug'bek vorislari Respublika tanlovida faol ishtiroyki uchun sertifikat bilan taqdirlangan. Shu yili «ClimateScience olympiad 2022» olimpiyadasida ishtiroy etib sertifikat bilan taqdirlangan.

“Islom Karimov” nomli Davlat stipendiyasi



**Baueddinov
Kamaladdin
Karamaddinovich**
**5233100 –
“Veterinariya”
yo‘nalishi**
4-kurs

В Международный конкурсе по информатике «Сервисы Интернет» для студентов Xalqaro fan olimpiadasining 1-o‘rin g’olibi.

Ingliz tilida erkin so‘zlasha oladi.

Institut talabalari orasida o’tkazilgan sportning shaxmat turi bo‘yicha 2-o‘rin sohibi.

“Ibrayim Yusupov” nomli Davlat stipendiysi



**Aysuliw
Arzibaeva
Xamidullaevna**
**60812100-
Dorivor
o’simqliklarni
yetishtirish va
qayta ishlash
texnologiyasi**
3-kurs

“Tashabbuskor islohotchi” Mustaqil Davlatlar Hamdo’stligi (MDH) miqyosida tashkil etilgan xalqaro ilmiy-amaliy ko‘rik tanlov ko‘krak nishoni sohibasi (2022-y.), “Mir-olimpiad” tanlovining “Biologiya”, “Ekologiya” va “Farmakologiya” fani bo‘yicha 1-o‘rin sohibasi. “World of science-2022” xalqaro talabalarning ilmiy ishlari tanlovi g’olibi. Biologiya fani bo‘yicha “Erudit onlayn”, “В мире биологических наук”, “Основы сельского хозяйства” xalqaro tanlovlari sovrindori.

— Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti —

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi (bakalavr)



**G‘ulomov
Boburbek
Baxrombek o‘g‘li**
**5410200 -
“Agronomiya”
yo‘nalishi**
4-kurs

2018-2019-yil USAID xalqaro tashkiloti AVC loyihasi faol qatnashchisi. 2021-yilda o’tkazilgan “YIL TALABASI” Respublika tanlovining institut bosqichida “Yilning eng faol innovator talabasi” yo‘nalishi bo‘yicha 1-o‘rinni egallagan. 2021-2022 o‘quv yili uchun ta’sis eilgan “BERUNIY” nomli davlat stipendiyasi sohibi. 2022-yilda Qishloq xo‘jaligi vazirligi tizimidagi Oliy ta‘lim muassasalari talabalari o‘rtasida o’tkazilgan fan olimpidasining Agronomiya yo‘nalishida 1-o‘rinni egallagan. Rus, ingliz, turk tillarida mukammal muloqot qila oladi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendanti.

"Beruniy" nomli Davlat stipendiyasi



**Botirov
Shohjahon
Davlatbek o'g'li**
**5410200-
"Agronomiya"
yo'nalishi**
4-kurs

Respublika miqyosida o'tkazilgan "100 g'oya", "Agriculture Hackathon-2022", "Mirzo Ulug'bek vorislari" loyihibalar tanlovi final bosqichi ishtiropchisi va bir nechta tanlovlardan g'olib va sovrindori, OneCrop loyihasi bilan 60 mln so'm grant g'olib, "Rektor stipendiyasi" stipendianti, "Yil talabasi 2022" institut bosqichida 1-o'rinni sohibi, "Qishloq xo'jaligida innovatsion resurs tejamkor texnika va texnologiyalardan samarali foydalansh" ilmiy-amaliy anjumanida 1-o'rinni sohibi, Yevropa ittifoqi dasturlari bo'yicha tashkil etilgan xalqaro "BOOST CAMP" loyihibalar tanlovida 2-o'rinni sohibi, Shaxmat sport turi bo'yicha sport ustasi nomzodligini qo'lga kiritgan va musobaqalarda g'olib va sovrindor bo'lgan, Rus va Ingliz tillarida suhabatlasha oladi, "Beruniy" nomli davlat stipendiyasi sohibi.

"Beruniy" nomli Davlat stipendiyasi



**Azimov
Arabboy
Muftoxiddin o'g'li**
**70811701 –
"Qishloq va suv
xo'jaligida energiya
ta'minoti" yo'nalishi**
4-kurs

Rus va ingliz tilida erkin so'zlasha oladi, 2021-yil o'quv yilida "Rektor" stipendiati, 2022-yil «Yil talabasi» ko'rik tanlovi g'olib, "InnoWeek-2022" hududiy g'oyalari innovatsion ko'rgazmasi ishtiropchisi O'zbekiston Respublikasi "Beruniy" nomli davlat stipendianti. 20 dan ortiq ilmiy xalqaro maqolalarga ega.

"Islom Karimov" nomli Davlat stipendiyasi



**Alimqulova
Zarina
Ma'rufjon qizi**
**5610301 –
"Turizm (faoliyat
turlari bo'yicha)"
yo'nalishi**
3-kurs

Rus, Ingliz tillarida mukammal so'zlasha oladi. IELTS 6 SERTIFIKAT sohibasi (punktlar bo'yicha 6, 5.5, 6, 6.5)

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi (bakalavr)



**Berdimurodov
Murodjon
Baxodir o'g'li**
**"Agrobiznes
va investitsion
faoliyat"
yo'nalishi**
4-kurs

Universitet "Yil talabasi" ko'rrik tanlovi g'olib, CEFR hamda IELTS sertifikati sohibi, Rus va ingliz tilida erkin so'zlasha oladi, USAID tashkiloti tomonidan o'tkazilgan "Viktorina savollari" tanlovining 4 karra g'olib, "O'zbekiston yoshlar forumi-2021" doirasidagi "Chet tillar forumi" ning "#contest time" yo'nalishi g'olib, 20ga yaqin maqolalar muallifi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendianti.

"Beruniy" nomli Davlat stipendiyasi



**Alikulova Bonu
Alisher qizi**
**Ipakchilik va
tutchilik**
4-kurs

Institut "Yil talabasi 2022" ko'rrik tanlovi g'olib, 2020-yil 1-15 – noyabr kunlarida Toshkentda onlayin o'tkazilgan "PSD Youth Forum"da faol ishtiroki uchun diplom, sertifikat, tashakurnomalar bilan taqdirlandi.

2021 yil 15-17 aprel kunlari "Oltin Qanot" Volontyorlar jamoasi Olmazor tumani kengashi va Yosh Volontyorlar Akademiyasi NTM tashkiloti hamkorligida o'tkazilgan "Islohatchi Yoshlar" online konfrensiyasida Tashakkurnoma bilan taqdirlangan.

Rus va ingliz tilida erkin so'zlasha oladi. Ilmiy maslahatchi, Zooinjeneriya, veterinariya va ipakchilik kafedrasi katta o'qituvchisi M. Bobomurodovga shogird tushib, "Respublikamizning janubiy viloyatlari iqlimiga mos navdor tut ko'chatlarini Invitro usuli orqali ko'paytrish" mavzusida Akademik M. Mirzayev nomidagi BUVITI-Invetro labaratoriyasida ilmiytadqiqot ishlarini olib bormoqda va shu kungacha 10 dan ortiq Xorijiy va mahalliy jurnallarda maqolalar chop ettirdi. Beruniy nomidagi davlat stipendiyasi sohibasi.

"Islom Karimov" nomli Davlat stipendiyasi



**Omonova
Nafisa
Qahramon qizi**
**"Agrobiznes
va investitsion
faoliyat"
yo'nalishi**
3-kurs

One Million Uzbek Coders loyihasi ishtirokchisi, Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti logotipi muallifi, Surxondaryo viloyat hokim stipendiyasi stipendianti, o'z mutaxassisligi bo'yicha o'ndan ortiq maqolalar muallifi, Islom Karimov nomli davlat stipendiyasi stipendianti

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРДАН БҰШАГАН МАЙДОНЛАРГА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН С-8290, “АФСОНА”, “СУЛТОН” ВА С-7276 НАВЛАРИНИНГ ҮСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

Аннотация. В статье рассмотрены результаты исследования посева нескольких сортов хлопчатника после уборки промежуточных культур.

Аннотация. Проводятся анализы результатов исследований данных культур.

Annotation. The article considers the results of a study of sowing several varieties of cotton after harvesting intermediate crops. Analyzes of the results of studies of these cultures are carried out.

Тажриба 2022 йилда Тошкент вилояти Оқкүргон туманиндағы Пахта селекцияси, урұғчилеги ва етиштириш агротехнологиялары илмий-тадқиқот институтының қарашлы Оқкүргон илмий-тажриба станциясы далаларидан олиб борилди. Тупроғи эскидан суғориладиган оч тусли бұз тупрок. Сизот сувлар чуқурлуги 1,5-2 метр. Суғорыш үшүн сув Қорасув ва Қонариқ каналларыдан олинади. Иклеми континентал, қиши намли, нисбатан юмшоқ, ёзи иссик-қуруқ. Баҳорда шамоп кучайиши, момақалдирок бўлиб, дўл ёғиши ва сув тошқинлари кузатилади. Январнинг ўртача ҳарорати 3°C дан 6°C гача, июлники мөъёр даражасида бўлиб, 25-28°C бўлади. Вегетация даври узунлиги 210 кунни ташкил этади.

Тажриба учун пахтанинг эртаки ва ўртаки С-8290, “Афсона”, “Султон” ва С-7276 навлари танланиб, улар тритикаледан бұшаган майдонларга тақоририй экин сифатида 29 май куни экилди.

Тажрибада 4 вариантда экилди.

1-вариант – С-8290.

2-вариант - “Афсона”.

3-вариант – “Султон”.

4-вариант – С-7276 нави.

Тажрибанинг умумий майдони 2 гектарни ташкил этди. Экиш 29 май куни амалга оширилди.

Тажриба даласида күйидеги ҳисоб ва кузатувлар олиб борилди:

1. Униб чиқиши динамикаси.

2. Гуллаш фазасининг бошланиши, 50%.

3. Пишиш фазасининг бошланиши, 50%.

4. Ҳар бир вариант бўйича пахта териб олиниб, аниқ ҳисобга олиш.

Тажриба даласида пахта учун қабул қилинган умумагротехник чора-тадбирлар кўлланилди. Умумий 500 кг аммиакли селитра берилди, тегишли миқдорда ва тартибда касалликларга қарши олтинкўз ва бракон қўйилди. Тажриба даласи 1 марта чуқур юмшатилди, 4 марта культивация қилинди, 2 марта кўл чопик қилинди ва 3 марта суғорилди. 2 марта суспензия қилинди, шунингдек, олтингутурт билан ишлов берилди.

1-жадвал.

Тажриба даласида олиб борилган фенологик кузатувлар муддатлари.

Вариантлар, навлар	50% униб чиқиши	Гуллаш фазаси, 50%	Пишиш фазаси, 50%
С-8290	4.06 6.06	21.07	07.09
“Афсона”	6.06 7.06	26.07	16.09
“Султон”	6.06 7.06	27.07	14.09
С-7276	6.06 7.06	27.07	15.09

1-2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, С-8290 нави 5-куни униб чиқди, намлик ва етарлича ҳарорат бўлганлиги сабабли 7-куни 50% униб чиқиш жараёни кузатилди. Июнь ойи бошларида ҳарорат етарли бўлганлиги ва чигит

2-жадвал.

Тажриба даласида ўсув даври давомийлиги ва ҳосилдорлориги

Вариантлар, навлар	50% униб чиқиши	Гуллаш фазаси	Пишиш фазаси	Териб олинган пахта ҳосили, ц/га
C-8290	5 7	52	99	22 ц/га
“Афсона”	7 8	57	108	13 ц/га
“Султон”	7 8	58	106	23 ц/га
C-7276	7 8	58	107	18,3 ц/га

бўйича 5 кундан 8 кунгача давом этди.

2. 15.06. да ёки вегетациянинг 16-17-куни 1-чинбарг чиқиши кузатилди.

3. Экишдан гуллашгача бўлган давр навлар бўйича мос равишда 52-58 кунни ташкил этди.

4. Пахта очилиши даври навлар бўйича 99 кундан 108 кунгача давом этди.

5. Тажриба далаларидағи энг юқори ҳосилдорлик 23 ц/га “Султон” навида кузатилди.

Ишлаб чиқаришга тавсия:

1. Кейинги йилларда об-ҳавонинг ўзгариши, яъни июнь-июль ойларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида юқорида кўрсатилган навларни 2-экин сифатида экиб, кеч кузда қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин.

2. Тажриба хуносаларига асосланган ҳолда “Султон” навидан, ўз қўрсаткичлари билан ажралиб турганлиги сабабли, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлигини тавсия этамиз.

Тохир ХАМИДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.ф.д.,

Махмуд КАРИМОВ,

Оққўргон ИТС илмий ишлар ва инновация

бўйича директор ўринбосари,

Азатбай КАМАЛОВ,

қ.х.ф.н., доцент.

1. Усимликларнинг 50% униб чиқиши навлар

АДАБИЁТЛАР

1. Темирязев К.А. “Земледелия и физиология растения”. Гос. Издательство хозяйственная литература. Москва 1950.
2. Вильямс В.Р. – Почвоведение, земледелие с основами почвоведения. Гос. Издательство колхозной и совхозной литературы «Сельхоз» изд. Москва 1936 г.
3. Рамазанов О, Холмирзаева М. – Дәхқончилиқда сув танқислиги муаммоси ва ечими. “АгроВИДЖАТ” журнали, №1, 2008 й.
4. Дорофеев В.М. – Влияние условий среды на свойства и признаки растений хлопчатника. Труды союзНИХИ. Ташкент 1965 г.

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИДА БАРГ САТҲИ ШАКЛЛАНИШИГА УРУҒЛАРНИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: Кузги буғдой етиштиришида барг сатҳининг шаклланишини таъминлаша етиштириши агротехник элементларига уруғ экиси меъёри ва экиси муддатларига эътибор бериш лозим.

Аннотация: Для обеспечения формирования листовой поверхности при возделывании озимой пшеницы необходимо обращать внимание на агротехнические элементы возделывания, нормы высева семян и сроки посева.

Annotation: To ensure the formation of the leaf surface during the cultivation of winter wheat, it is necessary to pay attention to the agrotechnical elements of cultivation, seeding rates and sowing dates.

Дунёда буғдой экспорт қиласидан 6 та етакчи давлат бўлиб, булар Россия, Канада, АҚШ, Австралия, Украина, Европа Иттифоқи ҳисобланади. Россия буғдой экспорти бўйича дунёда 1-уринда туради. Ушбу давлатларда бугунги кунда юқори ва сифатли дон ҳосили олишида мақбул муддат ва меъёрларда йўл қўйилган камчиликлар туфайли салбий натижалар кўзга ташланмоқда.

Илмий адабиётлардан маълумки, ўсимлиқда барглар юзасининг ортиб бориши билан барг индекси 4, 5 га етганда бир гектарда 40,50 минг м² барг юзаси ҳосил бўлади ва ФАРнинг барглар томонидан ютилиши максимал даражага 75-80% ёки умумий радиациянинг 40% ига етади. Барглар юзасининг янада ошиши ФАР ютилишини оширмайди. [2].

Ўсимлик азотли ўғит билан озиқлантирилганида яхши ҳосилдор поялар ҳосил қиласиди, барг сатҳи катта бўлади, фотосинтез жараёни жадал кечади, ўсимлик яхши ривожланади, бошоқларида бошоқчалар сони кўп бўлади [5].

Юқорида келтирилган шарҳлардан кўриш мумкинки, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг барг сатҳи етиштириши агротехнологияларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. 2015-2017 йиллар давомида олиб борган тадқиқотларимизда ҳам юқорида келтирилган фикрлар яна бир бор ўз исботини топиб, кузги буғдойнинг барг сатҳига уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири сезиларли бўлганилиги кузатилди.

Жумладан, кузги буғдойнинг “Давр” нави уруғлари экиси муддатлари ва уруғ экиси меъёрлари бўйича варианtlар кесимида кузги буғдой барг сатҳининг шаклланиш даражаси ўрганиб чиқилганида, уруғлар 1 ва 15 октябр муддатларида

гектарига 4,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4-7 вариантларда, уруғлар 15 сентябрь муддатида гектарига 4,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан майсалаш фазасида 342,8-682,2 м²/га, туплаш фазасида 1220,4-2223,8 м²/га, найчалаш фазасида 1583,6-4549,0 м²/га, бошоқлаш фазасида 1576,5-5476,8 м²/га, гуллаш фазасида 1894,2-6429,4 м²/га, пишиш фазасининг мум пишиш даврида 1368,5-4622,7 м²/га камайганлиги аниқланган бўлса, гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5-8 вариантларда барг сатҳи 15 сентябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-вариантга нисбатан майсалаш фазасида 450,8-840,7 м²/га, туплаш фазасида 1382,8-2420,5 м²/га, найчалаш фазасида 1708,2-4805,2 м²/га, бошоқлаш фазасида 1778,6-5937,1 м²/га, гуллаш фазасида 2075,8-6876,9 м²/га, пишиш фазасининг мум пишиш даврида 1410,3-4828,7 м²/га, гектарига 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 6-9 вариантларда барг сатҳи 15 сентябрь муддатида гектарига 6,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 3-вариантга нисбатан майсалаш фазасида 485,8-1017,6 м²/га, туплаш фазасида 1541,9-3107,9 м²/га, найчалаш фазасида 2145,4-5765,8 м²/га, бошоқлаш фазасида 2014,0-7934,3 м²/га, гуллаш фазасида 2372,6-9256,6 м²/га, пишиш фазасининг мум пишиш даврида 1525,2-6441,8 м²/га гача кам бўлганилиги кузатилди.

Кузги буғдойнинг “Звезда” нави уруғлари 15 сентябрь, 1 октябрь ва 15 октябрь муддатларида экилган варианtlарда парвариш қилинган кузги буғдой ўсимликларининг барг сатҳи ўрганилганида, уруғлар 1 ва 15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн. дона унувчан

Кузги буғдой навларининг барг сатҳига уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

№	Кузги буғдой навлари	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, млн. дона/га	1 га майдондаги барг сатҳи, м ²					
				Майсалаш	Туплаш	Найчалаш	Бошоклаш	Гуллаш	Пишиш (мум пишиш)
1	Давр	15 сентябрь	4,0	5256,0	17283,5	35222,4	48814,3	56956,4	40125,1
2			5,0	6062,3	19989,9	39612,7	55217,0	64394,6	44809,6
3			6,0	6850,6	22598,8	43381,6	60485,9	70497,7	48260,3
4		1 октябрь	4,0	4913,2	16063,1	33638,8	47237,8	55062,2	38756,6
5			5,0	5611,5	18607,1	37904,5	53438,4	62318,8	43399,3
6			6,0	6364,8	21056,9	41236,2	58471,9	68125,1	46735,1
7		15 октября	4,0	4573,8	15059,7	30673,4	43337,5	50527,0	35502,4
8			5,0	5221,6	17569,4	34807,5	49279,9	57517,7	39980,9
9			6,0	5833,0	19490,9	37615,8	52551,6	61241,1	41818,5
10	Звезда	15 сентябрь	4,0	5093,9	15861,4	32193,5	43435,4	50518,9	35108,7
11			5,0	5875,1	18328,4	37451,7	50575,5	58493,7	40563,0
12			6,0	6650,8	20768,7	40870,6	56356,9	64918,5	44613,8
13		1 октября	4,0	4634,2	14414,4	30925,4	41568,9	48234,0	33576,9
14			5,0	5386,9	16845,9	34593,3	49578,0	57113,3	39874,4
15			6,0	6058,3	18951,5	38883,1	54743,5	62891,5	43429,3
16		15 октября	4,0	4361,9	13604,2	28562,1	38301,8	44435,1	30842,5
17			5,0	5040,5	15843,1	32215,2	45089,6	52040,0	36075,6
18			6,0	5570,7	17495,9	34974,6	49091,9	56319,2	38790,1

уроф ҳисобида экилган 13-16 вариантларда барг сатҳи 15 сентябрь муддатида гектарига 4,0 млн. дона унувчан уроғ ҳисобида экилган 10-вариантга нисбатан майсалаш фазасида 459,7-732,0 м²/га, туплаш фазасида 1447,0-2257,2 м²/га, найчалаш фазасида 1268,1-3631,4 м²/га, бошоқлаш фазасида 1866,5-1613,4 м²/га, гуллаш фазасида 2284,9-6083,8 м²/га, пишиш фазасининг мум пишиш даврида 1531,8-4266,2 м²/га кам бўлганлиги кузатилган бўлса, гектарига 5,0 млн. дона унувчан уроғ ҳисобида экилган 14-17 вариантларда барг сатҳи 15 сентябрь муддатида гектарига 5,0 млн. дона унувчан уроғ ҳисобида экилган 11-вариант фазасининг мум пишиш даврида 688,6-4487,4 м²/га, гектарига 6,0 млн. дона унувчан уроғ ҳисобида экилган 15-18 вариантларда барг сатҳи 15 сентябрь муддатида гектарига 6,0 млн. дона унувчан уроғ ҳисобида экилган 12-вариантга

нисбатан майсалаш фазасида 592,5-1080,1 м²/га, туплаш фазасида 1817,2-3272,8 м²/га, найчалаш фазасида 1987,5-5896,0 м²/га, бошоқлаш фазасида 1613,4-7265,0 м²/га, гуллаш фазасида 2027,0-8599,3 м²/га, пишиш фазасининг мум пишиш даврида эса 1184,5-5823,7 м²/га гача кам бўлганлиги қайд этилди.

Тажриба вариантларидан олинган натижалардан кўриш мумкинки, кузги буғдой навлари барг сатҳининг шаклланишига экиш муддатлари ва уроғ экиш меъёрларининг таъсири сезиларли таъсир кўрсатиб, экиш муддатларининг кечикириб борилиши натижасида барча уроғ экиш меъёрларида бир хил қонуниятлар сақлангани ҳолда барг сатҳи камайиб борганлиги кузатилди.

Илхомжон АДАШЕВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Захаров П.Я., Беленков А.И., Крейс В.А., Журкович О.А. "Влияние основных обработок южных почв на урожайность зерновых и отдельные факторы плодородия" // Ж. Зерновое хозяйство. Москва, 2005. №5. С. 31-33.
2. Зиядуллаев, Аманов О, Файзуллаев А. "Турли иқлим шароитларининг юмшоқ буғдой доңидаги клейковина миқдорига таъсири". "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали. 2021 йил, №3. Б. 38-39.
3. Иминов А., Холиков Б. Такрорий экинлар ҳамда кузги буғдой экиш меъёрларининг кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги ва дон ҳосилдорлиги. //ЎзПТИ. Ғұза ва буғдойнинг парваришилаш агротехнологияларини такомиллаштириш. Тошкент, 2003. - 133-135-бет.

ЯСМИҚ НАВЛАРИДА ВА ҲОСИЛДОРЛИК СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНИНИНГ БОРИШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ўибу мақолада ясмиқни алювиалл тупрокда ўсиши ва ривожланиши, навларида борадиган фотосинтез жараёни ва унинг дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. Навларда фотосинтез жараёни экиш меъёри ва туп сонига боғлиқ ҳолда бориши ва ҳосилдорликни ошишига олиб келганлиги аниқланган.

Аннотация. В статье описаны результаты исследований, проведенных в условиях алювиальных почв. В исследованиях определяли количество ветвей, бобов, густоту стояния сортов чечевицы, а также влияние густоты стояния и разных доз минеральных удобрений на фотосинтетический процесс и урожай зерна.

Ясмиқ навларни ҳосилдорлигини белгилашда асосий кўрсаткич, албатта, фотосинтез маҳсулдорлиги хисобланади, бу борада физиолог олимлардан, А.А. Ничипорович ўсимликлардаги фотосинтетик маҳсулдорлик ва фотосинтетик потенциални боришини ўрганган. Аммо ясмиқнинг фотосинтетик маҳсулдорлиги мутлақо ўрганилмаган, шунинг ривожланиш даврида физиологик жараёнларни боришига жиддий эътибор берилди. Ясмиқ навларида ўсув даврини узун ёки қисқалиги, ён шохлар ҳосил қилиши, бўйининг узун қисқалиги, ёруғлик режимининг ўзгариши каби омиллар ўсимлиқда борадиган фотосинтетик маҳсулдорликка таъсир кўрсатади.

Ясмиқ навларига турли хил маъданли ўғитлар кўлланилганда соф фотосинтетик маҳсулдорлигини ўзгариши ривожланиш фазаларига, йилнинг фаслларига, агротехник тадбирларнинг боришига қараб ҳам ўзгариб боради. Соф фотосинтез маҳсулдорлиги ясмиқда маъданли ўғитлар кўлланиши ва уларда ҳосил бўлган ва нисбатан фарқ қилган барг сатҳи индекси билан боғлиқ бўлди, [4], [5], [2].


Аммо маъданли ўғитлар миқдорини ошириш ва экиш меъёридаги ўзгаришлар ясмиқ навларида фотосинтез маҳсулдорлигини ошишига олиб келиши аниқланди. Соф фотосинтез маҳсулдорлиги ҳар иккала ясмиқ навида ҳам фосфорли ўғит меъёрини 80 кг га етказганида янада ошиши кузатилди. Бу хақда N, P, K ва

микроэлементлар берилганда фотосинтез маҳсулдорлиги ошиши кузатилди деган холосага келади ([3]).

Бизни олган маълумотларимизга кўра, ясмиқ навларида соф фотосинтез маҳсулдорлиги туп сони оширганимизда экиш меъёри юқори бўлишига қараб ўзгариб борди ёки Сарбон навида 2,6 г/м²/суткани ташкил қилди. Биз бу тажрибани яхши ўрганиш учун ясмиқни Сарбон ва Дармон навларни 3 хил экиш қалинлигига ёки туп сони миқдорини ҳар хил ҳолатда ўргандик. Маълум бўлишича туп сони қалин бўлганда фотосинтез маҳсулдорлиги камайиб борди. Биз кичик майдонда ясмиқ навларни 1 млн дона, 1,5 млн дона ва 2 млн. дона миқдорда экиб ўргандик.

1-диаграмма.

Сарбон навида ғунчалаш фазасида фотосинтез маҳсулдорлигига маъданли ўғитлар ва экиш меъёрининг таъсири, ўртача уч йиллик. (г/м²/сутка)



Ушбу диаграммадан маълум бўлишича, ясмиқда фотосинтез жараёнининг боришига маъданли ўғитлар туп сонининг таъсири яқол сезилди, масалан назорат вариантда бир гектар майди-

донга 1 млн дона ясмиқни "Сарбон" нави уруғи сепилганды соф фотосинтез маҳсулдорлиги 2,4 г/м²/сутка бўлди. "Сарбон" нави уруғларини ярим миллион донага кўпайтириб маъданли ўғитларни турли меъёларда қулланилганда фотосинтез маҳсулдорлиги ижобий томонга ўзгарганилиги маълум бўлди. Бир гектарга 1,5 млн дона уруғ ташланниб фосфорли ўғитни 40 кг берилганда фотосинтез маҳсулдорлиги 3,1 г/м²/суткани ташкил қилди ёки 0,5 г/м²/уткага кўпайганлиги маълум бўлди.

Экиш меъёрини 1,5 млн донага етказиб, маъданли ўғитлар миқдори оширилмаганда ҳам фотосинтез маҳсулдорлиги 3,6 г/м²/суткага ошди, аммо экиш меъёри 2 млн донага оширилганда фотосинтез маҳсулдорлиги ошмади, балки камайиб борди ва бу кўрсаткич 3,4 г/м²/суткани ташкил қилди. Ясмиқнинг "Сарбон" нави учун энг мақбул экиш меъёри бир гектарга 1,5 млн дона уруғ миқдори бўлиб хисобланди. Чунки ана шу меъёрда ясмиқ навларида фотосинтез маҳсулдорлиги юқори эканлиги тажрибаларда исботланди. 1,5 млн дона уруғ ташланган вариантда, фотосинтез маҳсулдорлиги 2,0 млн донага қараганда 0,9 % га юқори эканлиги маълум бўлди. 2 млн дона уруғ ташланган вариантда маҳсулдорлик 3,3 г/м²/суткага ошди. Демак ясмиқ навларида фотосинтез жараёнининг интенсив бориши учун бир гектарга 1,5 млн дона ясмиқ уруғларини экиш энг мақбул вариант хисобланади.

Ясмиқ навларида фотосинтез маҳсулдорлигин самарали бориши учун уни маъданли озуқалар билан талаб даражасида озиқлантириш ўсимликда маҳсулдорликнинг ошиши ва биомассанинг түпланишига олиб келади, деб хисоблашади, [1]; [6] каби олимлар. Экиш меъёри ва маъданли ўғитлар меъёрига қараб "Дармон" навида фотосинтез маҳсулдорлиги ўзгариб борди. Назорат вариантда соф фотосинтез маҳсулдорлиги экиш меъёрига қараб 1 млн дона уруғ ташланганда 2,2 г/м²/сутка ни ташкил қилди, 1,5 млн дона уруғ ташланган вариантда ҳам 2,2 г/м²/сутка ва 2 млн дона уруғ экилганда фотосинтез маҳсулдорлиги 2,1

г/м²/суткани ташкил қилди.


Кейинги вариантларда олинган натижалар маъданли ўғитларнинг таъсири мавжуд эканлигини кўрсатди. Масалан фақатгина фосфорли ўғитни 40 кг миқдорда берилганда "Дармон" навида фотосинтез маҳсулдорлиги 1 млн дона ясмиқ уруғи ташланган вариантда соф фотосинтез маҳсулдорлиги 0,6 г/м²/суткага юқори бўлди, гектарига 1,5 млн дона "Дармон" навини уруғи экилган майдонларда фотосинтез маҳсулдорлиги 0,7 г/м²/суткага ва 2 млн дона уруғ ташлангага фарқ 0,8 г/м²/суткага ошганлигини маълум бўлди.

Бир гектарга 1,0 млн дона ясмиқни "Дармон" навини уруғи ташланганда бир туп ўсимликда назорат вариантда туп сони ҳосилни йигиб олиш олдидан ўрганилганда сақланиб қолган ўсимликлар сони 977 минг донани ташкил қилди. Экиш меъёри 1,5 млн туп бўлган вариантларда сақланиб қолган туп сони 1,323 минг дона эканлигини кўриш мумкин.

Фақатгина гектарга 2 млн дона уруғ ташланган вариантларда сақланиб қолган ўсимликлар сони 1,348 минг дона ёки деярли 652 минг туп ясмиқ тупи сақланиб қолмаганлиги аниқланди. Чунки ясмиқ поялари зич экилганганда нозиклашиб тез синиб кетиши, баъзан пояларни ерга тегиб турган қисми эса чириб нобуд булиши кузатилди. Ўрганишларда маълум бўлишича, "Дармон" навида дуккаклар сони барча вариантларда "Сарбон" навига қараганда камроқ эканлиги аниқланди. Жадвал маълумотларига қараганда "Дармон" навида ҳам ёншохларда хосил бўлган дуккаклар сони "Сарбон" навига ўҳшаб кўп эканилиги аниқ бўлди, чунки ясмиқни ботаник

2-диаграмма.

"Дармон" навида ғунчалаш фазасида соф фотосинтез маҳсулдорлигига маъданли ўғитлар ва экиш меъёрининг таъсири. (г/м²/сутка)



тузилиши барча навларда бир хил қонуниятни тақрорлади.

Дармон навида 1,0 млн күчтөн экилган варианта да ён шохлардаги дуккаклар сони умумий дуккакларнинг ярми ташкил қилган. Аммо камроқ қисмини ташкил қилиши ҳам кузатилди. Масалан, гектарга 2,0 млн туп ясмиқ уруғи экилган варианта да умумий дуккак сони назорат варианта 15,1 та бўлса, шундан ён шохларда 7,2 дона дуккак ҳосил бўлган. Зич экилган варианта да барча тажриба пайкалларида дуккаклар кўпроқ поядга жойлашганилиги аниқланди. Ясмиқнинг Дармон навининг гектарига 1,5 млн туп ясмиқ уруғи экилган варианта да 1 туп ўсимлигига уруғ вазни назорат варианта 1,77 г бўлса, энг мақбул хисобланган варианта эса 2,89 г эканлиги кузатилди. Ўртадаги фарқ 1,12 граммни ташкил қилди. Албатта барча ясмиқ тупларидан бундай катта фарқ бўлмайди, биз кузатувга олган ўсимликларимизда олинган натижалар шундай маълумотни берди. Демак, ясмиқ навларини туп сони қалин ёки сийрак бўлиши ҳамда ўғит меъёри ўз навбатида ясмиқ уруғининг вазнига таъсир кўрсатади.

Маъданли ўғитлар кўллашнинг ясмиқ навлари ҳосилдорлигига таъсири олиб борган кузатишларда сезиларли таъсири аниқланди. Ўртacha уч йилги тажрибалардан олинган “Дармон” навининг ҳосилдорлиги гектарига 1,0 млн дона уруғ ташланиб назорат варианта да энг кам бўлиб ҳосилдорлиги 15,41 ц/га ни ташкил қилди гектарига 40 кг фосфорли ўғит солинганда ясмиқнинг дона ҳосилдорлиги бир мунча ошганлиги маълум

бўлди, чунки фосфорли ўғит доннинг шаклла-нишда муҳим аҳамият касб этди ва дон ҳосили 17,84 бўлди. Фосфорли ўғитни меъерини 80 ва калийли ўғитни 50 миқдорда берилган олинган дон ҳосили энг юқори бўлди ёки 22,34 ц/га ташкил қилди. Худди Сарбон навига ўхшаб Дармон навида маъданли ўғитлар меъерининг ошиб бориши дон ҳосилдорлигининг ошишига олиб келмаганлиги маълум бўлди.

Экиш меъёри 2,0 млн дона бўлганда ҳосилдорлик назорат варианта 16,01 ц/ни ташкил қилди. Фосфорли ўғитлар меъерининг маълум миқдоргача ошиб бориши ясмиқни Дармон навида дон ҳосилдорлигини юқори бўлишига олиб келди. Аммо гектарига 100 кг. дан фосфор берилганда ясмиқ тўлиқ ўзлаштирилмай қолганлиги туфайли дон ҳосилдорлига ошмади. Экиш меъёри жуда камайтирилганда ҳосил бошқа вариантларга нисбатан камайганланлиги кўриниб турибди. Экиш меъерини мақбул нисбати гектарига 1,5 дона ясмиқ уруғларни ташланиши хисобланади. Олиб борган тажрибаларидан энг юқори миқдорда ясмиқ дона ҳосилдорлиги 1,5млн дона уруғ экилганда бўлди. Энг юқори экиш меъёрида гектарга 2,0 млн дона уруғ экилганда ҳосил 7,1 % га камайганлиги аниқланган.

Хулоса. Демак, ясмиқ навлари учун энг кулаги экиш меъёри гектарига 1,5 дона уруғ ташланиши ва 80 кг фосфорли ўғит берилганда энг мақбул вариант хисобланди, чунки ушбу вариантларда дон ҳосилдорлиги юқори хисобланди.

Нафиса ЗАРИБОВА,
Урганч давлат университети докторантни.

АДАБИЁТЛАР

1. Бугай И. С., Нетрадиционные компоненты комбикормов / И. С. Бугай, С. И. Кононенко// Известия Горского государственного аграрного университета. – 2012. – Т. 49 № 1-2. – С. 137–139.
2. Галда, Д. Е. Урожайность и качество зерна сортов чечевицы в зависимости от определения норм минеральных удобрений на черноземе выщелоченном / Д. Е. Галда, А. Н. Есаулко// Вестник АГК Ставрополья. – 2017. – № 4 (28). – С. 88–91.
3. Дмитриева, Е. А. Морфологические особенности растений чечевицы обыкновенной у разных по продуктивности сортов. // Актуальность идей В. Н. Хитрова в исследовании биоразнообразия России. – Орел, 2014. – С. 221–226.
4. Михов М.И. Влияние засухи на продуктивность чечевицы // Реферат, журнал «Зернобобовые культуры». — 2008. №10. — С.8, 22.
5. Ничипорович А.А Фотосинтез и вопросы продуктивности растений. Текст. / А.А. Ничипорович. АНСССР, 1963. - С. 38.1963,
6. Пимонов К. И., Шелудяков А. Ф., Лопаева Н. В. Удобрение чины посевной на черноземе обыкновенном в зоне неустойчивого увлажнения / К. И. Пимонов, А. Ф. Шелудяков, Н. В. Лопаева// Зерновое хозяйство России. – 2012. – № 2. – С. 65-73. 118.

“ИЗОБИЛЬНАЯ” ВА “АРОМАТНАЯ” БЕҲИ НАВЛАРИНИНГ МАКРО- ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ТАРКИБИ

Аннотация: Мақолада беҳининг “Изобильная” ва “Ароматная” навлари мевасининг таркибида макро ва микроэлементларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотнинг натижалари келтирилган.

Аннотация: В статье приведены результаты экспериментальных исследований по определению макро- и микроэлементов в плодах айвы помологических сортов “Изобильная” и “Ароматная”.

Annotation: The article presents the results of experimental studies on the determination of macro- and micronutrients, of quince fruits of which are varieties “Izobilnaya” and “Aromatnaya”.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг табиий иқлим шароити мева ва сабзавотларни етишитириш учун жуда қулай ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда етиширилган ширин-шакар меваларимиз аҳоли рационини бойитишда муҳим ўрин тутади. Айнан шу борада уруғли мевалар гурӯҳига кирувчи беҳи мевасининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Беҳи меваси яхши сақланувчанлиги ва ундан тайёрланадиган консерва маҳсулотлари юқори биологик қийматга эга эканлиги билан алоҳида дикқатга сазовордир. Халқ табобатида ҳам беҳи мевасидан кўп касалликларни даволашда қўлланилиб келинган. Шу асосда биз беҳи мевасининг “Ароматная” ва “Изобильная” навларининг биологик қиймати, хусусан, макро- ва микроэлементтар таркибини ўрганишни асосий вазифа қилиб олдик.

Тадқиқот обьекти ва усуллари. Тадқиқот обьекти сифатида беҳи мевасининг республикамизнинг Сурхондарё вилоятида районлаштирилган “Изобильная” ва “Ароматная” навларини олдик. Беҳи меваси таркибида макро- ва микроэлементлар миқдорини Ўзбекистон Фанлар Академияси нинг Биоорганик кимё институти

1-жадвал.

Беҳининг “Изобильная” ва “Ароматная” помологик навлари мевасининг макро- ва микроэлементлар таркиби бўйича тавсифи (2022 йил)

Т/р	Макро- ва микроэлементлар	Помологик навлар	
		“Изобильная”	“Ароматная”
Макроэлементлар, мг/100 г			
1.	Са (Кальций)	170,115	224,95
2.	К (Калий)	66,03	79,48
3.	S (Олтингугурт)	20,08	26,51
4.	Fe (Темир)	8,95	12,79
5.	Na (Натрий)	5,56	6,52
6.	Si (Кремний)	5,06	6,53
7.	В (Бор)	0,85	0,61
8.	Al (Алюминий)	0,61	1,02
Микроэлементлар мг/100г			
9.	Ва (Барий)	36,0	44,3
10.	Sr (Стронций)	99,1	143,6
11.	Ti (Титан)	131,4	134,5
12.	Cr (Хром)	51,8	60,9
13.	Cu (Мис)	44,7	53,4
14.	Zn (Рух)	115,7	177,7
15.	Sn (Қалай)	34,9	54,0
16.	Ga (Галлий)	2,0	2,4
17.	Mo (Молибден)	3,9	4,3
18.	Zr (Сирконий)	3,9	6,4
19.	Rb (Рубидий)	25,4	23,9
20.	Se (Селен)	9,4	14,2
21.	Co (Кобалт)	1,5	2,1
22.	Mn (Марганес)	1,5	2,1
23.	Ni (Никел)	16,4	20,0

лабораториясида атом-абсорбция усули билан “Сатурн” спектрофотометрида аниқладик.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Маълумки, бугунги кунда соғлом турмуш тарзига риоя қилишнинг муҳим шартларидан бири, таркиби микроэлементларга бой, мувозанатлашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига эришиш ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда “Аҳоли ўртасида микроэлементлар етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, бугунги кунда унинг ижроси таъминланмоқда (1).

1-жадвалда беҳининг “Изобильная” ва “Ароматная” навлари меваси таркибидаги макро- ва микроэлементлар миқдори бўйича маълумотлар келтирилди.

Бу жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат беради, беҳи мевасининг ўрганилган “Изобильная” ва “Ароматная” навлари макро- ва микроэлементтар таркиби бўйича бир-биридан маълум даражада фарқ қиласди. Тадқиқот натижалари “Изобильная” на- вининг “Ароматная” навига қараганда макро- ва микроэлементларга бой эканлигини кўрсатади. Масалан, темир моддасининг миқдори беҳининг “Изобильная” навида 8,95 мг% ни ташкил этса,

бу кўрсаткич “Ароматная” навида 12,75 мг% ни ташкил этади. Натижаларни “Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби” маълумотномасида (2) беҳи меваси бўйича келтирилган кўрсаткичлар билан тақосласак, Ўзбекистонда етиширилган беҳи мевалари таркибида кальций, натрий, темир миқдори бирмунча кўп эканлигини кўрамиз.

Шунингдек, тадқиқот натижалари беҳи меваси инсон организми учун селен, молибден, цирконий, кобальт, титан, хром каби ноёб микроэлементларнинг ҳам қўшимча манбаи була олишини кўрсатади.

Хуоса қилиб айтганда, беҳи меваларининг помологик навлари минерал элементлар таркиби бўйича маълум даражада фарқ қилас-да, улар инсон организми учун макроэлементлар ва кўрсатиб ўтилган ноёб микроэлементларнинг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бобур ҲАЙДАРОВ, магистрант,
Шаҳноза ПАРДАЕВА, магистрант,
Абдуқодир МАДИЕВ, магистрант,
Тошкент давлат аграр университети
Самарқанд филиали,
Рўзибай НОРМАХМАТОВ, т.ф.д., профессор,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент-лар етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонун. 7 июнь 2010 йил.
2. Химический состав пищевых продуктов. (Справочник). Книга 1.
3. Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов. М.: ВО “Агропромиздат”, 1987, с. 71.

УУТ: 664.854:634.222

ТАДҚИҚОТ

ОЛХЎРИ МЕВАЛАРИНИ ПЛЁНКА ОСТИДА ҚУРИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. В статье даны результаты сушки плодов сливы в пленочных сооружениях. Сушка под полиэтиленовой пленкой дает больше выхода сушеной продукции высокого качества.

Annotation. The article presents the results of drying plums in film structures. Drying under a plastic film gives a higher yield of high quality dried products.

Меваларни қуритиш – бу уларнинг “умрини узайтириш” демақдир. Дехқончилик маданиятининг шаклланишигача одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш билан биргаликда ҳўл емакларни қуритиш ҳисобига уларнинг ис-

теъмолга яроқлилик муддатини узайтиришга эришишган. Шу билан бирга, ҳозирги кунда ҳам қуритилган маҳсулотларни олиш, уларни иқтисодий самарали усууллар асосида ишлаб чиқариш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Мевали ўсимликлар орасида олхўри алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, қутилигдан меваларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Қутилигдан меваларнинг ютуғи бу уларнинг ишлаб чиқарилиш жараёнининг мураккаб бўлмаганлиги, қутилигдан меваларни ташиш ва сақлашнинг қулайлиги, таркибида осон ҳазм бўлувчи қандлар, азот моддалари, органик кислоталар, пектин ва минерал тузлар мавжудлиги билан изоҳланади. Қутилигдан мевалар янги узилган мева ва резаворларнинг органолептик сифатларини яхши сақлаб қолади. Олхўри мевалари орасида қутилигдан маҳсулот олиш учун қўйидаги навлар тавсия қилинади: "Венгерка итальянская", "Венгерка домашняя", "Венгерка фиолетовая", "Венгерка ажанская", "Венгерка обыкновенная", "Венгерка крупная сладкая", "Венгерка юбилейная", "Легенда", "Ренклод Альтана", "Чернослив Самаркандинский", "Чернослив поздний Чимкентский" ва бошқалар [1]. Тадқиқотчилардан Т.А.Санникованинг [2] фикрича, Астрахань области шароитида олхўрини офтоби қутилишга 4-12 сутка кетса, қутилигдан маҳсулот чиқими 14,6-30% гача етади. Қутилигдан олхўри мевалари янги узилганларидан қолишмайди, баъзан эса улардан ўтади.

Юқорида таъкидланганидек, олхўри меваларини қутилиш ҳисобига нафақат фойдали

ва мазали озиқ-овқат маҳсулоти олинади, балки қутилиш эвазига ундан қўшимча қўймат ҳосил қиласидиган маҳсулот тайёрланади. Ушбу маҳсулотни тайёрлашда сарф-харажатларни қисқартириш муҳим роль йўнайди. Бунда олхўри меваларини энергия тежовчи технологияларни кўллаган ҳолда қутилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимизда айнан шундай усуслдан, яъни олхўри меваларини плёнкали иншоотда қутилишдан иборат бўлди.

Олхўри меваларини плёнка остида қутилиш Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг "Мева ва узумни сақлаш ва қайта ишлаш" бўлимида "Ноанъанавий хомашё ва сабзавотлардан цукат тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш" ёшлар амалий лойиҳаси доирасида 2021-2022 йилларда ўтказилди.

Тадқиқотда олхўри (*Prunus domestica*) турининг республикамизда кенг миқёсда етишириб келинаётган "Киргизский превосходный", "Исполинская" ва "Самаркандинский чернослив" навлари меваларидан фойдаланилди. Мевалар икки хил – бутунлигича данаги билан бирга ҳамда мевалари икки паллага бўлиниб, данаги олинган ҳолда қутилиди. Олхўри меваларини қутилиш барча томони полиэтилен плёнка билан беркитилган маҳсус металл конструкцияли уяда ўтказилди.

Жадвал.

Олхўри меваларини плёнка остида қутилиш (2021-2022 й).

Олхўри навлари номи	Қутилигдан маҳсулот чиқими, %	Қутилиш вакти, соат	Органолептик баҳоси, 5 баллик шкалада
Мевалар бутунлигича данаги билан бирга қутилиган			
Киргизский превосходный	22,3	265	4,2
Исполинская	23,2	300	4,4
Самаркандинский чернослив	25,4	255	4,5
Ўртacha	23,6	273,3	4,4
Мевалар икки паллага бўлиниб, данаги олинган ҳолда қутилиган			
Киргизский превосходный	20,2	120	4,0
Исполинская	22,1	145	4,3
Самаркандинский чернослив	24,6	125	4,4
Ўртacha	22,3	130,0	4,2

Олхўри меваларини полиэтилен плёнка остида қуритиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мевалар бутунлигича данаги билан бирга қуритилганда қуритилган маҳсулотнинг чиқими юқори бўлиши аниқланди. Шу билан бирга, қуритиш учун 2,1 марта кўпроқ вақт талаб қилинди. Навлар орасидаги фарқقا аҳамият қаратадиган бўлсақ, “Самаркандский чернослив” нави қуритилган маҳсулот чиқими 25,4% (мевалар бутунлигича қуритилган) ва 24,6% (мевалар икки паллага бўлиб қуритилган) ташкил қилган бўлиб, паст кўрсаткич Киргизский превосходний навида кузатилди. Бунда қуритиш вақти ҳам мос равиша 255 соатдан 300 соатгача бўлиб, икки паллага бўлинган меваларни қуритишда бу кўрсаткичлар 120-145 соатни ташкил қилган (жадвал).

Қуритилган олхўри меваларининг органолептик баҳоси “Самаркандский чернослив” навида 4,5 баллни ташкил қилган бўлса, бу учта навнинг ўртача кўрсаткичидан юқори деганидир. Худди шундай ҳолат мевалар икки паллага бўлиб

қуритилганда ҳам аниқланди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, олхўрининг учта нави мевалари плёнкали иншоотда қуритилганда, қуритилган маҳсулотлар чиқими юқорилиги мевалар бутунлигича қуритилганда аниқланган бўлса, қуритилган маҳсулот тайёрлаш вақти бўйича энг кам вақт икки паллага бўлинган меваларни қуритишга сарфланди. Қуритилган олхўри меваларининг органолептик баҳоси мевалар бутун ҳолида қуритилганда юқори бўлгани аниқланди. Ишлаб чиқариш учун олхўри меваларини энергиятежовчи плёнка остида қуритиш тавсия қилинади.

Нодир ДЖАЛИПОВ,

лойиҳа раҳбари,

Шуҳрат АХМЕДОВ,

булим бошлиғи,

Шаҳзод ФАНИЕВ,

таянч докторант,

Ҳасан НИЁЗОВ,

таянч докторант,

Академик М. Мирзаев номидаги БувавИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Максименко М.Г. Особенности производства сухофруктов / М.Г. Максименко, Д.И. Марцинкевич // Плодоводство: сборник научных трудов / РУП «Институт плодоводства». – Минск: Республиканское унитарное предприятие Издательский дом «Белорусская наука», 2021. – С. 227-238. – DOI 10.47612/0134-9759-2021-33-227-238. – EDN CASSSN.
2. Санникова Т.А. Сушка сливы и абрикоса в условиях Астраханской области / Т.А. Санникова, В.А. Мачулкина, Н.И. Антипенко // Аграрная Россия. – 2011. – №4. – С. 11-14. – EDN TMVGTR.

ТАДҚИҚОТ

МЕВАЛИ БОГЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ҚИШКИ ТАДБИРЛАР

Аннотация: Республикализнинг табиий иқлим шароитлари боддорчилукни ривожлантириши, улардан юқори сифатли ва мўл ҳосил олиш учун гоят қўлай. Етиширилаётган бу маҳсулотлар ўзининг сервитамилиги, ширалилиги ва тўйимлилиги билан инсон саломатлиги учун бебаҳо ҳисобланади. Бог ва токзорлардан муттасил мўл ва сифатли маҳсулот олиш учун уларнинг асосий заараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши ишларини доимий равиша ўtkазиш зарур бўлади.

Аннотация: Природно-климатические условия нашей республики очень благоприятны для развития садоводства, получения от них качественных и обильных урожаев. Эти культивируемые продукты бесценны для здоровья человека своей витаминностью, сочностью и питательностью. Для получения стабильно обильной и качественной продукции с садов и виноградников необходимо проводить непрерывную борьбу с их основными вредителями, болезнями и сорняками.

Annotation: The natural and climatic conditions of our republic are very favorable for the development of horticulture, obtaining high-quality and plentiful harvests from them. These cultivated products are invaluable for human health due to their vitamin content, juiciness and nutritional value. To obtain consistently plentiful and high-quality products from orchards and vineyards, it is necessary to carry out continuous control of their main pests, diseases and weeds.

Кириш. Боғ ва токзорларнинг асосий зааркунандалари ҳамда касалликла-рига қарши кураш чоралари ўз вақтида ўтказилмаган ҳолларда ўртача 35-40% ва ундан кўп ҳосил йўқотилади, маҳсулот си-фати пасайди.

Декабрь ойининг бошидан Ўзбекистон бўйича жуда совук об-ҳаво кузатилмоқда, бундай ҳаво ҳафта давомида сақланиб турди. Ҳарорат аномалияси Шимолий Еврооси-ёнинг деярли барча ҳудудларини эгаллаган жуда кучли антициклон билан боғлиқdir. Биринчи ўн кунлик ўртасига келиб, Республиканинг марказий ҳудудлари бўйича ҳаво ҳарорати кечалари 5-7°C совуққача, баъзи жойларда 10°C совуқгача, кундуз кунлари 3-5°C совуқгача пасайди. Декабрь ойида жуда совук об-ҳаво даврлари бизнинг ҳудудимизда аввал ҳам кузатилган. Ҳароратнинг бундай қийматларгача пасайиши билан совуқнинг қисқа муддатли тўлқинлари деярли ҳар йили қайд этилади. 2-3 йил ичida тахминан 1 марта сезиларли даражадаги совуқлар ҳам кузатилган. Сўнгги 25 йил ичida декабрь ойида ҳароратнинг 10-15°C совуққача пасайиши, баъзи жойларда эса ундан ҳам паст бўлиши Ўзбекистоннинг марказий ҳудудларида 2002, 2003, 2006, 2007, 2010, 2012, 2014 йилларда қайд этилган.

Уруғли мевали боғларда (олма, нок ва беҳи) зааркунандалардан олма меваҳўри, каналар (ўргимчаккана, қўнғирмева канаси, дўлана канаси), Калифорния, бинафшаранг ва бошқа қалқондорлар, шира битлари, куртак ва барг парвоналари, ғилофли, мина ҳосил қилувчи ва гирдак куялар, олма қандаласи, пўстлоқхўрлар ва бошқалар жиддий зарар етказиши мумкин.

Данакли мевали боғларда (ўрик, шафтоли, гилос, олхўри ва бошқ.) зааркунандалардан олма ва олхўри меваҳўри, қалқондорлар,

соҳта қалқондорлар, шира битлари, ўрик ва олча филчаси ва бошқалар ривожланади ҳамда катта зарар етказади.

Шундан келиб чиқиб, мевали боғларда ҳар йили давомли сифатли ҳосил олишга қаратилган агротехник-механик тадбирлардан бири бу – буташ, дараҳтларга тўғри декорация бериш, сийраклаштириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу механик тадбирлар ҳаво ҳарорати +5-6°C дан юқори бўлгандага бажарилади.

Ўтган декабрь-январь ойларида яхоб суви берилмаган ёки кам берилган бўлса, февраль ойида ҳар бир гектар боғга 2000 м³, камида 1 марта яхоб суви берилиши зарур ва бу жараён 3-4 кун давом этади. Яхоб суви билан сифатли суғорилган боғларда дараҳтларнинг асосий илдизлари жойлашган қисмлари 2 м чўкурликкача тўлиқ намланади ҳамда боғларда куртакларнинг уйғониши бирмунча кечикади, ўз навбатида, боғларда вегетация даврида сугориш микдори 2 марта гача қисқаради, яъни сув сарфи иқтисод қилинади.

Боғларда географик жойлашувидан келиб чиқиб, январь ойида бошланган шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишлари февраль ойида давом эттирилади.

Олма, нок, беҳи, ўрик, гилос ва олхўри дараҳтларининг кўпчилик навларига шакл беришда асосан сийраклашган ярусли, шафтолига косасимон шакл кўлланилади.

Умуман олганда, мевали дараҳт тўлиқ мевага кирган даврда навларига қараб 8-10 ёшгача ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва ҳосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Шундагина дараҳтлар ёш давридагига қараганда камроқ кесилади, факат кичик шоҳлар, ёруғликни тўсувчи шоҳлар олиб ташланади, алоҳида ўсан ва янги ташкил топган узун шоҳлар қисқартирилиб, мева

шохларига айлантирилади. Анча катта шохлар бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда кесилади.

Нок ҳам олма дараҳти сингари буталади. Кам шохланадиган, бироқ бир йиллик новдалари кучли ўсган ва ҳалқасимон шохчалари кўп бўлган навларда асосий шохлардаги новдалар қисқа-узунлигига қараб, ярмига ёки бир қисмига қисқартирилади. Кучли шохланадиган навларда ва мева берадиган дараҳтларда асосан шох-шабба буталиб сийраклаштирилади.

Томорқадаги нок дараҳтларига соф ҳолда 300-350 г. азотли, 250-3000 г фосфорли ва 200-250 г калийли ўғитлар солиш ва ҳар йилига ўртача 50-60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади. Нок ширинчасига қарши эрта баҳорда циперметрин асосли препаратлар, ушбу препаратлар бўлмагандан тамаки қайнатмасидан фойдаланиш мумкин.

Ургувевали боғларда шакл бериш, сийраклаштириш ва буташ ишлари тугаллангандан сўнг, данакли мевалиларга ўтилади. Бунда аввал ўрик, олхўри, гилос, олча ва шафтоли дараҳтлари буталади. Февраль ойининг охирни, март ойининг бошида боғларда мевали дараҳтлар танаси оқланади. Бунда 10 л. сувга 2 кг. оҳакка 1,5 кг. тупроқ аралаштирилиб, дараҳтларнинг танаси ва она шохларини оқлаш зарур.

Дараҳтлар буталиб, шакл берилгандан сўнг ҳаво ҳарорати +5°C дан юкори бўлганда, дараҳтлар куртак чиқармасдан олдин уруғ мевали дараҳтлар парша (қўтири) касаллигига (монилиоз куйиш) қарши 3% Бордо суюқлиги

ёки 5% ли ООҚ билан жиққа ҳўллаб ювилади. 10-12 кундан кейин пуркаш ишлари тақрорланади.

Боғларда суғориш иншоотларини тозалаш, минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларни жамғариш, ишлатиладиган техника ва механизмларни таъмирлаш ишларини якунлаш керак.

Ушбу тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши боғ-токзорлардан мўл ҳосил олишга пухта замин бўлади.

Юртимиэда боғлардан мўл ҳосил олишда йилнинг ҳар бир ойида амалга оширилиши лозим бўлган агротехник чора-тадбирларнинг аҳамияти бекиёс. Тажрибали боғбонларнинг декабрь ойида амалга ошириладиган ишлари ҳам анча. Жорий йилги мўл ҳосил учун ҳаракатни буғундан бошлаш зарур.

Хушвакт ШУКУРОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари,
Мадина РАҲМОНОВА,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси мудири,
Хуснида ЭРГАШОВА,
Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. А.Ш.Ҳамроев ва бошқалар. Боғ ва токзорларнинг зааркунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш тизими. «Фан» Ташкент 1995 й. 70 б.
2. С.И.Антонюк и другие. Вредители сельскохозяйственных культур и лесных насаждений. I-том. «Урожай». Киев 1987 г. С 200-204.
3. Энтомофаги вредителей сельскохозяйственных культур Узбекистана. «Фан». Ташкент 1980 г. С. 10-22.
4. Ҳужаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. – 103 б.
5. <https://agro-olam.uz/>
6. <http://centralasia.bioversityinternational>.
7. <https://aniq.uz/yangiliklar/>

ТОПИНАМБУР ИЛДИЗМЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Annotation. In this article, the author talks about the composition of the pear plant, which is considered useful for the human body, and the advanced work in this regard. There is no doubt that by growing, processing and applying this fruit product to the human body, it plays its main role in the normalization of blood, which acts as a catalyst for the human body.

Маълумки, қандли диабет касаллиги (қанд аралаш сийиш) касаллиги бўлиб, инсон организмининг эндокрин бези касаллиги ҳисобланиб, бунда организм меъдаости бези эндокрин қисми гармони инсулин етишмаслиги туфайли моддалар алмашинуви жараёни бузилишига сабаб пайдо бўладиган касалликдир. Мутахассислар фикрига кўра, инсон ҳаётий фаолияти учун ғоят зарур ҳисобланган энергиянинг катта қисми унинг организмидаги глюкоза моддасининг парчаланиши жараёнида ҳосил бўлади. Асаб бузилишлари, нотўғри овқатланиш, моддалар алмашинуви-нинг издан чиқиши ва бошқа омиллар сабабли инсон вужудидаги хужайралар глюкоза моддасини тўлиқ парчалаб, ўзлаштириб бера олмай қолади. Натижада, хужайралarda энергия, яъни куч-кувват етишмовчилиги келиб чиқади. Бироқ организм яшаш учун курашни давом эттиради. У модда алмашинувини қайта қуради. Холестерин, ёғ кислоталари триглицеридлар орқали ҳамда ёғ алмашинувининг бошқа моддалари - аминокислоталар энергия ҳосил қилувчи асосий манбалар бўлиб қолади. Ўзлаштирилмаган глюкоза ёғ алмашинуви озиқасига айланади. Бунинг оқибатида одам организмидаги ёғ кўпайиб, вазни ошади. Томирлар қисилиб торайиб қон айланиши мароми бузилади ва қуюлиб қолади. Ана шундай ҳолатлар қон босимининг кўтарилишига, қандли диабет юрак-қон томирлари билан боғлиқ бошқа касалликларга олиб келади[2].

Топинамбур (ер ноки) таркибидағи инсулин мураккаб углевод бўлиб, тузилишига кўра глюкозанинг полимери бўлмиш крахмал ва клетчаткага ўҳшаса-да, улардан фарқ қилиб, унинг 95% ини фруктоза ташкил қилади. Айни шу хусусияти туфайли қанд касаллигини даволашда жуда фойда беради. Чунки инсулин молекулалари ва клетчатка овқатланишда ҳосил бўладиган глюкозанинг қандга сўрилишига тўскенилик қилиб, қандда глюкоза кўлпайишини олдини олади. Ўз навбатида, қонда глюкозанинг камайиши, шунингдек, унинг таркибидағи кремний, рух ва

калий микроэлементлари ошқозон ости безининг ферменти - инсулин ишлаб чиқариш жараёнини яхшилади. Натижада, инсон организмининг ўзида табиий инсулин ҳосил бўлиши мароми тикланади ва тиббий усул укол қилиш йўли билан сунъий равища бундай моддани беришга бўлган талаб камайиб, айрим ҳолларда бунга эҳтиёж ҳам қолмайди. Бугун топинамбурнинг яна бир хусусияти – уни саноат миқёсида қўллаш асосида экологик тоза маҳсулот олиш ва катта иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин эканлиги аниқланди. Маълумки, Республика мизда целлюлоза ва унинг эфирларига ҳамда қофоз маҳсулотларга бўлган талаб йил сайн ошиб бормоқда. Эндилиқда топинамбур ўсимлигини яратилган технология асосида қайта ишлаб, турли саноат корхоналарининг целлюлозага бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларни тўла-кувватда ишлашни таъминлаш имконияти юзага келган. Мамлакатимизда топинамбур саноатининг салоҳияти беш йўналишда, яъни қишлоқ хужалиги ва агробизнес компоненти, озиқ-овқат саноати компоненти, фармацевтика-медицина компоненти, экология, биотехнология компоненти, целлюлоза-қофоз саноати компоненти йўналишларида илмий-инновацион фаолият сифатида олиб бўрилмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқларнинг топинамбур хомашёсига бўлган талаби кундан-кунга ошиб боришини ҳисобга олсан, топинамбурнинг илдиз мевасини йил мобайнида сақлаб, уларнинг истеъмол-чиларга етказиб берилишини таъминлашни ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб боришини талаб этади. 17-асрнинг ўрталарида Россияяда топинамбур етиштирила бошланди ва у доривор ўсимлик сифатида қабул қилинди. Бугунги кунда, аксар Европа мамлакатлари мисолида, бу фойдали сабзавотни етиштиришга кўпроқ интилиш бошланди. Маҳсулотнинг қайнатилган, қовурилган, салатлар, шўрвалар ва ҳатто, ичимликлар сифатида ишлаб чиқариш бўйича илғор ғоялар татбиқ қилинди. Кейинчалик

ундаги биологик фаол моддаларнинг бой таркиби ва янги қайта ишлаш технологияларидан, хусусан, қуритиш технологиясидан фойдаланиш туфайли, топинамбур озиқ-овқат саноатида пархез овқатланиш асоси ва ноёб шифобахш маҳсулотлар таркибидан ўрин олгани учун унинг сиру асрорлари очилди. Технологик ўзгаришлар шуни кўрсатдики, қуритилган нок концентрати кўп миқдорда углеводлар, витаминлар ва микро ва макроэлементларни ўз ичига олади, бу эса уни тиббиёт, косметика, биотехнология ва фармацевтика саноатида кўллашга даъват этади. Қуритиш турига ва якуний маҳсулот шаклига қараб, топинамбур инсулин ишлаб чиқариш учун хомашё, биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаларининг асоси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ёрдамчи компоненти эканлигини тасдиқлайди [3].

Топинамбур (ер ноки)нинг илдизлари дастлабки танлаш ва тайёрлашдан қуидагича ўтади: тозалаш ва кесиш. Кесимнинг ўлчами ва шакли қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётганига

боғлиқ - плиталар, планшитлар ёки кукун, баъзи ҳолларда, илдиз ўзининг асл яхлитлигини саклаб қолади. Маҳсулотни сувсизлантиришнинг биринчи босқичи 10-15°C иссиқлик даражасида маҳсус вакуум камераларида содир бўлади ва қуритиш технологияси умумий вактининг 2/3 қисмida давом этади. Бу вакт ичида маҳсулотдан 50% гача намлик чиқарилади. Кейинчалик, обьект қуритиш шкафига жойлаштирилади - юқори ҳароратга (+40°C дан +70°C даражагача) таъсир қилиш босқичи бошланади, бунда маҳсулот музлатилган маҳсулотнинг мавжуд бўлган боғланган намликларидан халос бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, топинамбур ўсимлиги инсон организмига нафақат тўйимлилиги учун, балки фойдали бўлгани учун ҳам истеъмол қилинади. Қоннинг тозаланиши ва тана саломатлигининг таъминоти ҳам у билан барқарор бўлади.

Худоёр АРАЛОВ, и.ф.н.,
Бахтиёр ЭРГАШЕВ, асистент,
Жizzax политехника институти.

АДАБИЁТЛАР

- Саломатлик энциклопедияси. Тошкент. "Матбуот" нашиёти. 1983 й. 506 бет.
- Ё.Х.Тўрақулов. "Биохимия". Тошкент. 1982 й. 262 бет.

UO'T: 633.51

TADQIQOT

XORAZM VILOYATINING SHO'RLANGAN TUPROQLARIDA G'O'ZANI TOMCHILATIB SUG'ORISH ISTIQBOLLARI

Аннотация: В данной статье рассматривается использование водосберегающей и ресурсосберегающей технологии для достижения экономии поливной воды и повышения урожайности хлопка на единицу площади за счет применения капельного орошения в условиях Хорезмской области.

Annotation: In this article, water-saving resource-saving technology of Khorezm region is used to obtain irrigation water and harvest a cotton crop by using drip irrigation method.

Korazm viloyatida sho'rlangan tuproqlarning meliorativ holatini yaxshilashda qayta sho'rلانish jarayonining oldini olish dolzarb masala bo'lub qolmoqda. Suv o'simlikning o'sib rivojlanishidagi eng muhim omillardan biri. Suv resurslarining yildan yilga kamayib borayotganligi natijasida chuchuk suv resurslariga bo'lган ehtiyoj kundan-kunga ortib bormoqda. Shu sababdan suvning qadriga yetib, undan oqilona foydalanish, sohaga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni keng joriy qilishni taqozo

etmoqda. Paxta xomashyosi yetishtirishda suv iste'molini boshqarish, dalalarda sувтежовчи usul va texnologiyalarni qo'llab, tuproq sathidagi suv sarfini kamaytirish, ya'ni sug'orishning tejamkor usullarini qo'llash zarur.

Tomchilatib sug'orish g'o'zaga yaxshi agroiqlim sharoitini yaratib beradi, sug'orish suvi tejadaladi, o'simliklar bir tekis namlanadi. Paxta hosildorligi egatlاب sug'orilgan maydonga nisbatan 5-10% ga ortadi. [4].

Tomchilatib sug'orishning afzalligi, suv resurslarni tejashi, dala tuprog'inining yuzi qotmaydi, natijada, dala dagi o'simlik qator oralariga ishlov berilmaydi. [3].

Tomchilatib sug'orish egatlab sug'orishga nisbatan nafaqat sug'orish suv isrofgarchiligining oldini oladi, balki paxta hosilining 7-9% ga oshishiga olib keladi. [5]

Sug'orish usullarini tahliliy va mantiqiy o'rganish hamda tizimli yondashuv natijasida eng yuqori suv tejaydigan va suvni to'g'ridan-to'g'ri ekinning ildiziga yetkazib beradigan tomchilatib sug'orish usulining maqbulligi aniqlandi. [2]

Hozirda Xorazm viloyatida g'o'zani egatlab (yer ustidan) sug'orish asosiy usul bo'lib turibdi. G'o'zani bu usulda sug'orish ortiqcha suv sarfi, ishchi kuchi, moddiy xarajatlar sarflanishi bilan birga sug'orilayotgan maydonlarda suv taralishi va ildiz tizimi joylashgan tuproq qatlaming bir tekis namlanishini ta'minlay olmayabdi va maydonda o'simliklarning notekis o'sib rivojlanishiga olib kelmoqda. Hozirgi suv tanqisligi sharoitida g'o'zani vegetatsiya davrida suv tejovchi texnologiyalarni joriy qilib, kam suv sarflab, yuqori hosil olish maqsadida tomchilatib sug'orish texnologiyasini qo'llashni maqsad qilib oldik.

Tomchilatib sug'orish texnologiyasini Xonqa tumanidagi "Diyorbek Jumaniyozov" fermer xo'jaligidagi g'o'za parvarishlanayotgan 4 hektarlik maydonda egatlab (yer ustidan) va 10 hektar maydonda tomchilatib sug'orish texnologiyasi qo'llanildi. Tajriba dalasi eskidan sug'orib kelinayotgan og'ir qumoq, yer osti sizot suvlari chuqurligi 0,85-0,90 sm o'racha sho'rangan maydonda olib borildi. Har ikkala tajriba dalasiga g'o'zaning "Xorazm-127" navi chigitib bir muddatda 60 x 20-1 sm sxemada ekildi. Tajribalar 2 variantda, 3 qaytariqda, barcha hisob-kitob, kuzatuv va tahlillar O'zPITI da qabul qilingan "Dala tajri-

balarini o'tkazish uslublari" (2007-yil) uslubnomasi asosida olib borildi.

Egatlab (tuproq ustidan) sug'orish 4 hektar, tomchilatib sug'orish 10 hektarlik maydonda o'tkazildi. Sug'orish oldidan tuproq namligi ko'satkichi tenziometr asbobida aniqlanib sug'orish amalga oshirildi. Sizot suvlari chuqurligi kuzatuv quduqlaridan olingan ma'lumotlar asosida nazorat qilib borildi.

Har ikkala tajriba dalasida sug'orish bir muddatda boshlandi. Egatlab (tuproq ustidan) sug'orish qo'llanilgan maydonda sug'orishlar soni 5marta. Sug'orishlar oralig'i 15,15,13,18 kunni tashkil qilib 1 hektar 4600 m³/ga suv sarflandi. Tomchilatib sug'orish texnologiyasida dala 12 marta har galgi sug'orish me'yori 218,6 m³/ga mavsumda 2622 m³/ga sug'orishlar oralig'i 6,6,6,8,5,6,6,7,6,7,6 kunni tashkil qildi. Sug'orish suvning tejalishi 1978 m³/ga yoki 43,0% ni tashkil qildi. Egatlab (yer ustidan) sug'orilganda har bir hektar maydondan 37 ts/ga, tomchilatib sug'orilgan maydondan 40,35 ts/ga yoki 8.3% oshdi.

Tomchilatib sug'orish texnologiyasi qo'llangan dala maydonining agroqlimi yaxshilanishi, o'simliklarni ildiz tizimi joylashgan qatlarning bir tekis namlanishi, ayniqsa, tuproq aeratsiyasining yaxshilanishi hisobiga har bir gektarga sarflanayotgan suv sarfi kamayishiga qaramay hosil oshdi.

Tajriba maydonida g'o'zani tomchilatib sug'orish usulini tizimli joriy qilinganligidan egatlab (yer ustidan) sug'orilgan usulga nisbatan har gektarga 1978 m³/ga suv kam saflanib, suv sarfi 43,0% ga tejaldi, paxta hosili 3,35 ts/ga yoki 8,3% ga oshdi.

Kamil DURDIYEV, q.x.f.n., dotsent,
Muzaffar BEKCHANOV, PhD., dotsent,
Maqsad MATYOQUBOV, o'qituvchi,
Firuza QADIROVA, magistr,
Urganch davlat universiteti.

ADABIYOTLAR

1. Abdug'aniyev M.M. Xamzayev F.Sh. Zamonaviy sug'orish usullarini taqqoslash "Qishloq xo'jaligining zamonaviy muammolari" mavzusidagi an'anaviy XVIII yosh olimlar, magistrantlar va iqtidorli talabalarning ilmiy-amaliy anjumani. Toshkent-2019 yil, 28-29-mart. 65-67-betlar.
2. Jo'rayev A.K., Jo'rayev U.A., Kodirov Z.Z., Do'stov J., Xusanboyeva N., Shukrullayev J.B. Suv tejamkor sug'orish texnologiyalarni qo'llash samaradorligi."Qishloq xo'jaligining zamonaviy muammolari" mavzusidagi an'anaviy XVIII yosh olimlar, magistrantlar va iqtidorli talabalarning ilmiy-amaliy anjumani. Tashkent-2019 yil, 28-29-mart. 215-218-betlari.
3. A.Marupov. Suv resurslari samaradorligini oshirishda tomchilatib sug'orish texnologiyasining roli. "O'zbekiston qishloq xo'jaligi" j. N10. 2010. 30-bet.
4. B.Serikbayev, A.Butayarov. Paxtachilikda suv resurslarini tejaydigan texnologiyalar. "Agro ilm" – "O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi" j. N5. 2019. 75-76-betlar.
5. O'zPITI "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari". 2007 y.

СУВ ТАРКИБИДАГИ ТУЗНИ АНИҚЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

Аннотация. Мақолада математик усуллардан фойдаланиб, амалий масалаларни ечишида математик моделини тузши, математик маълумотлардан фойдаланиб, дифференциал тенглама тузши, яъни ҳодиса ёки жараённинг дифференциал моделини яратши мисол ёрдамида ёритилган.

Annotation. Drawing up a mathematical model for solving practical problems using mathematical methods. The creation of a differential equation using mathematical data, that is, the creation of a differential model of a phenomenon or process, is explained with the help of an example.

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо неъмати бўлиб, у ҳар бир давлатнинг, ҳар бир миллатнинг тамаддун даражасини ва келажакдаги буюк режаларини аниқ кўрсатиб берувчи улкан кўзгудир.

Сувни асрароқ - бу миллатни асрароқ, авлод давомийлигини таъминлароқ, соғлом авлод ва баркамол миллат демакдир. Ўз миллати, Она Ватани, авлоди, бўлгуси набира-эвараларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишини, яшашини ўйлаган ҳар бир инсон сувнинг сифатини муҳофаза килиши ва беҳудага сарфламаслиги керак.

“Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги” нутқи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан, ерости ва ерости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва, ҳатто, ерости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда. Дарё сувларининг ифлосланиши экология, гигиена, санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирумокда.

Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2019 йилда аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова тизимини яхшилаш учун жами 2 024,8 млрд. сўмлик маблаглар сарфланган. Бунинг натижаси мамлакат аҳолисининг ичимлик суви таъминоти 67.8 фоиздан 69.5 фоизга ошган. Ичимлик суви захиралари кун сайин, ҳар соатда ва ҳар дакиқада камайиб, ифлосланниб, ўз таркибини йўқотиб бормоқда. Шошилинч тарзда бунинг чораси кўрилмаса, олди олинмаса, фожия юз бериши эҳтимолдан

холи эмас. Шу сабаб, бу муаммони ҳал этишда кўп соҳа олимлари бош қотирмоқдалар.

Маълумки, математик усуллардан фойдаланиб, фаннинг турли соҳаларида жумладан, механика, физика, техника, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги масалалар ҳал этилади. Одатда, амалий масалаларни ҳал этиш учун унинг математик моделини топишдан бошланади, масаланинг шартига кўра, унинг математик моделини топиш, сўнгра математик маълумотлардан фойдаланиб дифференциал тенглама тузилади. Дифференциал тенгламалар математик тушунчаларнинг бири ҳисобланади. Бирон-бир ҳодиса ёки жараённи текшириш натижасида ҳосил қилинган дифференциал тенглама шу ҳодиса ёки жараённинг дифференциал модели дейилади. Бизни куршаб турган борлик оламни ўрганишда бошқа математик моделлар ҳам бор, албатта, дифференциал тенгламалар ана шу хилма-хил ва кўп сонли математик моделларнинг бир хусусий ҳоли, холос. Қуйида биз сувнинг туз миқдорини аниқлашга доир бўлган содда бир масалани дифференциал моделини тузиб, унинг ечимини топамиз.

Масала. Идиша 140 литр сув бўлиб, унинг таркибида 14 кг. туз бор. Бу идишга иккита қувур уланган. Биринчи қувурдан ҳар минутда таркибида 1 кг туз бўлган 7 литр сув узлуксиз равишда қўйилади. Иккинчи қувурдан эса шу тезлик билан сув оқизилади. Бир соатдан сўнг идишдаги сув таркибида қанча туз бўлишини аниқланг. Сувдаги тузнинг миқдори t га боғлиқ дейлик, у ҳолда бу миқдор $y(t)$ бўлади. Δt вақти эркли ўзгарувчи сифатида қабул қиласиз. У ҳолда $t + \Delta t$ вақтда сувдаги туз миқдори $y(t + \Delta t)$ бўлиб, Δt вақт оралиғида туз миқдори $y(t + \Delta t) - y(t)$ га ўзгаради. Масаланинг шартига кўра, t вақт

ицида идишга $t + \Delta t$ кг туз тушади. Масаланинг математик ифодаланишини қўйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин бўлади:

$$\frac{y(t)}{140} \cdot 7 \cdot \Delta t \cdot \text{кг} = \frac{y(t)}{20} \cdot \Delta t \text{кг}$$

Уларнинг фарқи эса $\left(1 - \frac{y(t)}{20}\right) \cdot \Delta t$ кг/га тенг бўлади. Ҳар бир вақтда идишдаги сув таркибида туз миқдори ўзгариб турганлиги сабабли

$$y(t + \Delta t) - y(t) \approx \Delta t - \frac{y(t)}{20} \Delta t$$

бўлади. Агар да Δt нолга яқинлашиб борса, бу тақрибий тенглик қатъий тенгликка айланади.

$$\text{Бинобарин } \lim_{\Delta t \rightarrow 0} \frac{y(t + \Delta t) - y(t)}{\Delta t} = 1 - \frac{y(t)}{20}.$$

Натижада, $y'(t) = 1 - \frac{y(t)}{20}$, дифференциал тенгламани ҳосил қиласми. Бу содда дифференциал тенгламани ечиб, $y(t)$ топилади ва шу билан биз сув таркиbidагi туз миқdorini aniqplamiz.

Шундай қилиб, математик тушунчалар орқали ҳаётимиздаги турли жараёнларда учрайдиган амалий масалаларни ечиш мумкин экан. Албатта, юқорида кўрган математик масаламиз ҳам ҳаётимизнинг негизи бўлган сувнинг келгуси авлодларга тоза ва сифатли етказиш, уни тозалигини мусаффо ва тиниқлигини, сифатини аниqlаш учун кичкина бир мисол намунаси, холос.

Ўйлаймизки, ҳаммамиз барча Ўзбекистон фуқаролари сувнинг тозалигини сақлашга уларни тежаб сарфлашга, қисқаси, ондек азиз сувни увол қилмасликка масъул бўлишимиз ва ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ана шу ҳолдагина Ўзбекистон сув захираларининг, ҳеч бўлмаса, ҳозирги ҳолатини саклаб қолиш имконини беради.

Гавхар КАЛАНДАРОВА,
«International House-Tashkent» академик
лицеи катта ўқитувчиси,
Муассар ХИДОЯТОВА,
“ТИҚХММИ” МТУ асистенти.

АДАБИЁТЛАР

- Худойберганов Г., Мансуров Х. “Математик анализ”. Қарши, 2003.
- Жалолов А. “Томчи сувда ҳаёт жилваси”. Тошкент, 2008.

УЎТ: 631.316

ТАДҚИҚОТ

ПУШТА ТЕПАСИГА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРАДИГАН ИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Аннотация. В статье приведены результаты теоретических исследований для определения параметров рабочих органов, осуществляющих минимальную обработку на гребень.

Annotation. The article presents the results of theoretical studies to determine the parameters of the working bodies that carry out minimal processing per ridge.

Агрегатнинг бир ўтишида тупроқга минимал ишлов берадиган ва бирйула тақорорий экинлар уруғларини экадиган техника воситаларини ишлаб чиқиш ва улар иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсиралиши жараёнида иш сифати ва энергия-ресурсстежкамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослашга доир илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу йўналишда буғдойдан бўшаган далаларнинг пушталарига минимал ишлов берадиган ишчи органларнинг

параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилди.


Унга асосан қўйидагилар пуштанинг тепа қисмига минимал ишлов берадиган иш органлари секциясининг асосий параметрлари ҳисобланади (расм):

- ясси дискларнинг диаметри D_d улар орасидаги кўндаланг масофалар l_m ва l_m' , қалинлиги b_d , тигининг қалинлиги δ_d ва ўтирланиш бурчаги $2\varepsilon_d$, дискларга бериладиган тик юкланиш Q_d ;
- ўқёйсимон панжанинг увалаш бурчаги β .

қанотларининг очилиш бурчаги $2\gamma_p$, тупроққа кириш бурчаги σ_p , қамраш кенглиги B_p , тигларининг ўтиерланиш бурчаги i_p ва тигининг қалинлиги δ_p :

- ясси дисклар ва ўқёйсизмөн панжалар орасидаги бўйлама масофа L_b ;

- текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги γ_p , баландлиги H_p , қамраш кенглиги B_p , ўқёйсизмөн панжага нисбатан ўрнатилиш баландлиги H_{uy} ;



1-ясси диск; 2-ўқёйсизмөн панжа;

3-текислагич; 4-ротацион иш органи

Расм. Иш органлари секциясининг асосий параметрлари.

- ротацион юмшаткичнинг диаметри D_p , у ясси дискининг диаметри D_y ; ротацион юмшаткичнинг ясси дисклари орасидаги масофа I_p , унга ўрнатилган ясси дисклар сони Z_p , ясси дискларга ўрнатилган пичоқлар сони n_p , ротацион юмшаткичга бериладиган тик юкланиш Q_p ;

- иш органлари секцияси параллелограмм механизми пружинасининг босим кучи Q_n .

Ушбу кўрсатилган параметрларни аниқлашда илгари бажарилган тадқиқотлардан фойдаланилди [1,2].

Ясси дискларнинг параметрларини аниқлаш. Ясси дискларнинг диаметрини илгари бажарилган тадқиқотларга асосан [3] кўйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин:

$$D \geq \frac{d_y [1 + \cos(\varphi_{1y} + \varphi_{2y})] + 2h}{1 - \cos(\varphi_{1y} + \varphi_{2y})} \quad (1)$$

бунда d_y – ўсимлик қолдиқлари кўндаланг кесимининг диаметри, м;

$\varphi_{1y}, \varphi_{2y}$ – мосравиша ўсимлик қолдиқларининг диск тифи ва тупроққа ишқаланиш бурчаклари, °;

h_d – дискнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м.

(1) шарт бажарилганда ясси дисклар дала юзасида ётган ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни кесиб кетади ёки тупроққа қисман ботириб юборади. Бу уларнинг ўқёйсизмөн панжа ва ротацион юмшаткичнинг олдиларида ўюлиши ва тикилиб қолишининг олдини олади. Натижада, иш сифати ва унуми ортади, энергияхажмдорлик камаяди.

Ясси дискларнинг ўтиерланиш бурчагини кўйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз [3]

$$2\epsilon_d = 90^\circ - \phi, \quad (2)$$

бунда ϕ – тупроқнинг ясси дискларнинг ўтиерланган қисмига ишқаланиш бурчаги, °.

$2\epsilon_d$ бурчакни (2) ифода бўйича аниқланган қийматга эга бўлганда иш жаёнида уларнинг ўтиерланган қисмларига тупроқ ёпишмаслиги сабабли дискларни тортишга ва тупроққа ботишга қаршиликлари минимал даражада бўлади [1].

Дискнинг қалинлиги унинг мустаҳкамлиги етарли даражада бўлиши, диск тигининг қалинлиги эса ўсимлик қолдиқларининг кесилиши таъминланиши шартларидан деб қабул қилинади [3].

$d_y = 0,015$ м, $\phi_{2y} = 30^\circ$, $\phi_{1y} = 40^\circ$, $h_d = 0,08$ м ва $\phi = 30^\circ$ қабул қилинib, (1)-(2) ифодалар бўйича ўтиерланган ҳисоблашлар ясси дискларнинг диаметри камида 273 мм, ўтиерланиш бурчаги $55-65^\circ$ оралигига бўлиши лозимлигини кўрсатди. Ушбу олинган натижалар асосида $D = 280$ mm ва $2\epsilon = 60^\circ$ қабул қиласиз.

Ясси дискларнинг ва улар тигларининг қалинликларини мос равиша 2-3 ва 0,5 mm деб қабул қиласиз [3].

Ясси дискларга бериладиган тик юкланиши улар белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши шартидан кўйидаги ифода бўйича аниқлаймиз.

$$Q_d = n_d q_0 (1 + \kappa V^2) \left\{ \delta_d R_d \left[\sqrt{2R_d h_d - h_d^2} - (R_d - h_d) \arccos \frac{R_d - h_d}{R_d} \right] + \frac{1 + fctg\epsilon}{\cos\epsilon} \left[R_d^2 - \left(R_d - \frac{b_d - \delta_d}{2} ctg\epsilon \right)^2 \right] \right\} \left[\sqrt{\left(R_d - \frac{b_d - \delta_d}{2} ctg\epsilon \right)^2} - (R_d - h_d)^2 - (R_d - h_d) \arccos \frac{R_d - h_d}{R_d - \frac{b_d - \delta_d}{2} ctg\epsilon} \right], \quad (3)$$

бунда n_0 – секцияга ўрнатилган ясси дисклар сони, дона; q_0 – тупроқнинг статик ҳажмий эзилиш коэффициенти, N/m^3 ; k – пропорционаллик коэф-фициенти, s^2/m^2 ; V – ҳаракат тезлиги, m/s ; R_0 – ясси диск радиуси, m ; f – тупроқ-нинг ясси дискларнинг ўтирилган қисмига ишқаланиш коэффициенти.

$\pi_0 = 3$ дона, $q_0 = 15 \cdot 10^6 N/m^3$, $k = 0,08 s^2/m^2$, $\delta_A = 0,0005 m$, $R_0 = 0,14 m$, $h = 0,08 m$, $f = 0,5$ қабул қилиниб, (3) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблашлар 1,5-2,0 m/s ҳаракат тезликларида

иш органлари секциянинг ясси дискларига бериладиган тик юкланиш 1354,1-1514,7 N ни ташкил этишини кўрсатди.

Демак, юкорида олинган натижалар бўйича иш органлари секцияси ясси кесувчи дискларининг диаметри 280 mm , ўтириланиш бурчаги 60° , қалинлиги 2-3 mm , тиғларининг қалинлиги 0,5 mm , уларга бериладиган тик юкланиш 1354,1-1514,7 N оралиғида бўлиши лозим.

Алписбай ТОЛИБАЕВ,
т.ф.н., кат.и.х.

АДАБИЁТЛАР

1. Тўхтақузиев А., Тошпўлатов Б.У. Исканасимон юмшаткич панжанинг увалаш бурчагини назарий асослаш // ФарПИ илмий-техника журнали. – Фарғона, 2019. – №2. – Б. 131-134.
2. Утемуратова Д.Т. Обоснование параметров плоскорежущие лапы-бритвы хлопкового культиватора (на примере Республики Каракалпакстан) Дисс. канд. тех. наук. – Янгиюль, 1994. – С. 9-13.
3. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – М.: Машиностроение. 1977. – С. 216-217.

УУТ: 338

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Аннотация. В данной статье представлены предложения по систематизации разработки и управления производством сельскохозяйственной продукции.

Annotation. This article presents proposals for the systematization of the development and management of the production of agricultural products.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарish параметрарини баҳолашда хориж тажрибасига таяниш асосий манбалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт секторларида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ҳақида сўз кетганда, унинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги самара-дорлик кўрсаткичларини ахборот сифатида қабул қўлиш мумкин. Чунки рақамли технологиялар иқтисодиёт тармоқларининг барчаси комплекс ривожи учун бирдай хизмат қиласи ва умум-ривожланиш ҳолатини белгилаб беради. Шу маънода, иқтисодий ўсиш даражасини рақамли технологиялар билан боғлагандан, жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий-тадқиқот марказлари,

тадқиқот институтларининг тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг маълум сектори фақат шу секторга тегишли натижалар таҳлили билан чекланиб қолмаган.[2]

Бизнингча, вилоятда ташкил этиладиган “Агрохизматлар марказлари” 5 та асосий марказлар яхлит тизим асосида интеграциялашган ҳолатда фаолият юритиши зарур. Буларга Илмий тадқиқотлар маркази, Техник-технологик марказ, Агробизнес ва лойиҳа маркази, Дастурий тъминот маркази, Ахборот-маслаҳат марказини киритамиз.[4]

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рақамлаштириш натижасида:

- меҳнат натижаси ва самара-дорлигини оши-

**Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ривожлантириш,
бошқариши тизимлаштириш бўйича таклифлар**

Таклифлар	Имкониятлар ва қулийликлар	Тўсиклар
Ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш	Ресурстежовчи воситаларни маҳаллий ташкил этиш мумкинлиги; Ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибаси; Давлат томонидан қўллаб-куватланиши	Инновацион технологияларнинг оммалашмаганлиги; Махаллий ресурстежовчи воситаларнинг талаб даражасида эмаслиги; Импорт маҳсулотларнинг кимматлиги;
Фермер ҳўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни, жумладан, чорвачиликни кучайтириш	Ер майдонларининг катталиги; Мехнат ресурсларининг етарли эканлиги; Ўзини ўзи молиялаштириш имконияти; Кластер тизимида фаолият юритиш имконияти Давлат томонидан қўллаб-куватланиши	Фермер ҳўжалиги фаолиятига ташкил таъсиirlарнинг кучлилиги; Ер ҳақиқий эгасида эмаслиги; Наслчилик амалиётининг камлиги; Рақамли трансформациянинг коникарсизлиги
Дехқон ҳўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни, жумладан, доривор ўсимличиликни кучайтириш	Сифатли ер майдонлари; Мехнат ресурси етарли; Мехнат ва ишлаб чиқариш харажатларининг камлиги; Давлат томонидан қўллаб-куватланиши	Тажрибанинг этишмаслиги; Экспорт муаммолари; Рақамли трансформациянинг коникарсизлиги Ишлаб чиқарышнинг тизими ташкил этилмаганлиги
Уй ҳўжаликларида иссикхона ҳўжалигини ривож-лантириш	Худуд иқлими; Қишлоқ ва шаҳарлarda томорқа ерларидан йилда факат мавсумий фойдаланилиши, колган вактда буш туриши; Томорқа ерларининг нисбатан сифатли эканлиги; Давлат томонидан қўллаб-куватланиши	Қишлоқ жойларда иссиқлик таъминотининг пастлиги, иссикхона қуриш материалларининг кимматлиги, рақамли датчиклар билан жихозланишининг талаб даражасида эмаслиги,
Ишлаб чиқаришга ихтиослашувни кенгайтириш	Қулай географик жойлашув; Ишлаб чиқариш тажрибаси; Давлат томонидан қўллаб-куватланиши	Соғлом ракобат мухитининг товарбоп маҳсулот этиширишга боғлик эмаслиги;
Техника таъминоти ва ижараси тизимини таомиллаштириш	Барча турдаги техника воситаларининг мавжудлиги	Кўп функцияли техникаларнинг этишмаслиги;
Рақамли инфратузилмани шакллантириш	Мобиъл алоқа воситаларининг оммалашгани; Худудларда интернет хизматининг мавжудлиги; Ахолининг АҚТ саводхонлиги	Техника харажатларининг кимматлиги; Техника хизматидан тизимли фойдаланишининг йўлга кўйилмаганлиги; Ижара бўйича интернет платформаларнинг коникарсизлиги; Туманларда техник таъминотнинг нотекис тақсимоти
	Рақамли технологияларнинг оммалашмаганлиги; Рақамли технологияларнинг ва хизмат кўрсатишнинг кимматлиги; Технологиялар импорт маҳсулотлари эканлиги; Соҳа ходимларининг етарли кўнкма ва малакага эга эмаслиги; Электрон платформаларнинг мукаммал эмаслиги ва фойдаланувчиларнинг камлиги	

ришга эришилди;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи бозор иқтисодиётининг эркин рақамли субъектига айланади.

- маҳсулот қиймати талаб ва таклиф қонунлари асосида белгиланади;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ва масъулияти ортади. [5]

Қолган марказлар ҳам ўзига хос функцияларни бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилояти мисолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиши қуидаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ эканлигига амин бўлдик.[6]

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни тадқиқот обьекти сифатида ўрганар эканмиз, унинг ривожланиши қуидаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ эканлигига амин бўлдик.

• ерларни сугориш бўйича номутаносибликлар мавжудлиги;

• ерлардан тўғри фойдаланиш учун амалий ва назарий тажрибаларнинг етишмаслиги;

• айрим маҳсулотларнинг харид нархлари пастлиги;

• қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи монопол корхоналарнинг етакчи мавқеи ҳамон сақланиб қолаётганлиги;

• қишлоқ хўжалик ходимларига хизмат кўрсатиш бозори етарли даражада шаклланмаганлиги;

• қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўла молиялаштирилмаганлиги;

● шартнома тузишда айрим эскича ёндашув-ларнинг мавжудлиги;

● техника хизматлари бажарилишида ёқилғи-мойлаш материаллари танқислиги;

● муқобил машина-трактор паркларида хизмат кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги ёки харажатларнинг юқорилиги.

Келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишнинг қўйидаги ечимлари мавжуд деб ҳисоблаймиз:

● қишлоқ хўжалиги ходимлари иш фаолиятига ёрдам бериш мақсадида ахборот-маслаҳат гуруҳларини ташкил этиш;

● барча турдаги шартномалар бўйича онлайн масъулиятни ошириш;

● шартнома шартлари, режалар бажарилишини аниқлик билан ишлаб чиқариши мониторинг қилиш;

Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсак, юртимиз қишлоқ хўжалигига туб ислоҳотлар белгилаб бераётган энг бирламчи вазифаларнинг ижросига эришилса, қишлоқ хўжалигининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва хўжаликларга узоқ муддатли ижара-га берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиши рағбатлантирадиган ҳукуқий шарт-шароитларни яратиб беради. Бу кўрсаткич мамлакатимизни қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди.

Одил РАҲИМОВ,

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Қарши филиали катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси доирасида 2020-2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш ДАСТУРИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонига 13-илова. <https://lex.uz/ru/docs/5030957>

2. Гарифуллин Б.М., Зябриков В.В. Цифровая трансформация бизнеса: модели и алгоритмы. Журнал "Креативная экономика". Том-12, №9, 09.2018, 1345-1358-стр.

3. Weber M., The Agrarian History of the Ancient World / Weber. - Moscow: Canon C-Press, 2001. S. 429

4. Jaap Jan Schröder . The Position of Mineral Nitrogen Fertilizer in Efficient Use of Nitrogen and Land: A Review // Natural Resources Vol.05 No.15(2014), 12 pages

5. Dunstan Gabriel Msuya. Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol.3 No.7 (2013), 9 p

6. Югай А.М. Современные отношения земельной собственности в России. //Экономика сельского хозяйства России.- №10, 1997 г. – с. 17-21.

7. Ташматов Р. Ҳудудларда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" иммий-электрон журнали. №4, июль-август, 2017 йил.



МИЛЛАТ ҚҮЁШИ

Бутун турк дунёси Алишер Навоийни «шамс ул-миллат» — миллат қүёши деб ҳамма даврларда эъзоз билан тилга олади. Бутун умрини туркий тил мавқенин кутариш, туркий адабиёт имкониятларини дунёга тан олдириш, туркий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор топтиришга багишлаган бобокалонимиз бу эътирофга тўла-тўқис муносиб ва ҳақлидир.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хурсон үлкасининг пойтахти Ҳиротда туғилди.

У 7-8 ёшларидан шеър ёза бошлади. Узбекча шеърларига «Навоий», форсча шеърларига «Фоний» тахаллусини қўйди.

“ Усмирлик даврларида Алишер үқища да ёзишда тиним билмас, шеър мутолаасидан чарчамас эди. «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида узининг ёшлиқ чоғида машҳур ўзбек ва форс шоирлари назмидан 50 минг байт (100 минг мисра) шеърни ёд билганини сўзлайди.

Навоий 1460 йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшади. Темурбек пойтахт қилган бу кўхна шаҳар унинг ҳаётида учмас из қолдирди. Бу ерда ўз даврининг етук олимларидан, хусусан, шу кунгача асарлари Ислом оламида мўтабар саналиб келаётган Фазуллоҳ Абуллайс Самарқандийдек алломадан сабоқ олди. Кейинчалик бу шаҳарни ўз асарларида «Фирдавсмонанд» (жаннатмисол) деб таъриф этди. Бу ерда шоир сифатида жуда катта шуҳрат топа борди. Бир девонга етиб ортадиган асарлари бўлишига қарамай, камтарлик туфайли бўлса керак, ўзи тартиб бермаганлиги учун 1465-1466 йилларда унинг муҳлислари шеърларини тўплаб, «Девон» туздилар. Бу китоб бугунги кунда шартли равиша «Илк девон» деб номланади.

Давлат ишлари билан бир қаторда А. Навоий ўзининг севимли машғулоти — бадиий ижодни ҳам тұхтатмади. 1472-1476 йилларда «Бадое ул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»), 1476-1483 йилларда «Наводир ун-ниҳоя» («Туганмас ноңирликлар») номлари билан икки девон тузди.

“ 1483 йилда туркий тилда биринчи булиб «Хамса» ёзишга киришди ва мисли кўрилмаган қисқа муддат — икки йилда беш йирик достондан иборат асарни ёзib тутатди.

Навоий фаннинг бир неча соҳаларида қалам төбратиб, забардаст олим эканлигини ҳам исбот этди. Ўтмиш мавзусида «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам, яъни араб бўлмаган мамлакатлар тарихи»), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи») асарларини ёзган. Туркий адабиётшуносликда ҳам унинг алоҳида ўрни бор.

Навоий 1490 йилларда адабиётимиз тарихдаги яна бир катта ҳодиса — «Хазойин ул-маоний» («Маънолар ҳазинаси») мажмусини тузди. Тўрт девондан иборат бўлган бу улкан шеърий тўплам шоирнинг туркий тилда ёзган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди.

Буюк адаб умрининг охирига қадар илму ижод билан қизгин ва самарали шуғулланди. Шарқда ўтган машҳур шайхлар, сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асарини ёзib тутатди. Сўнг умр бўйи ҳаёlinи банд этган «Лисон ут-тайр»ни қоғозга туширди. Бошқалар билан олиб борган ёзишмалари — хатларини тўплаб «Муншашот» («Хатлар») тузди. 1500 йилда буюк мутафаккирнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақида қараашларини ўзида ифодалаган «Маҳбуб ул-қууб» («Кўнгилларнинг севгани») асари майдонга келди. Бу буюк адабнинг сўнги асари эди. Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этди.

Ғазал

Мени мен истаган ўз сұхбатыға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сұхбатин күнглум писанд этмас.

Не баҳра топкамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрайи андин тилармен баҳраманд этмас.


Нетай хуру пари базминки қатлим, ё ҳаётимға
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон бу нұшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ күнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Құнгұл уз ҷархи золидин фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бүйнүнгә каманд этмас.

Үл ой үтілғұр юзин очса Навоий тегмасун, деб күз
Мұхаббат тухмидин ўзга ул үт узра сипанд этмас.



Рұбоиңлар

Күк пүяву сайр ила талабгор санга,
Күн сорғорибон ишқда бемор санга.
Ой дөф ила куллук айлаб изхор санга,
Тун анжуми нақдидин харидор санга.

* * *

Е Рабки, иноятингни ёр айла манга,
Йүқлукқа хидоятингни бор айла манга,
Хам қахфи кифоятингни дор айла манга,
Хам дурри иноятинг нисор айла манга.

* * *

Шохеки фалак сори чу майл ўлди анга,
Күк зарфи сочарға нур кайл ўлди анга,
Афлок шахи тобеу хайл ўлди анга,
Балким, еру күк хайли туфайл ўлди анга.

* * *

Жонимдағи «жим» икки долингға фидо,
Андин сұнғ «алиф» тоза николингға фидо,
«Нун» даги анбарин ҳилолингға фидо.
Қолған ики нұқта икки холингға фидо.

* * *

Үйланса бирав торий ўлуб накбат анга,
Маккораки, калтабон сурар шахват анга.
Зишт эрса гар элдин ўшурур раҳмат анга,
Хұб эрса гар элга күргузур лаънат анга.

.Ким бұлса бу мотамқадаек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлик одам аро,
Гар одам әрүр бұлса керектүр ғам аро,
Оlamда эса, бұлса керак мотам аро.

* * *

Гар ошиқ эсанғ зебу такаллуфни унут,
Яхшию ѡмон ишда тахаллуфни унут.
Үткан гар әрүр ѡмон таассуфни унут,
Келган гар әрүр яхши тасарруфни унут.

* * *

Олам бор эмиш, Навоиә, шұрангиз,
Оламдағи әл боштын-әғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,
Борғилки, әрүр әл тилаган ерда азиз.

* * *

Жондин сени күп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени күп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники, севмак андин ортуқ бұлмас,
Андин сени күп севармен, эй умри азиз.

* * *

Ғурбатда ғаріб шодмон бұлмас эмиш,
Эл анга шағиқу меҳрибон бұлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар кизил гул бутса,
Бұлбулға тикандек ошён бұлмас эмиш.

Алишер НАВОИЙ.



Аҳадқул Примқуловни Сирдарё вилоятінда күпчилік яғындан танылған, аграр соқа билімдөні, ишбилармен, ҳалол, халқпарвар рахбар сиғатидеги шағариятшының ұйымындағы әсес мүшкін. Чүнкі үкімші шағариятта түгелді, бүтүн үмріні шағарияттанаң қызметкішінде жүргізді. Қызылабадағы қызметкіштерде рахбар, бир земас, үкімші түмандада қызмет, вилоят қоғамынанғы биринчи үринбосары бўлди. Энг муҳимни, шағарият ривожига үйліда қармай-толмай меҳнат қилиб келмоқда.

ИБРАТЛИ ҮМР

Аҳадқул ака меҳнат фаолиятини 1970 йили ўрта мактабни битирғандан сүнг Боёвут туманиндағы “З-Боёвут” хұжалигыда механизаторликдан бошлаган. Барча ўсмирлар каби орзуси олий ўқув юртида ўқишилди. Унинг бу орзуси 1971 йили ушалади. У Тошкент қышлоқ хұжалиги институти (хозирги Аграр университет)нинг іктисод факультети талабаси бўлди. 1977 йили институтни муваффакияттага тамомлаб, қадрдан юрти – Сирдарёга қайтди ва Мехнатобод туманининг З-давлат хұжалигыда катта іктисодчи вазифасида иш бошлади. 1978 йилдан 1980 йилгача тумандаги “Янгиер” давлат хұжалигыда баш іктисодчи вазифасида ишлади.

“Мехнатобод тумани чүл ҳудуд ҳисобланади. Чүлда ишлашнинг эса ўзига яраша қийинчиликлари бор. А.Примқулов шу қийинчиликларга чидади, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади, меҳнатда чиниқди. Шу боис, ёш булишига

қарамай, аста-секин рахбарлик лавозимларига кутарила бошлиди. 27 ёшида туман ижроия құмитаси раиси үринбосары вазифасына кутарилди. Бу ёшда туман миқёсидеги катта идорага бошлиқ үринбосары бўлиш ўша пайтларда камдан-кам учрайдиган ҳолат эди.

Орадан иккى йил ўтгач, у ўзи туғилиб ўсган Боёвут туманинга қайтди. Тумандаги Усмон Юсупов номидеги хұжаликда бош іктисодчи, шу билан бирга, партия құмитаси котиби бўлиб ишлади. 1990–1992 йилларда тумандаги “Фалаба”, 1992–1994 йилларда Усмон Юсупов номидеги хұжаликкларни бошқарди.

Аҳадқул Примқулов директорлик қилган йилларда собиқ шуролар давлати тарқалиб кетген, халқнинг турмуш шароити оғир аҳволга тушиб қолган пайт эди. Хұжаликкларда техника етишмасди. Шундай оғир шароитта ҳам иккى хұжалик пахта, ғапла ва башқа қышлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштириш

бўйича нафақат туманда, балки вилоятдаги илғор хўжаликлардан бирига айланди. Шу боис, унга ишонч билдирилиб, 1994 йилда Боёвут тумани ҳокими лавозимига тайинланди. Албатта, тиниб-тинчимас Аҳадқул aka туманни ҳам илғорлар сафига олиб чиқди, республика миқёсидаги раҳбарларнинг ишончини қозонди.

Талабчан, меҳнатсевар, иқтидорли А.Примқулов 1998 йили Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринbosари, қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасида иш бошлади. У илгари битта туман иқтисодига, одамларининг ҳаётига, турмуш шароитига жавобгар бўлса, энди вилоят аграр соҳаси мутасаддисига айланди. Ўша пайтда Сирдарё аграр вилоят ҳисобланар эди ва аҳолининг турмуш шароити қишлоқ хўжалигига қараб қолганди. У ўз вазифасида ўша масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳалол меҳнат қилди. Бор кучини соҳа ривожи йўлида сарфлади. Натижада, вилоят аграр соҳасида салмоқли натижаларга эришилди.

Аҳадқул акадаги иқтидор, ишчанликни курган республика раҳбарияти уни чўл ҳудудида жойлашган, ишчи кучи етишмайдиган, нисбатан қолоқ Шароф Рашидов номидаги (кейинчалик Сардоба деб номланган) туманга ҳоким этиб тайинлади. У 2001 йилдан 2006 йилгача туман раҳбари сифатида фаол ишлади. Чўл шароитида пахтачилик бўйича 15 – 16 центнер ҳосилдорликни 35 – 37 центнергacha кўтарганлигининг ўзиёқ унинг барча ишларни режали ва талабчанлик билан олиб борганлигини кўрсатади.

А. Примқулов кейинчалик “Сирдарё пахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси раҳбарининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринbosари, “Гулистон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти раиси, вилоят “Пахта уруғчилиги” бирлашмаси раҳбари ва бошқа лавозимларда меҳнат қилди. Қаерда ишламасин, жамоанинг хурматига сазовор бўлди. У киши айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашида бош маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда.

“Аҳадқул aka қандай лавозим ёки вазифада меҳнат қилса ҳам, ўз касбига сидқидилдан ёндашиб, ижобий натижаларга эришид. Мутахассисларни, айниқса, ёшларни ўз орқасидан етаклай олди. У ўз атрофидаги мутахассисларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлади, ёшларга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларни эринмай ўргатади. Унинг кўплаб шогирдлари ҳозирги кунда вилоят ва мамлакат миқёсида турли соҳаларда меҳнат қилиб келмоқда.

У оиласпарвар ота. Тўрт нафар фарзандни вояга етказиб, ҳаммасининг олий маълумот олишига шароит яратиб берди. Улар бугун вилоят ҳалқ хўжалиги ва маориф соҳасида меҳнат қилишмокда. Аҳадқул ота 20 нафардан зиёд набиралининг суюкли бобоси.

Аҳадқул Примқуловнинг босиб ўтган ҳаёт йўли вилоятдаги барча мутахассисларга, айниқса, ёшларига ибратdir.

Бекқул ЭГАМ҄УЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

O'ZBEKISTON QISHLOQ

VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommatobor jurnal

СЕЛЬСКОЕ И
ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО
УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIKLLARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV

Shavkat XAMRAYEV

Shuhrat TESHAYEV

Azimjon NAZAROV

Bahodir TOJIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBOV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

SASHEV

MUNDARIJA

Р.СИДДИКОВ.	Галлакор омилкор бўлса:.....	1
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ.	Қишиш – иш фасли.....	5
М.ТОШБОЛТАЕВ.	Трактор таъмири.....	10
Ю.ЮСУПОВ.	Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси лойихасида сувдан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизмлари.....	13
Ш.НОРМУРОДОВ.	Томчилардан унаётган барака.....	15
	Мехнатдан эъзоз топаётгандар.....	17
	Қишидаги амал – ёзги ҳосилга тамал.....	18
К.ХАЙИТБОЕВ.	Бахор олди юмушлари.....	19
	Кластер: истикболли ва манфаатли тизим.....	21
К.ЭРГАШЕВ.	Чорвадор – элга мададкор.....	22
	Қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари: Салоҳият, устувор вазифалар ва келажак учун режалар.....	23
Х.ЮНУСОВ.	Сифатли таълим — кафолатли мутахассис.....	31
	Kamolotga intilib.....	34
Т.ХАМИДУЛЛАЕВ, М.КАРИМОВ, А.КАМАЛОВ.		
	Оралиқ экинлардан бушаган майдонларга такрорий экин сифатида экилган С-8290, "Афсона", "Султон" ва С-7276 навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги.....	38
И.АДАШЕВ.	Кузги буғдой навларида барг сатҳи шаклланишига урургларни экиш муддатлари ва мөълдарилик таъсири.....	40
Н.ЗАРИБОВА.	Ясмик навларида ва ҳосилдорлик структурасидаги ўзгаришлари фотосинтез жаёёнининг боришига таъсири.....	42
Б.ХАЙДАРОВ, Ш.ПАРДАЕВА, А.МАДИЕВ,		
Р.НОРМАХМАТОВ.	"Изобильная" ва "Ароматная" бехи навларининг макро- ва микроэлементлар таркиби.....	45
Н.ДЖАЛИЛОВ, Ш.АХМЕДОВ, Ш.ФАНИЕВ, Ҳ.НИЁЗОВ.		
	Олхўри меваларини плёнка остида куритишнинг аҳамияти.....	46
Х.ШУКУРОВ, М.РАХМОНОВА, Ҳ.ЭРГАШОВА.		
	Мевали боғларда ташкил этиладиган қишики тадбирлар.....	48
Х.АРАЛОВ, Б.ЭРГАШЕВ.	Топинамбур илдизмеваларини саклаш ва кайта ишланшинг долзарблиги.....	51
Г.ДУРДИYЕV, М.ВЕКCHANOV, М.МАТЫОQUBOV,		
F.QADIROVA.	Xorazm viloyatining sho'rlangan tuproqlarida g'o'zani tomchilatib sug'orish istiqbollari.....	52
Г.КАЛАНДАРОВА, М.ХИДОЯТОВА.		
	Сув таркибидаги тузни аниқлашнинг математик модели.....	54
А.ТОЛИБАЕВ.	Пушта тепасига минимал ишлов берадиган иш органларининг параметрларини асослаш.....	55
О.РАХИМОВ.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чикаришини ривожлантириши ва бошқаришини тизимлаштириш бўйича таклифлар.....	57
	Миллат кўёши.....	60
Б.ЭГАМҚУЛОВ.	Ибратли умр.....	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot
axborot agentligida 2019-yil
0158-raqam bilan qayta

print sh.,
4-uy.

71 24

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
1-fevral. Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Sharhl bosma tabog'i – 5,5. Nashr
bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 2.
Nusxasi 1100 dona.

«HIOL MEDIA» MCH
mathaa bo'limida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalarini kesishuvli.

Navbatchi muharrirlari –
B.ESANOV, A.TAIROV

Dizayner – U.MAMAJONOV

ЁШЛИК ШИЖОАТИ ЖҮШ УРГАНДА

Үтган йилнинг 28 декабрь куни

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев республикадаги тизим ташкилотлари ёшлари билан онлайн муроқот қилди. Кўтаринки ва самимий руҳда ўтган тадбирда марказий студиядан ва ҳудудлардан кўплаб шиҷоатли ҳамда ташаббускор ёшлар сўзга чиқиб, ўзларининг гоя ва лойиҳалари, зришаётган меҳнат натижалари, орзуумидлари билан ўртоқлашиши.

Жиззах вилоятидаги Тутаортар-Қли иригация тизимлари бошқармаси бошлиғи Арслон Мустақов ўша машваратда сўз олиб, ўз фикр муроҳазалари билан ўртоқлашиди.

- Бошқармамиз тасарруфидаги сув иншоотлари атрофида 20 гектарга яқин

Бўш ётган ер бор. Жамоамиз ушбу майдонларни яшил макон, бўғ-роғларга айлантиришини кўзламоқда. Айни пайтда бу борадаги ишларни жадал бошлаб юборганимиз. Режаларимиз салмоқли: 10 минг туп ток, 20 минг туп терак кўчкатларимиз экишга тайёр, келгуси йили уларнинг умумий сонини 100 мингдан оширамиз- деганди ўшандайдар. Мустақов.

Бу ваъдалар қайдаражада ўз исботини топаётганига ишонч ҳосил қилиш учун Тутаортар-Қли ИТБга хизмат сафари ўюштирилди.

Ҳаво ўзгариб турганига қарамасдан, “Эски тутаортар” канали бўйидаги ҳудудда иш қизгин бораётгани кўзга ташланди. Чунончи, айнан мана шу ерда бошқарма бошлиғи тилга ол-ган ток кўчватлари тайёрланадиган экан. Сал нарироқдаги майдонга ўтган йилнинг баҳорида экилган 20 минг туп терак кўчватлари хийла бўй чўзиб қолибди. Сувчилар дараҳтлар қатор ораларини юмшатиб, аввал экилган ниҳолларга шакл бериш, ток қаламчалари устига тупроқ тортиш билан машғул.

- “Қари келса ошга, ёш келса ишга”, деган нақл жуда топиб айтилган экан. - дейди участка бошлиғи Акрам Урозаев. – Жамоамизга бундан 6 ой аввал бошлиқ этиб тайинланган Арслон укамиз эндингина 27 ёшни қаршилмоқда. Аммо унинг шу қисқа мурдат ичидага амалга оширган ишлари эътиборимизни ўзига тортди. Энг муҳими, ундаги гайрат-шиҷоат жамоамизнинг барча аъзоларига “юқди”. Бир ярим гектарда кечки сабзавот, ярим гектарда полиз экинлари етиширилди, 2 сотих ерда иссиқхона ташкил бўлди, 5 гектардан ортиқ майдонга мевали ва манзарали дараҳт кўчватлари ўтқазилди.



- “Экин қони - сув”, дейишади, демак, миришкорлар эришган ютуқларда жамоамизнинг ҳам мурносиб ҳиссаси бор, - дейди Арслон Мустақов.

- Демак, зиммамиздаги асосий вазифа - экин майдонларига обиҳат етказиб беришбиз учун ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади. Шу билан бирга, жамоамиз аъзоларининг меҳнат шароитига, ишдан бўш вақтларни мазмумли ўтқазишига, ўйидан-рўзгоридан кўнгли тилич бўлишига ҳаракат қиласми. Хуллас, ийсон манбаати бош мақсадимиз бўлади!..

Бошқарма ёрдамчи хўжалиигига ҳам қайта эътибор қаратилиби. Ёш раҳбарнинг ташаббуси билан бу ерда ҳозирча 5 бош кўй, 70 бош товук ва 50 бош кўён парваришиланмоқда.

А.Мустақов ишга келгандан кейин ўтган давр ичida ҳайит ва умумхалқ байрамлари янада катта шукух билан нишонланди. Жамоанинг 60 нафарга яқин ишчи-ходимларига декабр ойидаги байрамларнинг ўзида 50-60 килограммдан картошка, пиёз, сабзи, 5 килодан гўшт, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тортиқ қилинди.

“Тутаортар-Қли” иригация тизими бошқармаси жамоаси умумий узунлиги салкам 78 километр бўлган каналлар ва сув иншоотлари ёрдамида Бахмал, Галлаорол ва Шароф Рашидов туманлари, Жиззах шахридаги экин майдонларини обиҳёт билан таъминлайди. Ортда қолган йип ушбу ҳудудлар дехқонлари учун баракали бўлди. Улар ўзлари ерга қадаган ҳар бир уруғдан мўл ҳосил олишга муваффақ бўлишиди.

Худойберди КАРИМОВ,
ӯз мухбиримиз.

Суратда: Тутаортар-Қли ИТБ да амалга оширилаётган ишларга бошқарма бошлиғи Арслон Мустақов (чапда)нинг ўзи ҳамиша бош-қош.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



CHANGAN

**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11

www.sardor-avto.uz

MAHSUSET SERTIFIKATLANSI